



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
BO'SH PROKURATURASI  
AKADEMIYASI

№3 (47) 2021

# АХБОРОТНОМАСИ

*et dosere et discere servitute legis*

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ  
ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
БОСҚИЧЛАРИ

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА  
ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СОСТАВЛЯЮЩИЕ НЕЗАКОННЫЙ  
ОБОРОТ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ

ПРЕСТУПНЫЕ АКТИВЫ:  
ВОЗВРАТ ИЛИ ВОССТАНОВЛЕНИЕ?

ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ  
ТУШУНЧАСИ ВА ЗАРУРАТИ





## МУАССИС:

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

#### Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

#### Масъул котиб:

Санобар Мансурова

#### Таҳрир ҳайъати:

Баҳриддин Валиев  
Дилшод Раҳимов  
Акмал Саидов  
Раҳим Ҳақимов  
Халим Болтаев  
Рустам Гафуров  
Патрик Олссон  
Итиҳаши Катсуя  
Рустам Уринбоев  
Аброр Отажонов  
Мирақбар Раҳмонкулов  
Бахтияр Пўлатов  
Фаҳри Раҳимов  
Музаффар Мамасидиқов  
Комил Синдоров

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинди, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиш шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

#### Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.  
веб-сайт: www.proacademy.uz  
e-mail: info@proacademy.uz

#### Саҳифаловчи:

#### Сарварбек БАБАЖАНОВ

Буюртма № \_\_\_\_ Адади 500  
Журнал «ECO TEXTILE PRODUKT»  
МЧЖда чоп этилди.

#### БОСМАҲОНА МАНЗИЛИ:

100115, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
Чилонзор 23-даҳа 47-а уй.

## МУНДАРИЖА

<b>Б.ПЎЛАТОВ, Р.ГИЯСОВ</b>	Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг чет эл давлатлари органлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ва прокуратуранинг ривожланишида миллий жамоатчилик институтларининг ўрни	<b>3</b>
<b>Ф.РАХИМОВ, Ш.ЗОКИРОВ</b>	Прокуратура органларига мурожаатлар – инсон ҳуқуқларини таъминлаш воситаси сифатида	<b>9</b>
<b>В.КАРИМОВ</b>	Тезкор-қидирув фаолиятининг тарихи ва ривожланиш босқичлари	<b>12</b>
<b>Б.УМАРОВА</b>	Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлигининг айрим жиҳатлари	<b>18</b>
<b>М.МИРСАЛИХОВ</b>	Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида пенитенциар тизимни такомиллаштиришда халқаро стандартларнинг аҳамияти	<b>21</b>
<b>С.НИЁЗОВА</b>	Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятларда жабрланувчи хулқ-атворининг эътиборга олиниши	<b>27</b>
<b>У.НИГМАДЖАНОВ</b>	Преступные активы: возврат или восстановление?	<b>33</b>
<b>Д.ДОВУДОВА</b>	Эстония Республикасида жиноят ишларини юритишда прокурорнинг айрим ваколатлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил	<b>40</b>
<b>М.ПАЛВАНОВ</b>	Некоторые вопросы ответственности за преступления, составляющие незаконный оборот наркотических средств	<b>44</b>
<b>Х.КАРИМОВ</b>	Жиноятларни таснифлаш тушунчаси ва зарурати	<b>46</b>
<b>Ф.МИРЗАЕВ</b>	Қотиллик жиноятлари бўйича терговни режалаштиришнинг тактик жиҳатлари	<b>51</b>
<b>М.ТОШОВ</b>	Меҳнат шартномасининг бекор бўлиши”, “меҳнат шартномасини бекор қилиш”, “ишдан бўшатиш” ва “ишдан озод қилиш” тушунчалари: миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида айрим мулоҳазалар	<b>54</b>
<b>Д.ХАМЗАЕВ</b>	К вопросу классификации международных стандартов по борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями	<b>58</b>
<b>С.ИБРАГИМОВА</b>	Некоторые вопросы имплементации международных стандартов правосудия в отношении несовершеннолетних	<b>66</b>
<b>О.ИСМОИЛОВ</b>	Фуқаролик процессида ишга дахлдор бўлмаган жавобгар тушунчаси ва уларни алмаштиришга йўл қўйиш шартлари	<b>71</b>
<b>О.НАЗАРОВ</b>	Адолат ва қасос	<b>77</b>
<b>Б.КАДИРОВА</b>	Қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати	<b>81</b>
<b>Ж.ИБРОҲИМОВ</b>	Террорчилик хусусиятига эга жиноят сифатида қўпоровчилик объектив томонининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи	<b>85</b>
<b>Д.ИБРАГИМОВ</b>	Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари	<b>89</b>



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,  
Бош прокуратура Академияси  
профессори, ю.ф.д.

Рустам ГИЯСОВ,  
Бош прокуратура Халқаро-ҳуқуқий  
бошқармаси бошлиғи

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАРИ ОРГАНЛАРИ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ВА ПРОКУРАТУРАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ЖАМОАТЧИЛИК ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада мамлакатимиз прокуратура органларининг чет эл давлатларининг прокуратура, ваколатли органлари, халқаро ташкилотлари билан алоқалари, давлат органлари, шу жумладан прокуратура, фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини ривожлантириш ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш масалалари ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье освещены вопросы сотрудничества органов прокуратуры республики с органами прокуратуры и полномочными органами зарубежных стран и международными организациями, развития механизмов осуществления общественного надзора за деятельностью государственных органов, в том числе и прокуратуры и эффективного сотрудничества институтами гражданского общества.

**ABSTRACT:** The article about our bodies of Prosecutor's office of the Republic with prosecutors and Plenipotentiary of the organs of foreign countries and international organizations, development mehanizmov the implementation of public control over the activities of state authorities, including prosecutors and effective cooperation with civil society institutions.

**Калит сўзлар:** прокуратуранинг чет эл давлатларининг ваколатли органлари, халқаро ташкилотлар билан алоқалари, прокуратура, фаолияти устидан жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти институтлари, ҳамкорликни таъминлаш.

**Ключевые слова:** обеспечение сотрудничесво прокуратуры, полномочные органы зарубежных стран, международные организации, общественный надзора за деятельностью органов прокуратуры, сотрудничества институтами гражданского общества.

**Key words:** ensuring the cooperation of the prosecutor's office, the competent authorities of foreign countries, international organizations, public oversight of the activities of the prosecutor's office, cooperation with civil society institutions.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, прокуратура органларининг ваколатлари доирасида чет эл давлатларининг прокуратура ва ваколатли органлари ҳамда ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш ва уларни мустаҳкамлаш зарурияти долзарб масалалардан бирига айланди. Бош прокуратура Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқаролари манфаатларини қамраб олувчи уюшган, танс-миллий, одам савдоси, наркотрафик билан боғлиқ жиноятчилик, бошқа иқтисодиёт, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ўзининг имкониятларини чет эл давлатларининг

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ва кучларни бирлаштиришга қаратиб келмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида халқаро ҳамкорликка оид нормалар такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси нафақат хорижий давлатларнинг прокуратуралари, балки бошқа ваколатли органлари билан ҳам ҳамкорлик қилиши мумкинлиги белгиланди.

Кўп миллатли мамлакатда бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминланаётганлиги,

1 “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Халқаро ҳамкорлик”ни тартибга солувчи 52-моддаси.



айни пайтда хорижий давлатлар билан халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш заруратидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги Фармони ва Бош прокурорнинг 12 март кунги буйруғи билан муқаддам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги қарори асосида прокуратура органларининг ташкилий тузилмасида ташкил этилган Миллатлараро ва халқаро муносабатларда қонунларга риоя этиш устидан назорат бўлими Халқаро-ҳуқуқий бўлим сифатида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон прокуратурасининг жаҳон ҳам-жамиятидаги нуфузини ошириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 августдаги Фармони билан юқорида қайд этилган бўлим Бош прокуратуранинг Халқаро-ҳуқуқий бошқармасига айлантирилди.

Фармонга мувофиқ, бошқарма хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан алоқа қилиши, назорат объектларининг тегишлилиги бўйича бошқа таркибий тармоқлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини хорижий давлатларда ҳимоялаш чораларини кўриши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат қилиши ва бошқа вазифаларни бажариши белгиланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан жиноятчиликка қарши курашиш, терроризм, наркотрафик ва бошқа хавfli жиноятларнинг олдини олиш борасида 50 дан ортиқ икки томонлама битимлар имзоланган. Шунингдек, жинoий, фуқаролик ва оилавий муносабатлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, ушлаб бериш (экстрадиция), маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун фуқаролиги бўлган давлатга ўтказиш бўйича Афғонистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Болгария, Корея Республикаси, Латвия, Литва, Покистон, Туркия, Хитой, Чехия, Эрон ва бошқа давлатлар билан 30 дан ортиқ шартномалар имзоланиб, амалиётда қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси БМТ конвенциялари (трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши, коррупцияга қарши, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши, терроризмни молиялаштириш ва бошқалар), шунингдек минтақавий халқаро ҳужжатлар (МДХ, ШХТ, ЕОГ) доирасида жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ушлаб бериш масалалари юзасидан

марказий ваколатли орган сифатида белгиланган. Хусусан, охириги ўн йил давомида Ўзбекистонда жиноят содир этиб хорижий давлатларда яширинган 3,8 мингдан зиёд шахснинг республикага ушлаб берилиши (экстрадиция) таъминланган.



**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва  
Россия Федерацияси Тергов қўмитаси раиси  
томонидан ҳамкорлик тўғрисида Битимни  
имзолаш жараёни**

*(Тошкент, 2020 йил 12 март)*

Бугунги кунда Бош прокуратура томонидан имзоланган 24 та (Арманистон, Афғонистон, АҚШ, Беларусь, Буюк Британия, Вьетнам, Италия, Корея Республикаси, Латвия, Литва, Малайзия, Монголия, Молдова, Озарбайжон, Польша, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Хитой, Қирғизистон, Қозоғистон Бош прокуратуралари ва бошқа ваколатли органлар билан) идоралараро келишув ва меморандумлар асосида ўзаро тажриба алмашиш, прокурор назоратини ташкил этиш, кадрлар малакасини ошириш мақсадида қўшма семинарлар ўтказилмоқда, ахборотлар талаб қилиб олинмоқда, хориж прокурорлари иштирокида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзаро алоқаларни янги поғонага кўтариш мақсадида Бош прокуратуранинг хорижий ҳамкорлари билан қисқа муддатли аниқ амалий тадбирларни кўзда тутадиган дастурларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Бош прокуратура томонидан имзоланган 10 та (Беларусь (2), Қирғизистон, Қозоғистон, Корея Республикаси, Россия (3), АҚШ, Тожикистон) ҳамкорлик дастурлари асосида хорижий давлатлар ваколатли органлари билан биргаликда 30 дан ортиқ икки томонлама амалий тадбирлар ўтказилиши таъминланди.

Миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини бирхиллаштириш, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни тўлдириш, халқаро



шартномаларнинг Ўзбекистон учун кучга кириши ёки ижро этилиши механизмини яратиш мақсадида бошқарма томонидан 5 та қонун лойиҳаси тайёрланиб, Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Парламентга киритилган.

Ҳамкорлик доирасида Бош прокуратурада 2001-2020 йиллар давомида 550 дан зиёд, шу жумладан, шахсан Бош прокурор томонидан 107 та делегация қабул қилинди. Шу даврда 1365 нафар прокуратура органлари ходимининг малакасини ошириш ва бошқа мақсадларда хорижий давлатларга хизмат сафарларига жўнатилиши ташкил этилди.

Кўп томонлама форматда Бош прокуратура доимий равишда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг йиғилишида иштирок этади, МДХ иштирокчи давлатлари Бош прокурорларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши, Халқаро прокурорлар ассоциацияси, Халқаро коррупцияга қарши органлар ассоциацияси билан ҳамкорлик қилади.

Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистон Бош прокурорлари иштирокидаги учрашувлар орқали кенг кўламли ҳуқуқий ҳамкорлик олиб борилмоқда. ШХТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг олтинчи ва ўн иккинчи йиғилишлари 2007 ва 2014 йилларда Тошкент шаҳрида юксак даражада ўтказилди.

ШХТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг ҳар йили ўтказиладиган йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг делегацияси мунтазам иштирок этиб келмоқда.

ШХТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг 12-йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ташаббуси билан ушбу ташкилотга аъзо давлатларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашга доир қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш "обзор" ўтказиш таклифи киритилиб, қарор билан маъқулланган. Ўзбекистон Бош прокуратураси томонидан тайёрланган ушбу тадқиқот 2016 йил декабрь ойида Хитойнинг Санья шаҳрида ўтказилган ШХТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг навбатдаги 14-йиғилишида аъзо давлатлар томонидан ижобий баҳоланиб, миннатдорлик билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш, хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли тузилмалари (Таррақиёт Дастури (UNDP), Гиёҳвандликка ва жиноятчиликка қарши бошқармаси (UNODC), Болалар жамғармаси (UNICEF) ва ҳ.к.), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик

ташкilotи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкilotи, Жаҳон банки, Германия Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси ҳамда бошқа халқаро ва хорижий давлатлар ташкilotлари билан яқиндан алоқалар ўрнатилиб, қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда.



**Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари учун АҚШнинг Федерал тергов бюроси мутахассислари иштирокида ташкил этилган "Портлашдан кейин кўздан кечириш" ўқув машғулотлари жараёни**

*(Тошкент вилояти, 2018 йил)*

Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкilotидаги раислиги доирасида, ўтган йилнинг 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан видеоконференцалоқа шаклида МДХга аъзо давлатлар Бош прокурорлари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 30-йиғилиши ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинганлигининг 25-йиллигига ҳамда унга давлатлараро орган мақоми берилганлигининг 20-йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар ўтказилди.

Йиғилишда хавфсизликни таъминлаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар ҳамда МДХ ҳудудида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаларида прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича тажриба алмашилди.

Шунингдек, Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев "Почетный прокурор стран СНГ" кўкрак нишони билан, Бош прокурор ўринбосари Э.Т.Олдшаев ва Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси Б.Х.Калонов "За укрепление законности и правопорядка" медали билан тақдирландилар.

Шунингдек, 2020 йилнинг 20 октябрь куни ШХТга аъзо давлатлар Бош прокурорларининг



18-йиғилиши видеоконференцалоқа шаклида ўтказилди. Мазкур йиғилишда коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича тажриба алмашилди.

2020 йилнинг 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ўртасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури дипломатик каналлари орқали имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари ҳамда 32-моддасида фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши мустақамлаб қўйилган.

Асосий қонунда бундай нормаларнинг акс этганлиги жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид қонунчилик тизимининг шаклланишига замин яратади. 2018 йил 12 апрелда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Қонуннинг 3-моддасида фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда жамоатчилик кенгашлари ҳам жамоатчилик назорати субъекти сифатида кўрсатилди.

Шунингдек, 2018 йил 4 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустақам механизларини ривожлантириш ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш учун ҳар бир давлат органи, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида жамоатчилик кенгаши ташкил этилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокурорнинг 2018 йил 1 августдаги 775, 198-сонли буйруқлари билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида жамоатчилик кенгаши тузилиб, унинг таркиби ва низоми тасдиқланди. Бош прокурорнинг 2020 йил 19 октябрдаги 1174-сонли буйруғи билан прокуратура органлари фахриси А.Қаҳҳаров раислигида 21 кишидан иборат жамоатчилик кенгаши аъзолари тасдиқланган.

Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, прокуратура органлари

фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади ва жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб бориши, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиши ва у ўз фаолиятини қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича прокуратура органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши белгиланган. Унинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

Прокуратура органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун прокуратура органларини фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш жамоатчилик кенгашининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгаши иш режасига асосан ўтган давр мобайнида жами 46 та масала бўйича мониторинг ва таҳлиллар ўтказилиб, натижаси бўйича Бош прокуратурага ахборот киритилиб, тегишли тавсия ва таклифлар берилган. Шунингдек, низомда белгиланган вазифалар асосида турли мавзулардаги жами 26 та семинар, конференция, давра суҳбати ва бошқа тадбирларда иштирок этиб, газета, журнал ва бошқа даврий нашрларда 20 та мақола билан чиқишлар қилинган.

Прокуратура органлари ходимларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини яхшилашда кўмаклашиш ҳам кенгашининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан, 2020 йилда прокуратура органлари ходимларида касаллик (COVID-19) қайд этилиши ва уларга кўрсатилган ижтимоий кўмак масаласи ўрганиб чиқилиб таҳлил қилинди.

Маълумотларга кўра, ўтган йилда прокуратура органлари ходимларидан 708 нафари (COVID-19) касаллигига чалинган аниқланган. Касалликка чалинган ходимларга касабга уюшмаси фонди ҳисобидан 33 млн. сўм, суғурта компанияси ҳисобидан 177 млн. сўм, касаллик варақаси бўйича 873 млн. сўм, прокуратуранинг жамғарма маблағлари ҳисобидан 163 млн. сўм ижтимоий кўмак берилиши таъминланиб, ходимларига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий аҳволини яхшилаш юзасидан тегишли тавсиялар берилган<sup>2</sup>.

2 Бош прокуратура ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг 2021 йил 16 январдаги йиғилишида жамоатчилик кенгаши раисининг ҳисоботи



### Бош прокуратура хузуридаги жамоатчилик кенгашининг 2021 йил 16 январдаги йиғилиши жараёни

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш жараёнида кексаларни, уруш ва меҳнат фахрийларини, ногиронларни эъозлаш, уларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром, зарур моддий-маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатиш устувор вазифалардан бири саналади.

Айнан шу мақсадда Бош прокуратура раҳбарияти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Марказга ходимлар ва халқ орасида катта ҳурмат-эътибор қозонган тажрибали ҳуқуқшунос, прокуратура органларида 54 йил хизмат қилиб келган, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари прокурори лавозимида ишлаган, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди, “Ҳурмат белгиси” ордени ҳамда 1-даражали “Аъло хизматлари учун” кўкрак нишони соҳиби Ботир Калонов раислик қилмоқда.

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари ўз фаолиятини замонавий меъморчилик андозалари асосида қурилган ва янгитдан таъмирланган ҳамда зарурий ахборот-коммуникация технологияларига эга бўлган бино ва махсус хоналарда юритмоқда.

Яратилган шароитлар Марказ фаолиятини қисқа фурсатда намунали йўлга қўйишга имкон берди. Марказ биноти Ўзбекистон прокуратураси тарихи, давлатимиз ва Бош прокуратура томонидан кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор мухтасар баён этилган муҳим ҳужжатлар, соҳа фахрийлари, уларнинг таржимаи ҳоллари, меҳнат фаолияти ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи фотосуратлар билан жиҳозланган. Бу ерда турли мавзуларда учрашув

ва давра суҳбатлари уюштириш, фахрийларнинг вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари ҳамда издошлари билан мулоқотда бўлишлари учун зарур имкониятлар мавжуд<sup>3</sup>.



### Фахрийлар билан учрашув лавҳаси

Алоҳида таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари ходимларининг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида 2020 йилнинг 10 август куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида прокуратура органлари ходимларининг ижтимоий - иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 2020-2022 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишуви имзоланди.

Тармоқ келишуви прокуратура органларини ижтимоий такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини, ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини, меҳнатга ҳақ тўлашни, ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаб берувчи норматив ҳужжат бўлиб, келишув шартлар тизимида фаолият юритаётган барча ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва имтиёзларининг энг минимал даражасини кафолатлайди.

Ушбу муҳим ҳужжат билан прокуратура органлари ходимларининг меҳнат, иш ҳақи, иш билан бандлиги ва ижтимоий ҳимояси кафолатлари борасида музокаралар олиб бориш, Келишув ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқи тан олинди ҳамда тизимда ходимларнинг вакиллик органи сифатида Касаба уюшмаси қўмиталари фаолияти расман эътироф этилди.

Келишув прокуратура органларининг даражали унвонга эга бўлган ходимлари, шу жумладан, иш ўрганувчилар ҳамда аттестациядан ўтказиш

3 Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ҳисобот ҳужжатлари.



талаб этилмайдиган лавозимларда хизмат қилиб келаётган мутахассис, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи ходимларнинг фаолиятига дахлдордир (Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга татбиқ этилмайди).

Маълумки, бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳозирда тизимимизда 288 нафар аёл тезкор ходим сифатида фаолият юритмоқда, уларнинг 15 нафари раҳбарлик лавозимида меҳнат қилмоқда<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларига ечим топиш масалаларига устувор аҳамият қаратиляпти. Ўтган қисқа давр мобайнида айни шу йўналишда йигирмадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Биргина “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун янада кенг имкониятлар яратилишига асос бўлиб хизмат қилляпти.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, аёлларни қўшимча қўллаб-қувватлаш борасида прокуратура органларида ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 18 февралдаги 15-Ф-сонли фармойиши билан прокуратура органлари ва муассасалари, Бош прокуратура ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, шунингдек, бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриб бориш мақсадида Прокуратура органларида гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия тузилди.

Мазкур Фармойиш билан 13 кишидан иборат комиссия таркиби ва комиссия раиси этиб узоқ йиллар давомида прокуратура органларида, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида қўмита раиси, Сенат раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган, катта амалий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган ва ҳозирда Бош прокурор ўринбосари лавозимида ишлаб

келаётган Артиқова Светлана Баймирзаевна тасдиқланган.



### **Комиссия раиси, Бош прокурор ўринбосари Артиқова Светлана Баймирзаевна 2020 йил 16 июндаги комиссия йиғилишида маъруза қилмоқда**

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш, жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишнинг намоён бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан ходимларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш ва бошқалар белгиланган.

Бугунги кунда прокурорлар секторларида ҳам аёлларни касбга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий-психологик ёрдамлар кўрсатиш, низоли оилаларни яраштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга ошириляётган саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда аёллар ўртасида жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бораётганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Қолаверса, прокуратура органлари ходимлари ўртасида гендер тенгликни таъминлаш маданиятини шакллантириш, бунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, хотин-қизларнинг малакаларини ошириб бориш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман, прокуратура органларида гендер тенгликни таъминлашга оид давлат сиёсатини сўзсиз рўёбга чиқариш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни амалда таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

#

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари куни” муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисдаги маърузаси. 2021 йил 8 январь.



Фахри РАХИМОВ,  
Бош прокуратура Академияси профессори, ю.ф.д.  
Шерзод ЗОКИРОВ,  
Бош прокуратура Академияси таянч докторантураси докторанти

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТЛАР – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг бугунги кундаги аҳволи баён қилинган. Мурожаатлар билан ишлаш соҳасида давлат раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар, бу йўналишни такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Мақолада келтирилган фикр-мулоҳазалар расмий статистик маълумотлар ва манбаларга асосланган ҳолда билдирилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье описывается текущее состояние работы с обращениями физических и юридических лиц в органах прокуратуры. Проанализированы реформы, проведенные по инициативе главы государства в сфере работы с обращениями, нормативно-правовые акты, направленные на совершенствование этого направления. Мнения, высказанные в статье, основаны на официальных статистических данных и источниках.

**ABSTRACT.** This article describes the current state of work with appeals of individuals and legal entities in the prosecutor's office. The article analyzes the reforms carried out at the initiative of the head of state in the field of working with appeals, regulatory legal acts aimed at improving this direction. The opinions expressed in the article are based on official statistical data and sources.

**Калит сўзлар:** мурожаат, жисмоний шахс, юридик шахс, прокуратура органи, “ишонч телефони”, сайёр қабуллар.

**Ключевые слова:** обращение, физическое лицо, юридическое лицо, органы прокуратуры, “горячая линия”, выездные приемы.

**Keywords:** appeal, individual, legal entity, prosecutor's office, “hotline”, field receptions.

Мамлакатимизда барча соҳаларда тизимли тарзда ислохотлар ўтказилмоқда. Уларни амалга ошириш Янги Ўзбекистонни яратиш каби катта мақсадга эришиш йўллари очиб бермоқда. Айниқса, халқнинг арзини эшитиш, уларни ҳал этишга жиддий эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишдаги вазифаларни ҳал этиш мақсадида 2016 йилда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича янги тизим яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, барча туман ва шаҳарларда эса халқ қабулхоналари ташкил этилди. Бу эса нафақат ариза ва шикоятлар билан ишлашнинг такомиллашувига, балки одамларнинг фаоллашувига, уларда давлат органларига мурожаат қилиш, давлат хизматчиларининг эса мурожаатларни тинглаш, уларга ечим топиш маданиятининг ўсиб боришига олиб келди.

Жорий этилган тизим масъулларни хорижий давлатларнинг айни вақтда мамлакатимизда қўллаш имкони бўлмаган тажрибасига эмас, балки ўз халқининг муаммоларига эътибор қаратишга, масалаларни тизимли ҳал қилишга, ажратилган маблағларни оқилона сарфлаш ҳақида ўйлашга, фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга мажбур қилмоқда.

Бундан 4-5 йил олдинги йилларда аҳоли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятдан норози

бўлиб берган аризалар мурожаатларнинг катта қисмини ташкил этган эди. Фуқаролар жойлардаги ҳокимларнинг қарорлари устидан ҳам мурожаат этишлари аризаларнинг анчагина қисмини ташкил этарди. Мурожаатларда кўп кўтарилган муаммолар Тошкент шаҳри ва вилоятига доимий прописка қилиш, афв этиш, фуқароликка қабул қилиш, валюта конвертацияси, пенсияни нақд пулда бериш, пластик картадаги пулни нақдлаштириш, ҳаж ва умрага бориш, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган автомобилларни сотиб олишга доир эди.

Фуқароларнинг оммавий тарзда аризалар билан мурожаат этишларини бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий аҳволини, уларнинг яшаш шароитларини талаб даражасига етказмасдан туриб бирор натижага эришиб бўлмаслиги аён эди. Таҳлиллар, ўрганишлар шуни кўрсатдики, фақатгина фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳақидаги аризаларни ўзинигина ечиш кифоя қилмас эди. Вазиятни ўнглаш учун мамлакат миқёсида йиллар мобайнида тўпланиб қолган катта-катта муаммоларни ечиш, иқтисодиётни тиклаш, камбағалликни камайтириш каби масалалар ҳаётий ечимини кутар эди.

Катта миқдордаги маблағлар сарф этилиши билан ҳал этиладиган масалаларни ечмасдан туриб давлат ўз олдида қўйган мақсадга эришиши мумкин эмас



эди. Бунинг учун эса кескин чоралар кўриш ва давлат раҳбарининг сиёсий иродаси талаб этиларди.

Шу туфайли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айнан шу йўлни танлади. Энг аввало, аҳолининг кам таъминланган қатлами, унинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, уларни бепул турар жой билан таъминлаш, ишсизликни камайтириш йўли билан камбағалликни қисқартириш, фойдаланилмай ётган шахсий томорқаларни ишга солиш, чет эллик инвесторларни кенг жалб қилиш йўли билан аҳолини давлат томонидан амалга оширилаётган тадбирларни уларнинг мунтазам иштирокида ташкиллаштириш чораларини кўрди.

Шундай қилиб, охириги йилларда бу борадаги давлат миқёсида амалга оширилган тадбирлар ва аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган чоралар фуқароларнинг умумий мурожаатларини камайишига олиб келди.

Мамлакат раҳбари аҳолининг шахсий мурожаатларини, уларни шахсан ҳаётини яхшилашга қаратилган ишларни ечиб бериш, аризаларни қаноатлантириш билан катта натижаларга эришиб бўлмаслигини англаган ҳолда ишни бошқача тарзда ташкил этди. Ҳа, ҳар бир фуқаронинг дарди бошқа, етишмовчилиги ва ҳаётини яхшилаш йўллари бошқа, уларни ҳам ҳал этиш керак, аризасидаги талабларни ўрганиб, уларнинг мурожаатларини имконият даражасида ечиб бериш керак. Шу туфайли, кенг миқёсда мамлакат бўйича алоҳида дастурлар, йўл хариталари доирасида улкан маблағлар сарф этилиши, барчани жалб қилиш йўлида қилинган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йилги Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек, «Виртуал ва Халқ қабулхоналарига йилига 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни талаб этади»<sup>1</sup>. Статистик маълумотларга кўра, 2016-2020 йилларда уларга жисмоний ва юридик шахслардан қарийб 4 миллионга мурожаат келиб тушган<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар мамлакатда инсон ҳуқуқларини реал таъминлаш давлат сиёсатининг асосини ташкил этади.

Давлат раҳбарининг бутун фаолияти мамлакат осойишталиги, халқ тинчлигини сақлаш ва фаровонлигини оширишга қаратилган. Иқтисодий юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларни тарбияси ва уларнинг билимларини оширишга йўналтирилган тадбирлар тизимли ва кенг қамровда

ўтказилишига эришилмоқда. Мамлакатда, айниқса, фуқароларнинг шахсий муаммолари, аризаларига эътибор алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Фуқароларнинг мурожаатлари, уларда билдирилаётган талабларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш, ҳал этиш мамлакатда демократик бошқарувни амалга ошириш сиёсатининг такомиллашувига олиб келди. Бу йўлдаги давлат бошқаруви ва сиёсатини тизимли ҳамда қонун ҳужжатлари асосида олиб бориш мақсадида қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Улардан, 2017 йилнинг 11 сентябрида қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун, 2016 йилнинг 28 декабрида қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Президент Фармони ва 2019 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4197-сонли Президент Қарорини келтириш мумкин.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари қисқа даврдаги фаолияти давомида аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимиятлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланганини эътироф этиш жоиз. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг мурожаатларига давлат органлари ва мансабдор шахслар муносабатларини тубдан ўзгартирди.

Хусусан, юқорида таъкидланган Қарор асосида фаолият юритаётган Халқ қабулхоналарига фуқароларнинг ишончи орта бошлади. Халқ қабулхоналарининг асосий вазифаларидан бири сифатида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, шунингдек мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими амал қилишини таъминлаш белгиланганлиги ҳам ушбу идоранинг халқ манфаатларига хизмат қилиши энг биринчи галдаги вазифаси эканлигини ифодалайди.

Таҳлилларга қараганда, 2020 йилда Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига

1 <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

2 <https://pm.gov.uz/uz>.



1 миллион 196 минг 370дан зиёд мурожаат (ойига ўртача 99,7 мингта, 1 кунда – 3,2 мингта) келиб тушганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу мурожаатларнинг 58 фоизи (693,9 минг) ижобий ҳал қилиш ва ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ўз ечимини топган<sup>3</sup>.

Мурожаатларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг эътибори кучайгани самараси ўлароқ мурожаатлар сонини кўпайганлигидан ҳам билса бўлади. Фуқароларнинг ўз мурожаатлари қонуний ҳал бўлаётгани натижасида давлат органларига ишончлари ортди ва ўз муаммоларини ҳал этиш мақсадида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига мурожаат этиш анчагина кўпайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, улар томонидан йўлланган ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор берган ҳолда мурожаатларни қаноатлантириш, қонуний ечим бериш чораларини кўриш прокуратура органларининг ҳам долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича мавжуд базани такомиллаштириш, замон талабидан келиб чиққан ҳолда бу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини қабул қилиш ишларини жадаллаштириш давр талаби ҳисобланади.

Охирги йилларда бутун дунёни қамраб олган коронавирус пандемияси муносабати билан ўрнатилган чекловларга қарамай, Бош прокуратуранинг 1007 рақамли “ишонч телефони” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали прокуратура органларига юборилган мурожаатлар қабул қилиниб, уларни ўз вақтида кўриб чиқиб ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, бугунги кунда [rt.gov.uz](https://rt.gov.uz) портали орқали прокуратура органларига ҳар куни 400 га яқин мурожаат келиб тушиши ва ушбу мурожаатлар мазмунан ва қонуний ҳал этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Прокуратура органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, иш самарадорлигини юксалтиришга эришиш мақсадида 2019 йил 29 августдан прокуратура органларида “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими жорий этилди.

Таъкидлаш лозимки, давлат органларининг раҳбарлари иштирокида ўтказилаётган сайёр қабулларда фуқароларнинг кўп йиллардан буён ечимини топмаётган муаммо ва таклифлари ҳал этилмоқда. Шу боис республикамизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унинг ўринбосарлари томонидан мунтазам равишда сайёр қабуллар ўтказиб келинмоқда.

Бош прокуратуранинг Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси таркибида Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази ҳам фаолият олиб бормоқда. Марказ 2015 йил 26 июндан Бош прокурорнинг буйруғи асосида иш бошлаган эди. Кейинчалик марказ фаолияти 2020 йил 23 апрель куни Бош прокурорнинг “Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини электрон қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғига асосан такомиллаштирилди. Айни кунда марказ 170 дан ортиқ идора ва ташкилотлар билан интеграциялашган. Ҳозирда ариза ва шикоятлар тегишли ташкилотларга электрон шаклда юборилади ва уларнинг ижроси назоратга олинади. Бир кунда ўртача 700 га яқин фуқародан ишонч телефони орқали мурожаатлар қабул қилинмоқда<sup>4</sup>.

Бундан ташқари, прокуратура органларига келаётган шахслар, аввало, фуқаролар қабулхонасига мурожаат қилади. Фуқаролар қабулхонасининг фаолияти ҳам Мурожаатлар билан ишлаш бошқармасининг энг муҳим тармоғидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда Бош прокуратуранинг Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси фаолияти самарали ташкил этилган. Прокуратура органларига келаётган аризаларни ўз муддатида ва қонуний ҳал этиш талаби прокуратура тизимида фаолият юритаётган барча ходимларнинг асосий вазифаси бўлиб қолган.

#

3 <https://yuz.uz/news/2020-yilda-prezident-xalq-qabulxonalariga-1-milliondan-ortiq-murojaat-kelib-tushgan>

4 Ҳуқуқ газетаси. №17 (1266). 2021 йил 29 апрель 5-бет

Ваҳобжон КАРИМОВ,  
Бош прокуратура Академияси профессори, ю.ф.д.

## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада тезкор-қидирув фаолиятининг юзага келиш тарихи, унинг зарурияти ҳамда ривожланиш босқичлари соҳага оид махсус адабиётларни ўрганиш орқали тадқиқ этилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье путем анализа научной и специальной литературы исследованы история возникновения оперативно-розыскной деятельности, её необходимость, а также этапы её развития.

**ABSTRACT.** In the article, the history of the emergence of operational-search activity, its necessity, as well as the stages of its development are researched by studying relevant specific literatures.

**Калит сўзлар:** тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор-қидирув бўлинмалари. махсус қидирув қисмлари.

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, оперативно-розыскные подразделения, специальные розыскные части.

**Key words:** operational-search activities, operational-search events, operational-search units, specific search units.

Жиноятчиликка қарши курашда давлатнинг маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ва жиноий-ижроия каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш турлари қатори тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда – ТҚФ) ҳам унинг энг самарадор давлат-ҳуқуқий турларидан бири ҳисобланади. Шу боис, ТҚФнинг предметини ўрганишнинг замонавий ҳолатини англаш учун унинг табиати ва моҳиятини тарихий ёндашув нуқтаи-назаридан келиб чиқиб тадқиқ этиш зарурдир. Зеро, предметнинг тарихини билмасдан туриб унинг назариясини англаб бўлмайди, назариясиз эса предмет ҳақида фикрлаш мумкин эмас. Айнан методологик ёндашувгина ТҚФнинг алоҳида тизим сифатида вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши жараёнини кузатиш имконини беради.

ТҚФ жиноятчиликка қарши курашда асосан ноошкора кучлар, воситалар ва усулларни қўллашга оид разведик-қидирув чораларининг яхлит тизими сифатида бирданига, ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, балки узоқ эволюцион шаклланиш йўлини босиб ўтди. Ҳозирги кунда тарихий ва ҳуқуқий фанлар ТҚФ қачон пайдо бўлганлиги, дастлаб тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда – ТҚТ) кимлар томонидан ва қандай мақсадларда ўтказилганлиги тўғрисидаги саволга жавоб беришга ожиз. Ҳар ҳолда излов, қидирув билан боғлиқ илк ҳаракатлар инсоният дунёга келганидан буён пайдо бўлгани, шунингдек, сўров қилиш, кузатиш каби тадбирлар кундалик ҳаётда зарур бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Бироқ, уларни айна вақтдаги маъно-мазмунга эга бўлган ТҚТ билан айнанлаштириш нотўғри бўлар эди.

ТҚФнинг моҳиятини тўлиқ англаб олиш учун

унинг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, қадимий манбаларда мазкур фаолият ер юзида давлатчилик юзага келган пайтдан бошлаб амалга оширилади деган фикрлар мавжуд. Яъни қадимдан уруғлар ва қабилалар раҳбарлари ўз давлати сарҳадлари хавфсизлигини, аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида ўша даврларга хос қўриқчилик ва хавфсизлик хизматларини ташкил этганлар. Тарихий манбалардан маълумки, қадимги Мисрда яширин махсус хизмат фаолият кўрсатганлиги, Ману қонунлари эса қадимий ҳинд князликларига қўшни давлатларда разведка олиб боришни тавсия қилган<sup>1</sup>.

Давлатчилик пайдо бўлиши билан ҳар бир давлат ўзининг манфаатлари ва ҳудудини ҳимоя қилиш, ташқи таҳдидларга қарши туриш ҳамда мавжуд тажовузларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ бир қатор вазифалар вужудга келган. Давлат ўз ҳудудини мудофаа қилиш учун қуролли кучларини яратиш билан бирга, мавжуд таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш имкониятига эга бўлган муайян тузилмаларга эга бўлиши ҳам керак бўлиб, бундай ишлар ноошкора, яширин йўллар ва усуллар ёрдамида, яъни бошқа давлатларнинг шунга ўхшаш хуфиёна фаолиятига жавобан амалга оширилган.

ТҚФ муҳим соҳавий йўналиш сифатида дастлабки босқичларда, асосан ташқи душманларга қарши қаратилган бўлиб, аввалда бирон-бир ошкора қонунчилик билан белгиланмасдан амалга ошириб келинган. Юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда давлат олдида яна бир муҳим мақсад — мамлакат ичидаги ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, турли хил ва тавсифдаги жиноятларга қарши курашиш

1 Малыгин С.С., Четчин А.Е. Основы оперативно-розыскной деятельности. – Екатеринбург, 2001. – С. 5.



каби вазифаларни бажариш зарурияти юзага келган бўлиб, бундай зарурият айна вақтда ТҚФнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлди.

Мазкур соҳада тадқиқот ўтказган олимларнинг тўғри таъкидлаганидек, ТҚФнинг шаклланиш тарихи асосан ер юзида давлатчилик пайдо бўлган даврлардан бошланган бўлиб, ҳокимият учун кураш, уни сақлаб қолишга интилиш, исёнлар ва жиноятчиликнинг доимий таҳдиди мавжудлиги ҳукмдорларни қуролли кучлар билан бир қаторда давлат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот хизматларига ҳам алоҳида эътибор беришга мажбур қилди. Шунингдек, яширин тарзда маълумотлар тўплаш, кузатиш, разведка ва контрразведка каби ахборот олиш усуллари, ушбу фаолиятнинг таркибий қисмлари сифатида жуда эрта пайдо бўлганлиги айна ҳақиқатдир. Айнан ўша даврларда, почта жўнатмаларини назорат қилиш пайдо бўлганлиги, шахснинг айнанлигини аниқлаш, ашёлар ва ҳужжатларни ўрганиш, иншоотларни текшириш ва айрим бошқа тадбирлар шаклланганлиги тарихий далолат мақомига эга маълумотдир. Афсуски қадимги даврлардан ҳозирги кунгача, айниқса, ТҚФ каби ёпиқ соҳанинг шаклланиши ҳақида жуда ҳам кам маълумотлар ва далиллар етиб келган.

Тарихий манбаларга кўра, Рим императорлари ўз хавфсизликларини таъминлаш мақсадида бутун бир жосуслар армиясини тўплашган бўлса, Францияда кардинал Ришелье ва император Наполеон ҳам махфий маълумот тўплаш усулларида кенг фойдаланишган. Ҳозирги Сурия давлати ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалари натижасида милоддан аввалги VII асрга тегишли бўлган ёғоч тахта бўлакчаси топилган. Унда куйдириш йўли билан битилган эски ёзувлар борлиги аниқланган бўлиб, тахтачага бир қадимий давлат ҳукмдорининг бошқа давлат ҳукмдорига “мен сенинг айғоқчиларингни ушлаб, келишувимизга биноан қўйиб юбордим, лекин уларнинг эвазига сендан ҳанузгача ҳақ олмадим” деган мурожаати ёзилган экан<sup>2</sup>.

Милоддан аввалги VI асрда қадимги Хитой мутафаккири Конфуций билан бир вақтда яшаган, ўзининг “Уруш санъати” трактати билан машҳур бўлган ҳарбий назариячи Сунь Цзи ҳам хуфиёна фаолиятга алоҳида эътибор берган. У ўз асарларида, “айғоқчилар билан ишлаш қатъий махфийликни талаб қилади, уларни нафақат жалб қилиш, балки уларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш

зарур” деб таъкидлаган. Шунингдек, у айрим ҳарбий қўмондон ва раҳбарларнинг айғоқчилар ёрдамидан воз кечганликларини “ўта аҳмоқлик, чунки ҳақиқий инсонпарварлик – оз йўқотишлар билан урушиш” деб баҳолаган эди<sup>3</sup>.

Машҳур файласуф ва мутафаккир Геродотнинг милоддан аввалги 480-йилларда ёзган асарларида қадимда юнонлар форсий миллатга мансуб айрим шахслардан айғоқчи сифатида фойдалангани тўғрисида маълумотлар бор. Юнонлар подшоси Александр Македонский разведик-қидирув усулларида ўзининг ҳарбий мақсадларида кенг фойдаланган. Қадимги юнон ёзувчи ва файласуфи Плутарх (тўлиқ исми Местрий Плутарх)нинг эсдаликларига кўра карфагенлик лашкарбоши Ганнибал ҳам душманлари орасига ўз айғоқчиларини юбориш орқали махфий ахборотлар олиб турган<sup>4</sup>.

Ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши курашда тезкор бўлинмалар томонидан самарали қўлланилиб келинаётган ТҚТдан бири бу почта, курьерлик жўнатмаларини назорат қилиш тадбири бўлиб, унинг пайдо бўлиши узоқ тарихга бориб тақалади. Эрамиздан аввалги III асрда юнон саркардаси Александр Македонский ўзининг Осиёга қилган юриши чоғида лашкарлари қаторидаги айрим иттифоқчи ва ёлланма бўлинмаларда норозилик кайфияти пайдо бўлганлиги ҳақида олинган маълумотни оддий усул ёрдамида текшириб кўради. У уйига мактуб ёзаётганлигини эълон қилиб, барча лашкарларига шундай қилишни тавсия қилади. Ёзилган мактубларни олиб йўлга чиққан чопарни у ортга қайтаришни буюради ва ундаги мактубларни ўқиб чиқиб ҳақиқий аҳволни билиб олади<sup>5</sup>.

Бу воқеа эрамиздан аввалги III асрда бўлиб ўтган бўлса, В.Широнин, бу борада тарихга бундан ҳам аввалроқ маълум бўлган яна бир мисолни келтиради. Эрамиздан аввалги VI асрда Милета исмли юнон саркардаси Эрон шоҳи Дорога қарши исён кўтаришни режалаштириб, бу борада ёрдам сўраб ўз иттифоқчиси понтиялик Аристагорга мактуб юбормоқчи бўлади. Форсларнинг ҳушёрлигини ҳисобга олиб, у ўзининг бир қулига сочини олдиришни буюради ва унинг тақир бошига ўзининг хабарини ёзади ва қулнинг сочи ўсгач уни Аристагорнинг ҳузурига юборади. Аристагор қулнинг сочини олдириб, хабарни ўқийди ва тегишли ҳаракатларни бошлайди. Ушбу тарихий маълумотдан шуни англаш мумкинки, ўша вақтларда форслар почта хабарларини назорат қилишга муҳим

2 Оперативно-розыскная деятельность: Учебник. /Под ред. К.К. Горяинова, В.С. Овчинского, Г.К. Синилова, А.Ю. Шумилова. – М.: ИН-ФРА-М, 2004. – С. 10-11.

3 Сунь Цзи. Энциклопедия шпионажа. – М., 1998. – С. 5.

4 Оперативно-розыскная деятельность: Учебник. /Под ред. К.К. Горяинова, В.С. Овчинского, Г.К. Синилова, А.Ю. Шумилова. – М.: ИН-ФРА-М, 2004. – С. 10-11.

5 Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон “Об оперативно-розыскной деятельности”: комментарий. – М., 1997. – С. 25-26.

аҳамият қаратишган. Юборилган махфий хабарлар бегона шахслар, айниқса, манфаатдор шахслар қўлига тушишининг олдини олиш мақсадида Милета ва Аристагорлар бундай жўнатмалар усулини ихтиро қилганлар<sup>6</sup>.

Туроннинг қайта тикланиши даврида ушбу ҳудуднинг энг кўзга кўринган сиёсатчи, давлатшунос, маърифатпарвар олим-фузалоларидан бири бўлган Низомулмулк (асл исми: Абу Али ал Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат Тусий (1018-1092) – Салжуқий султонлардан Алп Арслон (1063-1072) ва Маликшоҳ (1072-1092) ларнинг бош вазири), ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари ходимларининг маънавий жиҳатлари хусусида ўзининг “Сиёсатнома” асарида фикр юритган. Унинг таъкидлашича, ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти билан подшоҳ, вазир, қози, ҳоким ва уларга бўйсунган махсус айғоқчилар, мунҳий (даракчи), соҳибхабар (ахборотчи) ва бошқалар шуғулланиши лозим<sup>7</sup>.

Низомулмулкнинг таъкидлашича, ҳар қандай подшоҳ фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари билан шуғулланиши ва “ҳафтада икки марта ҳокимиятдан азият чеккан жабрланувчиларни қабул қилиб, айбдорларни жазолаши, бу борада маслаҳатчиларнинг фикрларини эшитиши лозим. Ҳокимиятни суиистеъмом қилиш тўғрисидаги аризаларни олар экан, у ҳар бир аризага жавоб қайтариши лозим”. Махсус даракчилар ва соҳибхабарларнинг давлат тизимидаги ўрни ва уларнинг касб-корига нисбатан маънавий жиҳатларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ахлоқий хусусиятлари қандай бўлишини таъкидлаган ва “бу кишилар холис ва ҳеч қачон ғаразгўй бўлмаслигини талаб қилган, чунки мамлакатнинг тинчлиги ва фаровонлиги уларнинг қўлидадир. Хуфияларнинг ҳақгўй бўлиши, ҳокимнинг адолатлилиги ва донолигидан далолат бўлиб, ҳудудни бошқаришга ижобий таъсир кўрсатмасдан қўймайди. Махсус хуфиялар фаолияти туҳмат гаплар, фисқу фасодни кўпайтириш учун эмас, балки мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир, бу эса давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади”<sup>8</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг улкан салтанатини узоқ йиллар давомида идора қилишида хуфиёна ишлардан оқилона ва мукамал фойдаланишининг аҳамияти беқиёсдир. Жумладан, разведка ва контрразведка Амир Темур салтанатида давлат сиёсатининг бош бўғини бўлгани ҳақида “Темур тузуклари”даги “Мулку мамлакат, сипоҳу раият

аҳволдан хабардор ва огоҳ бўлиб туриш тузуги”да шундай қайд этилган: “Амр қилдимки, ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкар ўрдусида хабар ёзувчи (хабарнавис)лар тайин қилинсин-ки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўзининг ва ёт бегона лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ёки четга чиққан ёт кишилар, ҳар турли мамлакатлардан келган карвонлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ҳақидаги хабарлар ва узоқ ўлкалардан бўлиб менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилиқ билан менга ёзиб турсинлар”.

Разведка хабарларини зудлик билан етказиш хусусида ҳам қизиқ кўрсатмалар берилган: “Мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи чопқунчи, минг нафар тезюрар пидани чопар этиб тайинласинлар-ки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасдан бурун унинг чораси ва иложини қилайлик”<sup>9</sup>.

Амир Темур пири бўлмиш Абу Бакр Тайбодий маслаҳатига кўра, салтанатни қонун-қоида асосида қуриш, давлатни идора қилишни тартиб-интизомга солиш мақсадлари, унинг тузукларида қуйидагича баён қилинган: “Салтанатим ишларини тартиб-интизомга солиб, мартабасига тўра ва тузук билан зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим. Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим”. Шунга кўра олтинчи тоифа кишилар қаторига мамлакат ҳудудларидаги вазият ҳақида ахборот берувчи ишончли, тўғри эътиқодли, салтанат ишлари бўйича маслаҳат берувчи сирдош, махфий ишларни юритишда ёрдам берувчи шахсларни киритади. Ўн иккинчи тоифага эса чет мамлакатларда бўлувчи саёҳатчи, савдогар, қаландар, дарвеш ва карвонбошиларни тайинлаб, ўша давлатлардаги аҳоли туриш-турмуши, мамлакат ҳукмдорларининг ўз райиятига қандай муомалада эканлиги ҳамда бошқа ниятларини аниқлаб, унга етказиб туришларини топширади”<sup>10</sup>.

Амир Темур ўз бошқарувидаги салтанатда вазиятни доимий назорат қилиш ҳамда тезкор хабардорликни таъминлаш мақсадида асосий эътиборни ҳудудлардаги ҳокимлар фаолияти, раият, сипоҳу лашкарнинг хатти-ҳаракати, атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ёки чиққан

6 Широнин В. Под колпаком контрразведки. – М., 1996. – С. 43.

7 Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул мулк. – Т.: 1998. – С. 29.

8 Ўша жойда – С. 20-21, 70.

9 Темур тузуклари. – Т., 1996. – Б. 69-70.

10 Ўша жойда – Б. 71.



кишилар, турли мамлакатлардан келган карвонлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ниятлари ва ишлари ҳақидаги ахборотларни тўплашга қаратган. Олинган маълумотлардан самарали фойдаланиши натижасида душманлар томонидан мўлжалланган бир қатор ифвогарликларнинг олди олиниб, урушлар ва кўчманчиларнинг ҳужумлари оқибатида фаолияти деярли тўхтаган Буюк ипак йўли қайта тикланган, ҳудуддаги карвон йўллари мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш орқали салтанат хазинасига катта миқдордаги маблағлар тушиши таъминланган. Амир Темур саройига XV аср бошларида келган Кастилия элчиси Рюи Гонсалес де Клавихо ўзининг Самарқандга бўлган саёҳатини таърифлаб, *“Темур бошқаруви остида бутун мамлакатда тинчлик ҳукм суради,”* деб таъкидлаган эди.

Амир Темурнинг махфий хизмати ҳақида унинг замондоши Ибн Арабшоҳ: *“У ерларининг барча томонларига ўз айғоқчиларини тарқатиб, қолган мулкларига эса жосуслар қўйган эди. Жосуслар чор-атрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, манзили шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар .... . Натижада Темур ўз фикри билан шу нарсаларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерлари билан бирга хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди”* деб ёзган эди<sup>11</sup>.

Соҳибқирон Олтин Ўрда истибдодига қарши курашда разведка усуллари билан, яъни даракчи, махфий айғоқчилар ёрдамидан фойдалангани ҳақида бир қатор далиллар келтиради. Ноошкора ёрдамчилар сифатида Амир Темур унга содиқ бўлган қаландар ва дарвешларни ёллаб, уларни душман қалъалари ва шаҳарларига ахборот тўплаш ва унга етказиш учун юборган. Чунки ўша вақтда қаландар ва дарвешлар учун барча шаҳар, қалъаларнинг дарвозалари, исталган хонадон, саройлар эшиклари очиқ бўлган<sup>12</sup>.

XIV-XVI асрларда Европа давлатлари ҳукмдорлари ҳокимият учун бўлиб ўтган кескин курашларда душман томон ҳақида ахборот тўплаш мақсадида махфий иш усуллари билан кенг фойдаланишган. XIV асрнинг иккинчи ярмида Англия қироли Генрих VII кўп тармоқли жосуслар таркибини ташкил қилиб, ўз душманлари ҳақида тўлиқ ахборот тушишини таъминлаган. У жосуслар таркибини қуйидаги тоифаларга бўлган: 1) резидент сифатидаги махфий жосуслар – (англиялик дипломатлар ва савдогарлар);

2) “ахборотчилар” – (оз маблағ эвазига алоҳида топшириқларни бажарувчи камбағал тоифадан бўлган жосуслар); 3) профессионал разведкачилар – (улар айрим шахсларни доимий кузатиш, алоқаларини аниқлаш, зарур ҳолларда уларни ўғирлаш билан шуғулланганлар); 4) ниқоб остидаги жосуслар – (зарур ахборотга эга шахслар доирасига кира олиш имконини берувчи айрим лавозимларда номигагина ишлаганлар (табиблар, диндорлар, мирзалар).

Германия қироли Фридрих II (1740-1786 йилларда ҳукмронлик қилган) бошқа давлатлардаги ўз элчиларига душман қўшини аҳволи ҳақида ахборот тўловчи хабарчиларни ёллашни талаб қилган. У Австрияга қарши урушда яхши ташкил этилган разведкадан фойдаланган. Фридрих II бундай ишлар билан шахсан ўзи шуғулланган бўлиб, қўл остига ишончли ошпаз ва 100 га яқин хабарчини тўплаган. Қирол ўз алоқасидаги хабарчиларни, уларнинг аҳамияти ва мақомига кўра қуйидагича тақсимлаган: 1) муҳим хабарчилар – давлат сирларига ижозати бўлган сарой юқори мансабдорлари; 2) оддий хабарчилар – оз маблағ эвазига хуфиёна топшириқларни бажарувчи камбағал тоифадан бўлган фуқаролар; 3) мажбурланувчи хабарчилар – махфий топшириқларни бажаришга мажбуран жалб қилинувчи шахслар; 4) иккиюзламачи хабарчилар – фош қилинган ва ҳамкорлик қилишга қайта жалб қилинган душман томоннинг хабарчилари. Ушбу хабарчилардан душман томонга ёлғон хабар бериш (дезинформация)да фойдаланилган.

Қиролнинг фикрича, ҳар бир тоифа билан руҳий тайёргарлик ўтказиш, уларга йўл-йўриқ бериш, мукофотлаш ва мажбурлаш (қўрқитиш, босим ўтказиш ва ҳ.к.)нинг алоҳида шартлари талаб этилади<sup>13</sup>. Шу боис, махсус хизматлар билан махфий ҳамкорлик қилганлар орасида Даниель Дефо (Робинзон Крузо); Карон де Бомарше (“Фигаронинг уйланиши”, “Севилиялик сартарош”); Уолт Дисней каби машҳур ёзувчи ва ижодкорлар бўлган<sup>14</sup>.

Кейинчалик ТҚФ йўналишлари ўзгариб, мавжуд шароитларга мослашиб, разведик-қидирув усуллари билан давлатлараро ва ҳарбий соҳалардан ташқари, давлатчиликнинг бошқа муҳим муаммоли вазифалари бўлган – жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятини амалга оширишга қаратилди.

XVIII-XIX асрларга келиб аксарият ривожланган давлатларда жиноятчиликнинг ўсиш тенденцияси

11 Содиқов Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати (тарихий бадиалар): - Т.: “ART FLEX”, 2010. – Б. 7-13.

12 Ўша жойда – Б. 20-21.

13 Оперативно-розыскная деятельность: Учебник. /Под ред. К.К. Горяинова, В.С. Овчинского, Г.К. Синилова, А.Ю. Шумилова. – М.: ИН-ФРА-М, 2004. – С. 11.

14 Ўша жойда – Б. 12-13.

кузатилиши жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида салбий ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан жиноятчиликка қарши курашда махсус қидирув тавсифидаги чоралар кўриш заруриятини келтириб чиқарди. Соҳа тарихчиларининг таъкидлашича, жиноятчиликка қарши курашда махсус чораларни қўллаш асосчиси Париж махфий полицияси бошлиғи Эжен Франсуа Видок бўлган. Айнан Видок оддий йўллар ёрдамида аниқлаб бўлмайдиган жиноят ва жиноятчиларни аниқлаш имконини берувчи айғоқчилик, яширин кузатув, тузоқ притонлар ташкил этиш ҳамда бир қатор бошқа усулларни ишлаб чиқди ва уларни тезкор-қидирув соҳасига муваффақиятли татбиқ этди<sup>15</sup>.

XX аср бошларида Чор Россиясида умумий жиноятчилик кескин ошиб кетганлиги сабабли амалдаги полиция маҳкамаларининг фаолияти қониқарсиз деб топилади ва полиция таркибида махсус қидирув билан шуғулланувчи бўлинмалар ташкил этиш зарурияти туғилади. 1908 йил 6 июлда Россия Думасида муҳокама қилиниб, подшо томонидан тасдиқланган Қонун асосида империянинг барча губерниялари ва йирик шаҳарлари полиция муассасалари таркибида махсус қидирув қисмлари ташкил этилади. 1910 йил 9 августда Ички ишлар вазири этиб тайинланган А.П.Столыпин раҳбарлигида махсус қидирув қисмлари фаолиятини тартибга солувчи Йўриқнома ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Унга кўра бундай бўлинмалар томонидан жиноятларга қарши курашда махфий иш усулларини қўллаш уларнинг асосий вазифалари қаторига киритилди<sup>16</sup>.

Полиция маҳкамаларида махсус қидирув қисмлари ташкил этилиши улардаги тезкор ходимларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш муаммосини келтириб чиқарди. Шу боис, 1908 йилнинг охирига келиб Петербургда махсус қидирув қисмлари бошлиқларини ўқитиш бўйича икки ойлик курслар, Владимирда эса жиноят қидирув ходимларини ўқитиш бўйича биринчи махсус мактаб ташкил этилди. Ушбу курсларнинг ўқув дастурига давлат ва полиция ҳуқуқи; жиноят ҳуқуқи; суд медицинаси; жиноятчиларни қайд қилиш услуги; жиноят қидирув усуллари; ўзини ҳимоя қилиш усуллари; қурол ва портловчи моддалар билан танишиш; ниқоблаш ва кийиниш усуллари; жиноятчиларнинг махфий ёзувлари (шифрлаш, дешифровкалаш); амалга оширилган энг муҳим қидирув ишларини муҳокама қилиш; суриштирув амалиёти; жиноятчиларни қидириш ва излаб топиш амалиёти каби кенг доирадаги предметлар ва амалий машғулотлар киритилган.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Чор Россиясининг полиция маҳкамаларида 1917 йилдаги октябрь инқилобигача сиёсий қидирув фаолияти жиной қидирув соҳасига қараганда етакчи ўринни эгаллаганлиги билан ажралиб турган. Амалда жиноят қидирув соҳасида зарур бўлган жиноятларни қайд қилиш ва ҳисобга олиш, махсус ҳисоблар ва тезкор техник воситалар имкониятларидан фойдаланиш каби махсус усуллар анча кейин, яъни сиёсий қидирув соҳасида апробациядан ўтганидан сўнг жиноят қидирув соҳасига жорий этилган эди. Шу туфайли, бир қатор тарихий босқичларни босиб ўтган жиной қидирув, айрим ташкилий камчиликларига қарамасдан, инқилобдан кейинги даврда жиноят қидирув маҳкамаларини ташкил этиш учун замин бўлиб хизмат қилди.

Тезкор-қидирув бўлинмаларининг собиқ совет давридаги фаолияти 1917 йил октябрдаги инқилоб билан боғлиқ бўлиб, дастлабки босқичларда Чор ҳукуматининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини бутунлай янгилаш мақсадида 1917 йил 7 декабрда Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (БФК) ташкил этилди. Ушбу тузилмага нафақат аксилинқилобий кучлар билан, балки алоҳида хавfli жиноятларга қарши курашиш вазифаси юклатилди.

Жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш учун яхши ташкиллаштирилган махфий кучлар, воситалар ва усулларни қўллашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд эди. Шу сабабли, мазкур фаолиятни тартибга солувчи низомлар ва йўриқномалар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Мазкур фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишда 1918 йил июнда бўлиб ўтган ВЧКнинг биринчи анжумани муҳим ўрин тутди. Анжуманда қабул қилинган “Олиб-сотарликка қарши курашиш бўйича Йўриқнома” мазкур соҳада ноошкора кучлар, воситалар ва усулларни кенг кўламда қўллашга ҳуқуқий замин яратди<sup>17</sup>.

Бандитизм, ўғрилиқ ва бошқа оғир жиноятларнинг кенг миқёсда ўсишига қарши тура оладиган профессионал хизмат тузиш мақсадида 1918 йилнинг 5 октябрида Милиция Бош бошқармаси таркибида ташкил этилган Жиноят-қидирув марказий бошқармаси (Центророзыск), ички ишлар органлари тизимида жиноятчиликка қарши курашда махсус разведик иш усулларини қўлловчи илк хизмат сифатида тарихга кирди. Ушбу хизмат икки асосий қисмлардан иборат бўлиб, биринчиси суриштирув олиб бориш, иккинчиси эса ноошкора тадбирларни амалга ошириш билан шуғулланган. 1937 йилда ички ишлар органлари тизимида иқтисодий жиноятларга қарши курашиш (БХСС) тезкор бўлинмалари ташкил

15 Малыгин С.С., Четчин А.Е. Основы оперативно-розыскной деятельности: курс лекций. – Екатеринбург. 2001. – С. 8-9.

16 Соловей Ю.П. Правовое регулирование деятельности милиции в Российской Федерации. – Омск, 1993. – С. 21.

17 Ўша жойда – Б. 24.



этилиб, уларга ҳам ТҚФ билан тўлиқ кўламда фойдаланиш ваколати юклатилди<sup>18</sup>.

Аммо ўтган асрнинг 37-50-йилларида ТҚФни амалга оширувчи махсус органлар фаолияти салбий кўриниш касб этиб, асосан раҳбарият топшириғига биноан аҳоли ичида “халқ душманлари”ни аниқлашга йўналтирилди. Қисқа вақт ичида ушбу органлари қонуний назорат остидан чиқарилиб, чексиз ваколатлар берилиши оқибатида репрессия қилиш механизмига айланди ва “аксилинқилобий ташкилотлар”, “зараркундалар”, “чет эл жосуслари”ни аниқлаш бўйича кенг фаолият юритди. ТҚФга оид тарихий адабиётлар таҳлили шундан гувоҳлик берадики, ҳар бир босқичда ушбу соҳадаги қонунийликнинг бузилишларини турли хил баҳоналар ва заруриятлар билан ниқоблашга ҳаракат қилинган.

Советолимлиқ қонунийликнинг мустақамланиши тўғрисидаги ғояни илгари суриб, унинг талабларига итоаткор бўлишга ва уларга сўзсиз риоя этишга чақиришар эди. Назарияда қонунийликнинг гўёки гуркираб ўсиши қайд этилган бўлиб, бунинг мақсади ҳокимият томонидан амалга оширилаётган зўравонликлар ва бедодликларни беркитиш, халққа қонунийликни таъминлаш борасида доимий адолатли кураш олиб борилаётганлиги тўғрисидаги ёлғонни таъминлаб беришдан иборат бўлган. Бу қонунийлик амалиётда “инқилобий қонунийлик” деб аталгани билан, унинг ҳуқуқий моҳияти қонунийликнинг бирон-бир аломатига мос келмас эди. Ўтган асрнинг 30-40-йилларида ғоявий зарурият ва давлатга қарши жиноятларга қарши курашиш шиори остида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг сиёсийлаштирилиши, махсус хизматлар томонидан ўтказилган тадбирлар жараёнида ТҚФнинг кучлари, воситалари ва усулларини ноқонуний қўллаш ҳоллари оммавий тус олган бўлиб, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оёқости қилиш ҳамда қонунийликнинг жиддий бузилишига олиб келди. Профилактик чоралар жазолаш чораларига ўрин бўшатиб берди<sup>19</sup>.

Ўзбекистоннинг тарихий ривожланиши шуни тасдиқлайдики, юрт мустақиллиги учун курашган, ҳурфикр миллат вакиллари тоталитар тузум даврида қатағонга дучор бўлиб, турмаларда ва совет концлагерларида тириклайин чиришган ёки отилиб йўқ қилинган эдилар. Қонун ҳужжатларида қайд этилган талаблар қоғозда қолиб кетган эди, акс ҳолда, собиқ тузумнинг БФК, ИИХК ва ИИВ томонидан 1937 – 1939 ва 50- йиллар мобайнида аҳолига қарши қатағонлар, қонунбузарлик ҳаракатларининг лоақал биронтаси маҳаллий оммавий ахборот воситаларида

ёритилган бўлар эди. Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқи бошига оғир кулфатлар солди. 1939-1953 йилларда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг “учлик”лари томонидан 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддатларга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди, 7 минг 100 киши эса отиб ташланди<sup>20</sup>.

Олиб борилган оммавий қатағонлар мамлакат учун оғир синов бўлди. Қатағонларнинг бундай кенг кўламда ўтказилишида махсус органларга “ўз ёрдамини берган” ношкора кўмакчиларнинг алоҳида ҳиссаси борлигини инкор этиб бўлмайди. Уларнинг айримлари махсус органлар билан ҳамкорлик қилишга ҳар-хил баҳона, мажбурлаш, алдов йўли билан жалб қилинса, айримлари эса шахсий манфаат ёки рақобатчиларидан қасд олиш мақсадида алоқа ўрнатар эди. Айнан улар учун “огоҳликни таъминлаш” ва аҳоли орасида “халқ душманлари”ни аниқлаш бўйича мисли кўрилмаган ташвиқотлар олиб борилар эди. Собиқ совет давлати раҳбарларидан бири бўлган А.И.Микоян ВЧК-ОГПУ-НКВДнинг 20 йиллигига бағишланган фаоллар йиғилишидаги маърузасида “Бизда ҳар бир меҳнаткаш – ички ишлар комиссариати ходими” деган шиорни ўртага ташлайди. Яъни ўша вақтдаги раҳбарият “қатағон қилинмаган ҳар бир шахс – хабарчи бўлиши лозим”лигини таъкидлаган!”<sup>21</sup>.

Ўтган асрнинг 50- йиллари бошларида собиқ иттифоқда Сталин ўлиmidан сўнг давлат раҳбариятидаги ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар натижасида махсус куч ишлатар органларнинг қатағон фаолиятига бирмунча чек қўйилди. Жиноий унсурлар сифатида махсус ҳисобга олинган бир қатор аҳоли вакиллари: собиқ бойлар, қулоқлар, ер эгалари, йирик савдогарлар, фабрикантлар, банкирлар ва бошқа “зараркундалар” тоифасига киритилган шахслар ҳисоблардан чиқарилди. Тезкор бўлинмалар фаолияти асосан жиноий кўринишлар билан курашишга йўналтирилди.

XX асрнинг охири ва XXI аср бошларига келиб, илмий-техникавий тараққиёт таъсири остида тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслар ва ҳолатлар юзасидан маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланишда ахборот технологиялари имкониятлари тобора изчил қўлланилаётганлигига қарамасдан, асрлар мобайнида синалган ТҚФ имкониятларидан фойдаланиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи таҳдид ва тажовузларга қарши курашишнинг энг самарали йўналишларидан бири бўлиб қолди.

18 Шумилов А.Ю. Начала уголовно-розыскного права: монография. М., 1998. – С. 18.

19 Каримов В. Тезкор-қидирув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари: монография. – Т.: 2019. – Б. 13-14.

20 Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. – Т., 2007. – Б. 49.

21 Из истории Всероссийской Чрезвычайной Комиссии (1917-1921гг.) Сборник документов. – М.: Политиздат, 1993. – С. 47.

Барно УМАРОВА,  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи, ю.ф.н

## ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА СОДИР ҚИЛИНГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласи натижасида юзага келадиган ижтимоий хавfli хусусиятлари, жамият учун зарарли оқибатлари, бунда БМТнинг тегишли бошқармасининг ҳуқуқий мақоми, республикада содир этилган наркотик моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ таҳлилий маълумотлар ўрганилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье исследуются характеристики социальной опасности, вызванной незаконным оборотом наркотиков или психотропных веществ, их вредное воздействие на общество, в том числе правовой статус соответствующего агентства ООН, аналитические данные по незаконному обороту наркотиков в стране.

**ABSTRACT.** This article highlights the characteristics of social danger caused by the illicit trafficking of drugs or psychotropic substances, their harmful effects on society. In addition, the author examines the legal status of the the UN Office on Drugs and Crime, as well as analytical data on drug trafficking in the country.

**Калит сўзлар:** жамият учун ижтимоий хавfli жиноят, наркобизнес, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар.

**Ключевые слова:** общественно опасное преступление для общества, незаконный оборот наркотиков, употребление наркотиков, наркотики, психотропные вещества.

**Keys words:** a socially dangerous crime for society, drug trafficking, drugs, consuming drugs, narcotics, psychotropic substances.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари тарқалишининг олдини олиш, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, спорт ва соғломлаштиришга қаратилган оммавий тадбирларни жадаллаштириш масаласи олға сурилди. Зеро, жамият учун хавfli иллатлардан бири – ёшларнинг гиёҳвандликка чалиниш муаммоси бутун дунё билан бир қаторда республикада ҳукуматини ҳам ташвишга солмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи инсон ҳаёти, соғлиғи ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, мамлакатдаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча уюшган жиноятчилик билан алоқадорлиги унинг ижтимоий хавfliлигини янада оширади.

Бу борада А.Щурова ўз тадқиқотларида ноқонуний гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш гиёҳвандлик моддалари савдоси жиноятининг моҳиятини, яъни жамият учун хавfliлик даражаси кучайишига олиб келишини кўрсатади<sup>1</sup>. А.В.Шеслер эса, айнан ушбу жиноятнинг бошқа жиноятлардан ижтимоий хавfliлиги сифатида жамиятни рад этишини кўзда тутиб, унга нисбатан алоҳида профилактика зарурлигини кўрсатади<sup>2</sup>. Ушбу олимларнинг фикрини қувватлаган ҳолда назаримизда, қонунда тақиқлар ўрнатилишига қарамасдан гиёҳвандлик воситалари ишлаб чиқариш ва у билан савдо қилувчилар сонининг тобора кўпайиб бораётганлиги сабабларидан бири, гиёҳвандлик воситалари савдоси жуда катта бойлик орттириш имкониятига эга бўлиб, унинг иштирокчилари халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, “оқ ажал”нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга тайёр эканлигида намоён бўлади.

Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавfli-

1 Щурова А.С. Незаконный оборот наркотических средств и их аналогов с использованием компьютерных технологий (сети Интернет): уголовно-правовое и криминологическое исследование: дис. ...канд. юрид. наук. Санкт-Петербург., 2017. С. 17

2 Шеслер А.В. Криминологические и уголовно-правовые аспекты групповой преступности: Учебное пособие. – Тюмень: Тюменский юридический институт МВД РФ, 2005. – С. 6.



лилиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Агарда ХХ асрда гиёҳвандлик воситалари ғайриқонуний савдоси билан асосан жиноий уюшмалар, йирик операциялар тарзида шуғулланишган бўлса, бугунги кунда аёллар ва вояга етмаганларнинг ушбу жиноятларни содир қилиш ҳоллари, гиёҳванд воситаларни сотишнинг турли йўллари, жумладан майда операциялар тарзида амалга ошириш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида криминоген вазиятнинг ёмонлашишига, судланган шахслар сонининг ошишига, гиёҳванд моддалар истеъмол қиладиган вояга етмаганларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Ковид-19 вирусининг тарқалиши муносабати билан юк ва йўловчиларни ташишга чекловлар ўрнатилган бўлишига қарамасдан гиёҳванд моддалар контрабандасининг ўсиб бориш тенденцияси кузатилди.

Хусусан, республикада 2020 йилда 5 707 та наркотик моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган бўлиб, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 23 фоизга кўп (2019 йилда 4 638та) ҳисобланади<sup>3</sup>.

Рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сонидан наркотиклар билан боғлиқ жиноятларнинг улуши ошиб бормоқда.

Энг кўп гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятлар Тошкент шаҳар (1 198), Тошкент (882), Фарғона (777) ва Самарқанд (544) вилоятларида рўйхатга олинган.

2020 йилда наркотик билан боғлиқ жиноят содир қилганлиги учун 4 291 нафар шахс қўлга олинган бўлса, 17,9 фоизини ўқимайдиганлар ва ишламайдиганлар, 12,2 фоизини муқаддам судланганлар ва 5,5 фоизини аёллар ҳамда 22 фоизини ёшлар ташкил этиши шу каби жиноятларнинг миллат генафонди учун канчалик даражада ижтимоий хавфли иллат эканлигини кўрсатади. 2020 йилда республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ноқонуний муомаладан 1 тонна 542,6 кг (2019 йилда 1 тонна 200,5 кг) ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,5 фоизга кўп наркотик моддалар мусодара қилинганлиги эса, содир этилишини мумкин бўлган ўта оғир оқибатлардан огоҳлантирув деб тушунмоқ лозим<sup>4</sup>.

Зеро, халқаро терроризмнинг молиявий манбаи ҳисобланган бу турдаги жиноятчиликка қарши курашилмаган тақдирда республика ҳудудида қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғирлик каби жиноятларнинг авж олиб кетиши, ҳатто давлат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган аянчли ҳолатлар юзага келиши мумкинлиги барчамизга маълум.

Республика судлари томонидан 2020 йилда гиёҳвандлик воситалари ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ 4207 (2019 йилда 3503) та жиноят ишлари кўриб чиқилган ва натижада 5060 (2019 йилда 4415) нафар киши жиноий жавобгарликка тортилган. Жавобгарликка тортилганларнинг 284 (2019 йилда 372) нафарини аёллар ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан бирмунча камайишига эришилган бўлсада, 20 (2019 йилда 9 нафар) нафар вояга етмаганлар, 1081 (2019 йилда 894) нафар ёшлар, 419 (2019 йилда 325) нафар 60 ёшдан ошганлар, 55 (2019 йилда 41) нафар чет эл фуқаролари ва 56 (2019 йилда 41) та тадбиркорлик субъектлари жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва бу кўрсаткичнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солмоқда<sup>5</sup>.

Ушбу рақамлар нафақат республикада ҳудудида, балки гиёҳвандлик воситалари билан шуғулланувчи турли жиноий гуруҳларнинг халқаро алоқалари ошиб бораётганлигини кўрсатади ва унга қарши курашда халқаро ҳамкорлик масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Айнан вояга етмаганлар орасида наркотизмнинг кенг тарқалиши наркобизнес билан шуғулланувчилар учун кенг имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам гиёҳвандлик воситаларини тарқатувчилар қаторига кўпроқ вояга етмаганлар жалб қилинади. Бунга асосий сабаблар сифатида вояга етмаганларни ушбу жиноятга жалб қилиш орқали жиноий жавобгарликни четлаб ўтиш, вояга етмаганларнинг ишонувчанлиги, уларни арзимаган моддий қимматликлар билан оғдириб олиш ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Гиёҳвандлик (наркотизм)нинг жиноятчилик билан алоқадорлиги ўта хавфли жиноятлар содир этилишида, вояга етмаганлар томонидан эса ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиб ва зўрлик хусусиятидаги тажовузларнинг содир этилишида, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари истеъмоли ўз навбатида кун сайин баҳоси кўтарилиб борадиган оғуни сотиб олиш йўлида жиноятчиликнинг ўсишида намоён бўлади.

Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ўсмирлар организмидан ишдан чиқарибгина қолмасдан, балки вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабабларидан бири ҳамдир. Маълумотларга кўра, наркоманларнинг 2/3 қисми вақт ўтиши билан жиноят содир қилади. Гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш натижасида “гаранг” бўлган вояга етмаганлар турли ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, оғир жиноятларни ҳам содир этади. Мастлик ҳолатида улар мактаб, кўчаларда уруш-жанжал чиқарадилар, зўравонлик ва вандализм актларини содир этади.

3 Информационный бюллетень о наркоситуации. Центральнo-азиатский регион.-Ташкент, 2020. С.-48-49

4 Ўша манба.

5 Ўша манба.

Шу маънода А.Антонов, Е.Витовская жамият учун ушбу жиноятларнинг кенг маънода хавфини келтириб ўтади:

- ижтимоий хавfli жиноятлар ёки ҳар қандай жиноят жамият учун хавfli бўлиб, ўзига хос тарзда зарар етказилади (масалан, жабрланувчининг соғлиғига зарар етказиш). Агар жамият салбий баҳо бермаса, одатий хатти-ҳаракатлар сифатида қабул қилина бошлайди;

- қўшимча таҳдидларни келтириб чиқаради, яъни ушбу жиноятлар бошқа шахслар томонидан такрорланиши хавfli вужудга келади. Бу эса бошқа жиноятларнинг вужудга келишига замин яратади<sup>6</sup>.

Ўз навбатида гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчилик бир-бири билан кўпинча бирикиб кетгани учун БМТнинг унга қарши ишлари 1997 йилда мустақамланди. Бош қароргоҳ Венада жойлашган БМТнинг Гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ягона ижрочи директор томонидан бошқарилади. Бошқарма гиёҳванд моддалар савдоси, уюшган жиноятчилик халқаро терроризм ва Бош котиб жамиятдаги “фуқароликка қарши” унсурлар деб атаган бундай ҳолатлар билан глобал миқёсда кураш олиб бориш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бошқарма Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд воситалар устидан назорат бўйича халқаро дастури (ЮНДКП)ни ва Бутун жаҳонда жиноятчиликни бартараф этиш маркази ҳаракатларини ўз ичига олади<sup>7</sup>.

Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчилик тўғрисида огоҳлантириш бошқармаси 1997 йил 1 ноябрда ташкил этилган. Уни ташкил этишдан мақсад гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш, жиноятдан жамоатчиликни огоҳ этиш ва халқаро терроризм муаммоларини ҳар томонлама, атрофлича ечишда БМТ имкониятларини мувофиқлаштиришдир. Бошқарма қуйидаги қисмлардан иборат:

Гиёҳванд моддалар устидан халқаро назорат ўрнатиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дастурлари (ЮНДКП).

Жиноят тўғрисида огоҳлантириш бўйича халқаро марказ. Дастур гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш ва бу борадаги БМТнинг бутун фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар ҳисобланган асосий тузилмадир. У мазкур соҳадаги техник экспертиза маркази сифатида хизмат қилади

ва гиёҳванд моддалар устидан назорат ўрнатиш масалалари бўйича аъзо давлатларга техник маслаҳатлар беради. Унинг зиммасига юкланган вазибалар жойлардаги тармоқлар орқали миллий, ҳудудий ва глобал даражада амалга оширилади.

Жиноят тўғрисида халқаро Марказ жиноят ҳақида огоҳлантириш ва одил судловни амалга ошириш соҳасидаги асосий тузилма сифатида хизмат кўрсатади ва мамлакатлараро уюшган жиноятчиликка, одамлар ўртасидаги контрабанда савдосига, молиявий жиноятлар ва терроризмга қарши курашга асосий эътиборни қаратади.

Бошқарманинг 1998-1999 йиллардаги умумий бюджети 168,8 миллион долларни ташкил этди, шундан 161,1 миллион доллар Дастурга ва 7,7 миллион доллар Марказга ажратилди. Дастурнинг 90 фоиз, Марказнинг 29 фоиз маблағи ихтиёрий хайр-эҳсонлардан тўпланади, қолганлари БМТ доимий бюджетидан ажратилади<sup>8</sup>.

Қўшни Афғонистон опий етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туриши (бутун дунёда ишлаб чиқилган опийнинг 93 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келади) ва ушбу гиёҳвандлик воситаларининг асосан хориж мамлакатларига сотиш учун мўлжалланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳудуди ҳам гиёҳвандлик воситаларини ўтказишда транзит йўллари билан бири ҳисобланади. Бу эса, республикамизга Афғонистон ва Тожикистон орқали гиёҳвандлик воситалари кириб келиши билан боғлиқ ҳолатларга қарши жиддий курашишни талаб қилади. Гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний савдосига жинорий унсурларнинг жалб қилиниши кучайиб бораётганлиги, умумий криминоген аҳволнинг ёмонлашуви, наркоманлар сонининг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий салбий ҳодиса бўлган наркотизм жиноятчилик билан бевосита алоқадордир ва унга қарши кураш барча давлат органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришларини талаб қилади. Барча манфаатдор субъектларнинг эътибори, аввало вояга етмаганларнинг гиёҳвандликка чалинишига қарши тизимнинг яратилишига қаратилиши зарур. Бундай тизимни яратиш учун, аввало аҳоли орасидаги гиёҳвандликнинг сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш керак бўлади.

#

6 Антонов А.Г., Витовская Е.С. Об общественной опасности преступлений в сфере незаконного оборота наркотических средств, психотропных веществ и их аналогов // журнал "Право", 2016. – с- 59-63

7 Специальный выпуск по материалам иностранной печати.- М: ВНИТИ, 1973-№5,-с-13.

8 Ўша манба.



# МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ПЕНИТЕНЦИАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда халқаро стандартларни қўллаш масалалари муҳокама этилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье обсуждено вопросы касательно применение международных стандартов в защиты прав и законных интересов осужденных.

**ABSTRACT.** This article discusses issues related to the application of international standards in the protection of the rights and legitimate interests of convicts.

**Калит сўзлар:** маҳкум, халқаро стандарт, конвенция, пенитенциар, пробацая.

**Ключевые слова:** осужденный, международный стандарт, конвенция, пенитенциар, пробацая.

**Key words:** convict, international standard, convention, penitentiary, probation.

Сўнги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Айнан юқорида қайд этилган масалалар юзасидан 2020 йил 22 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли Фармон<sup>1</sup>и қабул қилиниши ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бугунги кунда жаҳонда жазоларни ижро этиш тизимларининг бир нечта институционал моделлари мавжудлигига кўра, ушбу орган ва муассасаларнинг у ёки бу давлат идорасига қарашли эканлигига қараб, пенитенциар тизимни ташкил этишнинг беш моделини ажратиш мумкин:

1) жазоларни ижро этиш тизими тўлалигича Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги модель;

2) жазоларни ижро этиш тизими тўлалигича Адлия вазирлиги томонидан бошқариладиган модель;

3) жазоларни ижро этиш тизими Адлия ва Ички ишлар (полиция) вазирлиги бошқарувида бўлган модель;

4) жазоларни ижро этиш тизими Адлия вазирлиги томонидан ҳам Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам назорат қилинмайдиган алоҳида давлат департаменти таркибидаги модель;

5) жазо турлари ёки процессуал мажбурият чоралари турли идораларнинг ихтиёрига берилган аралаш модель (маҳкумлар сақланадиган пенитенциар муассасалар Адлия вазирлигининг,

1 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон.

дастлабки қамоқ жойлари эса Ички ишлар вазирлигининг ихтиёрида бўлади).<sup>2</sup>

Хусусан, 2018 йил 7 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли Қарорига мувофиқ, жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг бир қатор устувор йўналишлари белгилаб берилган<sup>3</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг умумэтироф этилган тоифасига кирган принцип ва нормалари, шунингдек ушбу масалаларда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳам жиноят-ижроия қонунчилигининг манбаси бўлиб ҳисобланиши ва мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри қўллаш хусусиятига эга эканлигини эътиборга олиб амалдаги миллий қонунчиликка уларнинг элементларини имплементация қилиб бориш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, инсон ҳуқуқларининг янги универсал ва кенг қамровли тушунчаси ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш масалалари 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт (1966), “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолаш турларига қарши” Конвенция (1984), “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари” - Нельсон Мандела қоидалари (2015) ва бошқа ҳужжатларда акс этган.

Мазкур халқаро ҳужжатларнинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа миллий қонунчилик нормаларида ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланганлиги боис сўнгги йилларда жиноят-ижроия қонунчилигига маҳкумларнинг сайлаш, манзил-колониялардаги шахсларнинг пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга эканликлари, шунингдек уларнинг телефон орқали сўзлашувлари, йўқлов ва учрашувлар олишлари сонини кўпайтириш тўғрисида киритилган ўзгартиш

ва қўшимчаларда ўз аксини топган.

Айни чоғда қандай турда эканлигидан қатъи назар, жиноий жазоларни ижро қилиш борасидаги халқаро стандартлар, қоидалар Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия тизимини ислоҳ қилишга, айниқса, маҳкумларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, халқаро шартномаларда назарда тутилган инсон ҳуқуқларига оид энг муҳим қоидалар амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 5-моддасида “Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия акти ёки афв асос бўлиши”, 2-моддасида “Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатлиги”, 4-моддасида “Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмаслиги” ҳақидаги ва бошқа нормаларда намоён бўлмоқда.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт ва “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари”да қамоқ жазоси қўлланилган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўғрисидаги масалада маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомига катта эътибор берилган бўлиб, унда маҳкумларга ҳуқуқ субъекти сифатида қаралиши лозимлиги тўғрисидаги қоида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, ушбу пактнинг 16-моддасида ҳар бир инсон, у қаерда бўлмасин, ўзининг ҳуқуқ субъекти эканлигини эътироф этиш ҳуқуқига эгалиги таъкидланса, минимал стандарт қоидаларига мувофиқ, маҳкумлар билан муомала қилишда уларни жамиятдан ажратишни эмас, балки уларни жамиятнинг бир аъзоси нуқтаи назаридан қараш, шу билан бирга мазкур ҳужжатнинг 61-моддасида маҳкумлар қонунга мувофиқ ҳолда, ўзларига нисбатан чиқарилган ҳукм шартларига кўра, уларга нисбатан ижтимоий таъминот ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни сақлаб қолиш чораларини кўриш лозимлиги назарда тутилган.

Юқорида қайд этилган қоидалар Жиноят-ижроия кодексининг 8-моддасида, яъни: “Маҳкумлар ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инobatга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун

2 Н.С. Салаев. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш (12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш. криминология. жиноят-ижроия ҳуқуқи) Юридик фанлар доктори (doctor of science) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2017 (УДК 343.81(043.5)(575.) 13-бет.

3 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 3.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.



назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларини бажаришлари мумкин. Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши” кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жазони ижро қилиш соҳасига тааллуқли халқаро ҳуқуқ нормаларини шартли равишда икки гуруҳга, яъни мажбурий ва тавсиявий характерга эга бўлиши мумкин.

Давлатларнинг халқаро ҳамжамият томонидан юридик жиҳатдан мажбурий мақомга эгалик асосида қабул қилинадиган ва тан олиннадиган хулқ-атвор қоидалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаси сифатида тушуниш керак.

Шу боисдан Жиноят-ижроия кодексининг 4-моддаси биринчи қисмида “Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принциплар ва нормаларини инобатга олади” ҳамда учинчи қисмида эса, “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганлигидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади” — деган мазмундаги нормаларда ўз аксини топган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига мисол сифатида инсон ҳуқуқларини умуминсоний қоидалар сифатида ҳурмат қилиш ва халқаро мажбуриятларни ҳалоллик билан бажаришни келтириш мумкин.

Тавсия бериш мақомидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан халқаро ташкилотларнинг жазоларни ижро этиш ва маҳкумлар билан муомала қилишга оид тавсиялари эса улардан миллий жиноят-ижроия қонунчилигининг манбаси сифатида фойдаланилган ҳолда, ушбу соҳадаги қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, жиноят содир этганлиги учун суднинг айблов ҳукмига мувофиқ судланган шахснинг ҳуқуқи, эркинлиги ва мажбуриятлари мажмуи маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи шартлардан бўлиб ҳисобланади. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини тегишлилиги даражасига қараб умумий, махсус ва индивидуал турларга ажратиш мумкин.

Умумий ҳуқуқий ҳолати билан бир қаторда маҳкумларнинг махсус ҳуқуқий ҳолатларини ҳам келтириб ўтиш жоиз. Уларни турли асосларга кўра, масалан, шахснинг қандай турдаги жазога ҳукм

қилинганлигига қараб ажратиш мумкин. Бундай вазиятда, мисол учун жаримага ҳукм этилган шахснинг ҳуқуқий ҳолати ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсдан жиддий фарқ қилади. Айни чоғда баъзи турдаги жазога судланган маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати уларнинг жинси, ёши ва бошқа характерловчи жиҳатларига кўра ўзгариши мумкин.

Турли хилдаги жазоларга ҳукм этилган маҳкумларнинг махсус ҳуқуқий ҳолати мазмунининг талқини Жиноят-ижроия кодексининг Махсус қисмидаги жазоларнинг алоҳида турларини ўташ ва ижро этиш тартибини белгилаб берувчи бобларида кўрсатилган.

Шунингдек, қонунчиликда алоҳида тоифадаги маҳкумларнинг, хусусан, ижтимоий, тиббий, психологик, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатилишига муҳтож шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш, уларнинг сирасига қуйидагилар киритилиши мақсадга мувофиқ:

- ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;
- аёл жинсидаги шахслар, шу жумладан, ҳомиладорлик ҳолатидаги ёхуд уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар;

- жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган маҳкумлар, шунингдек, парваришга ва қаровга муҳтож шахслар;

- ОИВ касаллигига чалинган ёки ОИТС билан оғриган маҳкумлар;

- кекса ёшдаги шахслар;

- жазо ўташ даврида зўрлик қурбони бўлган, шунингдек, руҳий ҳолатида бузилиш аломатлари кузатилган шахслар.

- маҳкумлар реабилитация муассасасида вояга етмаганларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда, муассасада хавфсиз муҳитни таъминлаш учун улар содир этган жиноятларнинг оғирлигига, маҳкумларнинг ёши ва жинсига, шунингдек, жисмоний, ақлий ривожланганлиги даражасига ва бошқа тавсифларга мувофиқ сараланган гуруҳларга жойлаштириш.

Хусусан, ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган С.Салаевнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси ЖИҚда жазо ижросини дифференциация қилиш ва индивидуаллаштиришга оид алоҳида норма киритиш, унда ушбу принципнинг мазмуни, татбиқ этилувчи субъектлари, амалга ошириш шакллари ва механизми аниқ акс эттирилиши лозимлиги таъкидланган. Унга кўра, пенитенциар тизим профилактик функциясининг самарадорлигини оширишда маҳкумларни рағбатлантириш чоралари ҳам муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиб, ЖИҚга “Маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш” деб номланган 6<sup>б</sup>-модда киритилиши таклиф этилган.

Айрим хорижий мамлакатлар ЖИКларининг таҳлили уларда мамлакатимиз ЖИКдан фарқли равишда: қонун олдида тенглик (АҚШ, РФ, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Украина, Молдова, Латвия, Грузия); жазонинг ахлоқ тузатиш воситалари билан уйғунлиги (РФ, Беларусь, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Украина, Молдова); маҳкумларни ахлоқан тузатиш (Германия); ошкоралик (Қозоғистон); жазо ўталиши ва ижро этилишининг муқаррарлиги (Украина); давлат ва маҳкум жавобгарлигининг уйғунлиги (Украина); жазони ижро этиш функцияларининг суриштирув, тергов, давлат айблови функцияларидан холи эканлиги (Молдова); рецидивизмни камайтириш; жазони ижро этиш тизимининг хавфсизлигини таъминлаш (Финляндия) принциплари мавжудлигини кўрсатди<sup>4</sup>.

Шу билан биргаликда, жиноят-ижроия қонунчилигига маҳкумларнинг шахсий хавфсизлиги, инсоний муомалага бўлган, психологик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларини янада кучайтиришга қаратилган нормаларни киритиш хусусан:

жиноят ишини юритиш иштирокчиси бўлган маҳкумга нисбатан хавфсизлик чоралари суднинг, прокурорнинг, терговчи ёки суриштирувчининг асослантирилган қарорига мувофиқ муассаса бошлиғи томонидан амалга оширилишини;

маҳкумларга инсонларча муомала қилиниши ва инсон шахсига хос бўлган қадр-қимматни ҳурмат қилиш ҳуқуқига эгалигини;

маҳкумларнинг психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этишига фақат уларнинг розилиги билан йўл қўйилишини;

маҳкумларнинг жазоларни, шунингдек, жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассаса ва органларда амалга оширилувчи жабрланувчи билан ўтказиладиган медиация, ресоциализациялаштириш билан боғлиқ дастурларда иштирок этиш ҳуқуқини;

маҳкумлар томонидан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа маҳкумлар ва шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги, муассасалардаги хавфсизлик ҳамда ҳуқуқий тартибот бузилишига олиб келмаслиги лозимлигини белгилаш.

Бугунги кунда маҳкумларни ахлоқан тузатиш билан боғлиқ жараённи, шунингдек, уларнинг тузалиш йўлига ўтганлиги, айтиш чоғда собиқ маҳкумларни жамиятга реинтеграция (ресоциализация) лашувини энг қулай шарт-шароитларини таъминлаш қандай бўлиши кераклиги, ушбу мақсадга эришишнинг нечоғли имкони борлиги, қолаверса улар қандай даражадаги натижани бериши мумкинлиги борасида табиийки мунозарасиз тўхтамга келиш қийиндир.

Шу боисдан жиноий жазо шахсни ахлоқан тузатишнинг мақсади сифатида қабул қилинса, жазо турларини, айтишга озодликдан маҳрум этиш жазосининг ижроси жараёнида маҳкумнинг тузалишига хизмат қилувчи, кўмаклашувчи мезонларни имкон даражасида аниқлаштириш ҳамда қонун нормаларига киритилиши мақсадга мувофиқ.

Бунда ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш жазони қўллашдан қўйилган асосий мақсадга эришиш воситаси ёки дастаги эмас, балки жазонинг энг муҳим принципи бўлган қайта жиноят содир этилишини профилактика қилиш назарда тутилиши кераклигини эътиборга олиб қонунчиликка қуйидагиларни назар тутиш:

1) маҳкумларни тузатиш (ахлоқан тузатиш) жараёни уларнинг ҳуқуқи бўлганлиги боис ихтиёрий эканлигини;

2) уларга нисбатан амалга ошириладиган дастурлар норматив характерга эгалигини, шунингдек, тузатишнинг (ахлоқан тузатишнинг) индивидуал тарзда тузилган режаларга мувофиқ ўтказилиши лозимлигини;

3) тузатиш (ахлоқан тузатиш) ўз мазмунига кўра, тузатиш (ахлоқан тузатиш) борасидаги индивидуал режанинг амалга оширилишини қамраб олиш кераклигини;

4) тузатиш (ахлоқан тузатиш) маҳкумнинг мажбурияти эмас, балки унинг ҳуқуқи бўлиб, у ихтиёрий мақомга эгалигини;

5) маҳкумни тузатиш (ахлоқан тузатиш) жараёни режалаштирилиши ва унда унинг иштирок этишини рағбатлантирилиши;

6) маҳкум у мажбурий сақланиши жараёнида амалга оширилиши ва муваффақиятга эришилиши мумкин бўлган омилларни назарда тутган энг қулай восита ва шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилинишини.

7) маҳкум бирон-бир интизомий ёки режим билан боғлиқ чораларсиз, салбий оқибатсиз унинг шахсини баҳоловчи ҳар қандай тадбирда иштирок этишдан ёки ҳамкорлик қилишдан бош тортиши мумкинлигини белгилаш зарурияти мавжуд.

Маълумки, маҳкумларнинг меҳнат ҳуқуқи мақомини асослаб берувчи ҳужжатлар инсон ҳуқуқларига оид стандартларни белгиловчи мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади. БМТнинг 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган 45/111-сон резолюциясида маҳкумлар билан муомала қилишнинг бир неча тамойиллари қаторида “маҳкумларнинг ижтимоий-фойдали ва ҳақ тўланадиган меҳнатга бўлган ҳуқуқи” ҳам қайд

4 Н.С. Салаев. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш (12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи) Юридик фанлар доктори (doctor of science) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2017 (УДК 343.81(043.5)(575.) 19 бет.



этилган.

Ушбу нормалар сирасига инсоннинг турли ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб берувчи умумэтироф этилган ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахслар билан муомалада бўлишни тартибга солувчи махсус шартнома ва конвенцияларни киритиш мумкин.

Маҳкум озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони жамиятдан вақтинча ажратилган ҳолатда, қаттиқ қўриқлов остида ўтаса ҳам меҳнатга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

Амалдаги меҳнат қонунчилигида ёки бўлмаса жиноят-ижроия қонунчилигида ҳам маҳкумларнинг меҳнат муносабатларига доир ҳуқуқий ҳолатлар ўзининг тўлиқ ва аниқ ўз ифодасини топмаган. Жиноят-ижроия кодексининг 88-моддасида маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, ушбу Кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солиниши қайд этилган. Бироқ, Меҳнат кодексининг 14 ва 16-моддаларида белгиланган тартибда меҳнатга оид муносабатларнинг тўлақонли субъекти эканлиги шунингдек, унинг асосий меҳнат ҳуқуқлари етарли белгилаб берилмаган.

Юқорида қайд этилганларни эътиборга олиб жиноят-ижроия қонунчилигида қўшимча тарзда яна қуйидаги нормаларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

маҳкумларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш ва меҳнатнинг моддий ва маънавий натижаларидан манфаатдор бўладиган шароитни таъминлаш мақсадида уларнинг меҳнатига ҳақ тўланадиган ишга жалб этилган вақти тегишли меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан меҳнат шартномаси тузиш, заруриятига кўра меҳнат дафтарчаси тутиш ёки унинг электрон аналогини юритиш қонунчилик нормалари талабларига мувофиқ амалга оширилиши;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб меҳнатга жалб этилган маҳкумларнинг давлат пенсия таъминоти кафолатини кучайтириш мақсадида уларнинг ижтимоий суғурта қилиниши, маҳкум аёлларни эса қонунда белгиланган тартибда ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан нафақа олиш ҳуқуқини таъминлаш. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари маҳкум аёлларга улар меҳнат

мажбуриятларини бажармасаларда ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар тўланиши лозимлиги;

маҳкумлар қонунда белгиланган тартибда умумий асосларда давлат пенсия таъминотидан ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик тўғрисидаги пенсияларни олиш ҳуқуқига эга бўлишлари;

мазкур шахсларга нисбатан тегишли қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларнинг тўлиқ таъминланишига эришилгач, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг бу жойларда сақланиши учун сарфланадиган харажатларни уларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан ундириб бориш масаласи ҳал қилиниши тавсия этилади.

Юқорида қайд этилганидек, маҳкумларни етарлича иш билан таъминлаш ҳамда уларга тегишли шарт-шароитларни яратишда ушбу жараёнларга давлат-хусусий шерикчилик инструментларини кенг доирада қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, жазони ижро этиш тизимларига хусусий секторни жалб қилиш борасида хорижий давлатлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1) жазони ижро этиш тизимига хусусий сектор кенг жалб қилинган давлатлар (АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Франция, Австралия, ЖАР);

2) жазони ижро этиш тизимида хусусий секторнинг иштироки кўриб чиқиладиган давлатлар (Жанубий Корея, Латвия, Чехия, Венгрия, Исроил);

3) жазони ижро этиш тизимига хусусий секторни жалб қилиш муҳокама қилинаётган давлатлар (Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон);

4) жазони ижро этиш тизимига хусусий сектор аралашмайдиган давлатлар.<sup>5</sup>

Бугунги кунда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш мақсадида халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, манзил-колонияларни босқичма-босқич қисқартириш, биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсларга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, улар манзил-колонияга ўтказилмасдан тўғридан-тўғри пробақия назоратига олиниши лозимлиги 2020 йилда мамлакат Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўлланган Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, жазоларни ижро этувчи органлар, айниқса озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасалар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти билан узвий

5 Н.С. Салаев. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш (12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш. криминология. жиноят-ижроия ҳуқуқи) Юридик фанлар доктори (doctor of science) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2017 (УДК 343.81(043.5)(575). 25 бет.

ҳамкорлигини таъминлаш долзарб эканлиги қайд этилди.

Шунга кўра, Инсонпарварлик комиссиясининг ҳуқуқий мақоми, унинг вазифа ва функциялари ҳамда фаолиятини фақатгина маҳкумларни Жиноят кодексининг 73, 74, 89 ва 90-моддаларига мувофиқ, тегишли енгилликлар қўлланиши учун тақдим этиш тартиби билан чегараланмасдан, Жиноят-процессуал кодексининг ҳукм, ажрим ва қарорларни ижро этишда юзага келадиган (533-537 моддалар), шунингдек ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳам (542-модда) қамраб олиши зарурияти мавжуд.

Шуни таъкидлаш жоизки, жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижросини таъминлаш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни таъминлаш мақсадида миллий қонунчиликка киритилган пробацция институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва тартибга солиш ўз навбатида Жиноят, Жиноят-ижроия ва маълум даражада Жиноят-процессуал кодексларига тизимли ўзгартишлар киритилишини талаб қилган ҳолда, келажакда “Пробацция хизмати тўғрисида”ги махсус қонун қабул қилинишини унда мазкур институтнинг принциплари, шахснинг ижтимоий-психологик жиҳатдан тадқиқ қилиш технологияси, унинг суд тизими, шунингдек, фуқаролик жамияти билан бўладиган ўзаро муносабатлари механизми яратилишини тақозо этади.

Ушбу қонун Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия қонунчилиги билан ҳамоҳанг амалда бўлиши, уларнинг нормалари мантиқий жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, Жиноят кодексига пробацциянинг моддий-ҳуқуқий асослари пробацция (синов) назорати мазмунидан келиб чиқилган ҳолда ёритилса, жиноят-ижроия қонунчилигида пробацция назорати режими билан кўзда тутилган ҳуқуқий чеклашларнинг ижро қилиш тартиби ва шартлари ўз аксини топади.

Пробацция назоратини ижро қилиш махсус профессионал хизматни шакллантиришни талаб қилиб, унинг фаолият кўрсатиш принциплари (қонунийлик, инсонпарварлик, назорат остидагиларнинг шахси камситилмайдиган, шахсий ҳаётларига имкони борича кам аралаштириш, нодавлат ташкилотлар ва жамоатчиликнинг тарбиявий таъсир ўтказишдаги иштироки, ҳамкорлик ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлик) усуллари ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишнинг бутун тизимига, шунингдек, шартли ҳукм қилинганлар,

қолаверса озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш жараёнига ўзининг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан самарали таъсирини ўтказишга хизмат қилиши лозим.

Табиийки, ходимларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомига ва етарли малакага эга бўлган мутлақо янги профессионал хизматни ташкил этиш юқорида қайд этилганидек, қонунчиликка тегишли ўзгартиришларни киритиш, кадрлар билан боғлиқ, шунингдек пробацция назоратидаги шахсларни масофадан туриб назорат қилишни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш заруриятини юзага келтиради.

Шу маънода ушбу тузилма ҳуқуқбузарликларнинг турли тоифаларига нисбатан мақбуллаштирилган ва дифференциялаштирилган жиноят-ҳуқуқий таъсир сиёсатини олиб боришга шароит яратади.

Яна бир муҳим жиҳат сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда амалиётда бўлган жиноят-ижроия қонунчилиги бу тоифадаги шахсларга ҳуқуқий, психологик, ижтимоий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш каби нормаларни кўзда тутмаган. Шу боисдан бугунги кунда жазо ўтаган шахсларнинг реабилитация қилинишини таъминлайдиган давлат миқёсидаги махсус дастурлар ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Маҳкумларнинг ижтимоий жиҳатдан мослашуви таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, пробацция назорати ижросини ташкил қилиш давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари орасида ўзаро ҳамкорлик ташкил этилишини талаб қилади. Ахлоқан тузатиш таъсири натижаларига амалда эришиш мақсадидаги бундай ҳамкорлик қайта жиноят содир қилинишини чеклаш, қолаверса умуман ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси борасидаги муаммоларнинг ҳал этилишига йўналтириш учун асос бўлиб хизмат қилиши табиий.

Ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг жамиятга интеграциялашувини, улар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, жамиятнинг хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлардан, шунингдек, уларнинг жамият учун хавфли оқибатларидан ҳимоя қилиш пробацция назоратининг мақсади бўлиб ҳисобланиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, келажакда миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, халқаро стандартларга мувофиқ равишда жиноят-ижроия қонунчилигининг такомиллаштириб борилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада кафолатлашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.



Саломат НИЁЗОВА,  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга  
қарши курашиш кафедраси профессор  
вазифасини бажарувчи, ю.ф.д.

## КУЧЛИ РУҲИЙ ҲАЯЖОНЛАНИШ ҲОЛАТИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРДА ЖАБРЛАНУВЧИ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятларда жабрланувчи хулқ-атворининг эътиборга олиншига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, бу масалада олимлар фикри ўрганилиб, суд амалиёти материаллари таҳлил этилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматривается вопрос принятия во внимание поведения потерпевших от преступлений, совершенных в состоянии сильного душевного волнения. Также были изучены мнения ученых по данному поводу и проанализированы материалы судебных разбирательств.

**ANNOTATION.** The article examines the issue of taking into account the behavior of victims of crimes committed in a state of intense emotional excitement. Also, the opinions of scientists on this matter were studied and the materials of the court proceedings were analyzed.

**Калит сўзлари:** Кучли руҳий ҳаяжонланиш, жиноят, жазо, жавобгарлик, жабрланувчи, хулқ-атвор, қасддан одам ўлдириш, аффект.

**Ключевые слова:** сильное волнение возбуждение, преступление, наказание, ответственность, жертва, поведение, умышленное убийство, аффект.

**Key words:** intense excitement, excitement, crime, punishment, responsibility, victim, behavior, premeditated murder, affect.

Маълумки, айбдорга жазо тайинлаш ва виктимликнинг олдини олишда унинг хулқ-атворининг ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу айниқса, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатларида ўз ифодасини топади.

Айбдорнинг кучли руҳий ҳаяжонланишининг сабабларидан бири жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатидир. Шунинг учун қонунда тўсатдан пайдо бўладиган руҳий ҳаяжонланиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини (аффектни) баҳолаш учун унинг вужудга келганлигини аниқлаш лозим.

Аммо ўз-ўзидан кучли руҳий ҳаяжонланиш жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланмаслиги керак. «У қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин: 1) кучли руҳий ҳаяжонланиш ва жиноят содир этишга қаратилган қасднинг тўсатдан пайдо бўлиши; 2) уларнинг жабрланувчи

томонидан зўрлик ёки ҳақорат қилиш йўли билан вужудга келиши»<sup>1</sup>.

Жиноят ҳуқуқи назариясида кучли руҳий ҳаяжонланишнинг ўзи эмас, балки унинг жабрланувчини ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари туфайли вужудга келганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 98-моддасининг қўлланилишига муҳим асос, жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатига жавобан аффектнинг пайдо бўлишидир, деган қараш мавжуд.

Шунингдек, «жабрланувчининг қонунга хилоф ҳаракати жиноят ҳуқуқий мазмунга эга бўлиб, суд амалиётида жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ҳар доим ҳам аффект ҳолати деб топилавермайди. Аммо бу ҳаракатларга жиноят ҳуқуқи ва суд амалиётида ўз-ўзидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралади»<sup>2</sup>.

Кўпинча кучли руҳий ҳаяжонланишнинг вужудга келиши жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатига жавоб сифатида вужудга келиб, объектив мезон сифатида қаралади<sup>3</sup>.

1 Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Махсус қисм). – Тошкент.: Адолат, 2006. 138 – б.  
2 Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.3. – Тошкент.: Илм Зиё, 2011. 63– б.  
3 Уголовное право Особенная часть. Учебник для вуз. 4-е издание. Норма. 2008. – М., 61– с.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш қасддан одам ўлдириш жиноятига нисбатан енгиллаштирувчи таркиб ҳисобланади, чунки мазкур жиноят, биринчидан, айбдорда кучли руҳий ҳаяжонланиш ва жиноят содир этишга қаратилган қасднинг тўсатдан пайдо бўлиши билан; иккинчидан, жабрланувчи томонидан зўрлик ёки ҳақоратга жавобан вужудга келиши, яъни жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли айбдорни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига олиб келганлиги натижасида одам ўлдириш ниятининг тўсатдан келиб чиққанлиги билан изоҳланади<sup>4</sup>.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қасддан одам ўлдириш жиноятининг объектив томонини таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: а) қасддан одам ўлдириш жабрланувчининг зўрлик ишлатишга жавобан келиб чиққанлиги; б) жабрланувчи томонидан оғир ҳақоратлаш (инсон қадр-қимматини топташ, уни жиноят ёки ахлоққа қарши ҳаракат қилганликда айблаш, дини ва миллатини ҳақоратлаш); в) жабрланувчининг қонунга хилоф бошқа ҳаракат-ҳаракатсизлиги (ўз бурчини бажаришдан бўйин товлаш кабилар).

Оғир ҳақорат деб, физиологик аффе́кт ҳолатини келтириб чиқарадиган сўз-иборалар ишлатиш ёки бошқа ҳаракатлар тушунилади<sup>5</sup>. Бироқ ҳар қандай хафа қиладиган сўзлар, ҳодисалар оғир ҳақорат деб топилиши мумкин эмас. Масалан, ишқий алоқаларни тўхтатиш, албатта ачинарли ҳол, аммо бу ҳақорат эмас; турмушга чиқишни рад этиш (дўст бўлиб қоламиз дейишлик); шуни назарда тутиш керакки, фақат суд ҳар бир алоҳида ҳолда иш ҳолатларини ҳисобга олиб, қандай ҳақорат оғир экани масаласини ҳал қилиши лозим.

Суд амалиётида кўпинча эр-хотиннинг бири-бирига хиёлати оқибатида одам ўлдириш ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолларда жабрланувчининг виктим хулқи қандай бўлганлиги эътиборга олинандими? Масалан, М. хотини З. нинг ўйнаши билан жинсий алоқа қилиб тургани устига бориб қолади ва ўша ердаги қўлига илинган оғир нарса билан З. нинг бошига уриб ўлдириб қўяди<sup>6</sup>. Бунда жабрланган З.нинг виктим хулқи актив бўлган. Ва бу хулқ жиноят содир этишга сабаб бўлган.

Ушбу иш атрофлича ўрганиб чиқилганида хотиннинг жабрланувчи сифатида хулқ-атвори, яъни

эрига қилган хиёлати эрининг кучли ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдиришга олиб келгани эътиборга олиниб судда жазо тайинланган.

Бунда кучли руҳий ҳаяжонланишнинг пайдо бўлиши замирида ёритиладиган, ушбу ҳолатдаги содир этилган жиноят учун жазони енгиллаштирадиган ҳолатлар рўйхатида жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида вужудга келган ҳолатнинг киритилиши (ЖК 55-моддаси “и” банди) вафодорлигига кўп вақтдан бери шубҳа қилинган ва жабрланувчининг бевафолиги айбдор учун кутилмаган воқеа бўлган ҳолларда кучли руҳий ҳаяжонланишнинг вужудга келиши мумкинлиги ҳақидаги мунозараларга яқун ясайди.

Шунингдек, воқеаларнинг жуда тез кечиши, уларнинг шахс руҳиятига таъсир ўтказиши муносабати билан вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш натижасида субъект мазкур низони ҳал этишнинг мантиқан тўғри усулини топа олмайди. Низо ҳис-ҳаяжоннинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, ўзига хос жиҳатлари ҳар томонлама ўрганилиб, ҳал этилади. Шундай вазиятларда вужудга келадиган ғояда кучли ҳаяжонланиш айбдорнинг нафақат ўз хатти-ҳаракатларини тўлиқ назорат қилишга, ҳаттоки уларнинг хусусиятини аниқ идрок этишга ҳам тўсқинлик қилади.

Маълумотларга кўра, жиноятнинг содир этилишидан аввал руҳиятда кечган давомли, асабларни жароҳатловчи вазият одам руҳиятига салбий таъсир этади, уни ҳаяжонланишга мойил қилиб қўяди<sup>7</sup>.

Шунинг учун жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори натижасида вужудга келган вазиятнинг кучли руҳий ҳаяжонланишни келтириб чиқариши ва бундай ҳолатда содир этилган жиноятнинг жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхатида киритилганлиги тўғри ва илмий асослантирилгандек кўринади.

Жиноят қонунларидаги бу янгилик, шунингдек кучли руҳий ҳаяжонланишнинг ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида ЖКнинг 55-моддасида мавжудлиги мазкур муаммога доир баҳсларни ҳал этади. “Кучли руҳий ҳаяжонланишни жабрланувчининг тасодифий ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хатти-ҳаракатида айбдорнинг бевосита жавоб реакцияси”, деб таърифлаш керакми ёки “уни шахснинг ўзига хос

4 Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. 34–б.

5 Чугунов А.А. К вопросу об убийстве, совершенном в состоянии аффекта. // Сборник научных статей Московского университета МВД России. – М., 2006. 226–с.

6 Тошкент вилоят судининг архив материалларидан. – Тошкент., 2015.

7 Антонян Ю.М., Енекиев М.И., Эминов В.Е. Психология преступника и расследование преступлений. – М., Юрист, 1996. 333–с.



физиологик хусусияти деб ҳисоблаб, унга нормал ҳолатдан ёки оддий ҳис-туйғу кечинмасидан ҳаяжонланишнинг юксак босқичига тасодифий сакраб ўтиш”, деб қараш лозимми? Бу масалани ҳал этишда қонун чиқарувчи кейинги нуқтаи назарни афзал топган. Яъни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини жабрланувчининг кутилмаган хатти-ҳаракатлари эмас, балки давомли асабларга салбий таъсир кўрсатувчи муҳит келтириб чиқарган ҳолда ҳам бундай ҳолат тўсатдан вужудга келади, ҳиссиётлар зўриқишнинг оддий миқдорий йиғилиб боришидаги навбатдаги босқичи унинг чўққиси бўлмай, мустақил аломатлар билан тавсифланувчи сифат жиҳатдан ўзгача руҳий ҳолат деб ҳисобланади.

Қ.Р.Абдурасулова таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 110-моддасига кўра, расман муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш деб квалификация қилинадиган жабрланувчининг хулқ-атвори баъзан виктим омил бўлиб хизмат қилиб, аёлларга нисбатан ишлатилган зўрлик маълум шароитларда жабрланувчининг жавоб реакцияси учун замин яратади. Бундай ҳолатларда узоқ муддатли руҳий зўриқишнинг типик оқибатлари яққол кўзга ташланади, яъни бундай шароитда яшаётган аёлларнинг кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида баданга турли даражадаги шикаст етказиш ва ҳаттоки одам ўлдириш жиноятини содир этганлар<sup>8</sup>.

1994 йилда тасдиқланган Жиноят кодекси билан бевафолик туфайли ёки оғир ҳақорат туфайли тўсатдан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ барча муаммолар ҳал этилди, деб бўлмайди. Бевафолик фактини кучли руҳий ҳаяжонланишни вужудга келтирувчи оғир ҳақорат ёки бузуқ хулқ-атвор сифатида баҳолаш маълум бир қийинчиликни келтириб чиқарадигандек кўринади. Аммо мутахассисларнинг шу масалага доир фикрлари бир-биридан фарқ қилади.

Уларнинг айримлари жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қаратилган қилмишнинг содир этилишига олиб келган бевафоликни ҳар қандай шароитда ҳам оғир ҳақорат деб қарашга тайёрдирлар. Аксарият ҳолларда хиёнат қилган шахс шу йўл билан ўз шеригини таҳқирлаш мақсадини кўзламайди, яширин равишда бевафолик қилар экан, бу ҳолдан айбдор ҳам, теварак-атрофдагилар ҳам беҳабар деб ўйлайди.

Хиёнат фактини оғир ҳақорат деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини тасдиқловчи бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, Л.А.Рогачевский шундай деб ёзади: эр-хотиннинг хиёнатини ҳақорат деб эътироф этиш учун изчилликка амал қилиш, яъни хиёнат жиноят сифатида жазоланадиган қилмиш ва никоҳ иттифоқига содиқ бўлмаган эр-хотин жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин – деган хулосага олиб келади. Шарҳ талаб қилмайдиган бундай қоида танқид қилинаётган фикрнинг хатолигини кўрсатади<sup>9</sup>.

Фикримизча, бундай нуқтаи назар баҳслидир. Бундай ҳоллар ахлоққа зид ҳаракат эканини айтиш мумкин. Хиёнатни одоб-ахлоқ нуқтаи назардан баҳолашда қуйидаги ҳолатлар инobatга олиниши лозим: биринчидан, ахлоқий талабларнинг энг зарур аломати уларнинг барча томонидан эътироф этилган. Одоб-ахлоқ қоидалари умумталаб сифатида баён этилади ва қандайдир умумий асосни ташкил этади, ахлоқий қарашлари турлича бўлган одамлар унга таяниб, бир-бири билан мурося қилади<sup>10</sup>. Иккинчидан, ахлоқ нормалари жамият онгида яшайди, одам онги эса уларнинг макони ҳисобланади. Бу демак, муайян ҳодисага объектив баҳони жамият аъзоларининг у ҳақидаги умумий фикрини аниқлаш орқалигина бериш мумкин деганидир. Учинчидан, жиноят қонунларини такомиллаштириш ҳамда уларни амалда тўғри қўллаш шартларидан бири – уларни жамиятдаги ахлоқ нормалари ва тасаввурларига имкон борица мувофиқлаштириш лозим деб топади<sup>11</sup>.

Шунинг учун эр-хотиннинг бевафолигига ахлоқ нуқтаи назаридан баҳо бериш вақтида тергов, суд ходимлари шахсий ахлоқий тасаввурларидан эмас, балки ижтимоий онгнинг ахлоқ ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиқишлари лозим. Ниҳоят, ана шу масалани ҳал этиш вақтида хиёнат фактининг айбдор томонидан қандай қабул қилинишида субъектив жиҳатлар эътиборга олинишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, у кўп жиҳатдан жиноятчининг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Акс ҳолда, шахснинг объектив равишда жабрланувчининг ахлоққа зид хатти-ҳаракатидан келиб чиқмаган, айбдорнинг ўзига хос одатлари: арзимаган нарсалардан жаҳли чиқиши, ҳис-туйғуларини тизгинлай олмаслиги, ҳаддан ташқари ўзига бино қўйганлиги ва асоссиз шубҳаланиш оқибати бўлмиш жиноий қилмишга

8 Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Монография. – Тошкент.: ТДЮИ, 2005. 38–б.

9 Рогачевский Л.А. Дискуссионные вопросы уголовно-правовой борьбы с преступностью. – М., 1998. 45–с.

10 Зилинкова И.Л., Беляев Е.В. Этико. – Минск, 1995. 79–с.

11 Никулин С.Н. Этико-нравственный аспект совершенствования уголовного законодательства: современные тенденции развития уголовной политики и уголовного законодательства. – М.: ИРПАН, 1994. 19–с.

жазо берилиши мумкин<sup>12</sup>, деб таъкидлайди.

О.Ф.Зокирова ушбу фикрни давом эттириб шундай дейди: “Юқоридаги салбий жиҳатлар ундаги шахснинг жамият учун хавфлилик даражасини ошириб юбориши мумкин. Шунинг учун хиёнат фактига одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан баҳо берилмаётганида ахлоқнинг шахсга хос жиҳатлари эмас, ижтимоий жиҳатлари инobatга олиниши лозим”<sup>13</sup>.

Қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 98-моддаси билан квалификация қилиш учун одам ўлдириш кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, яъни жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақоратга жавобан тўсатдан юз берганини аниқлаш зарурдир.

Мисол тариқасида, суд амалиётига мурожаат қиламиз, 1978 йилда туғилган К. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 98-моддасида жавобгарлик белгиланган кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлиги учун жавобгарликка тортилади.

Суд ҳукмидан шу нарса маълумки, 2009 йил 31 август соат 21:00 да фуқаро Т. маст ҳолда дала ёнида ўзининг ўғай ўғли К.ни дўппослай бошлайди, К. отасининг важоҳатидан қўрқиб дала ичига қочади. Буни курган Т.нинг хотини ўғли орқасидан боради. Т. уларни орқасидан қувлайди. Хотини эрининг қувиб бораётганлигини кўриб ярим йўлда тўхтади. Чунки, у эри ўғлини тутиб олиб дўппослашдан қўрқади. Т. хотинини шийпонга олиб келади ва уни юзи, бошига уриб оғир тан жароҳати етказди.

Кеч соат 2:00 да К. уйга қайтиб, онасининг калтакланиш натижасида шишиб чиққан кўзларини, ярим жон ҳолатини кўриб, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида шийпонда турган қувалдани олиб, ухлаб ётган отасининг бошига зарб билан уради, бунинг оқибатида отаси вафот этади.

Т. А. билан янги турмуш қурган пайтларида мунтазам равишда ўзининг ўғай ўғли ва ўғай қизига ёмон муносабатда бўлган, уларни дўппослаб, икки ёшли болани халтага солиб, унинг опалари олдида ариққа чўктиришга уринган. Худди шундай ҳолатни у ўғай қизига нисбатан ишлатган, уларни арқон билан боғлаб онасининг йиғлаб, ёлворишидан сўнгина, у болани қўйиб юборган.

Онаси ва қизлари К.га оталарининг безорилиги ҳақида неча маротаба айтиб беришган. К. отасининг ҳаракатлари ҳақида билган ўша куни отаси онаси ва уни дўппослаб далага ҳайдайди. Сўнг К. уйга

қайтиб онасини кўргандан сўнг, отасини ҳамма қилиқларини кўз ўнгидан ўтказиб, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ўғай отасини қувалда билан уриб ўлдиради.

Суд К.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, унга Жиноят кодексининг 98-моддаси билан асосланган ҳукм чиқариб, унга енгил жазо тайинланади<sup>14</sup>. Таҳлил қилинаётган тоифадаги жиноят ишларининг таҳлили айбдорнинг ҳаяжонланиш ҳолатида бўлган-бўлмаганлиги фактини аниқлаш муҳимдир.

Бу борада яна бир мисол келтирадиган бўлсак, суднинг ҳукми билан О. тўсатдан вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида хотинининг бошига қасддан оғир тўмтоқ нарса билан уриб ўлдирганликда айбланиб, жазога ҳукм қилинган. Айбдор спиртли ичимликлар ичиб олиб, “сен менга вафодорлик қилмаяпсан”, – деб хотини билан муносабатларига аниқлик киритмоқчи бўлган, хотини унга шубҳалари тўғри экани ва ўйнаши борлигини тасдиқлаганидан сўнг, олдида турган оғир тўмтоқ нарса олиб, хотинининг бошига урган.

Суднинг О. кутилмаганда вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлганлиги ҳақидаги хулосаси ҳукмда далиллар билан тасдиқланмаган. Буни фақат судланувчининг кўрсатмалари тасдиқлайди, холос.

Бунда шахс физиологик аффе́кт ҳолатида бўлиб, бу ҳолат ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақоратдан ташқари, шунингдек жабрланувчининг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли ҳам юз бериши мумкин.

Бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар деганда, жабрланувчининг шундай ҳаракатлари тушуниладики, улар на зўрлик деб, на ҳақорат деб топилиши мумкин эмас ва, шу билан бирга, айбдор ёки унинг яқинларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қўпол тарзда бузилиши (масалан, туҳмат, бебошлик ёки бебошликка олиб бориш, мол-мулкни йўқ қилиш каби) мумкин.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) ҳолатидаги тўқнашувнинг жанжал ёки урушнинг “бошловчи”си ролини жабрланувчи ўйнайди. Унинг ҳуқуққа қарши хулқи жиноят содир қилиш учун вазият туғдиради, айбдорнинг шаъни ва қадр-қиммати тажовузга қарши ҳаракатга ундайди, охир-оқибатда бу жиноят хавфлилиги ва айбдор содир этган қилмишнинг даражасига таъсир этади. Айрим жиноятларда жабрланувчининг ҳаракатлари айбланувчини

12 Зокирова О.Ф. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Тошкент.: ТДЮИ, 2004. 77–6.

13 Қаранг, ўша манба: – Тошкент.: ТДЮИ, 2004. 78–6.

14 Қашқадарё вилояти судининг архив материалларидан. 2010.



жиноят содир этишга ундайди.

Бундан ташқари, ахлоқий шаклдаги инсон шаънига айтилган сўзи ёки қилинган хатти-ҳаракатлар ҳам аффект ҳолатни келтириб чиқаради. Бу борада суд амалиётига мурожаат қиламиз. 2016 йил 25 июнда А. кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида газ плитасида қайнаб турган чойнакни олиб қайнотасига улоқтиради. Бунинг натижасида қайнотасининг бадани 2-3-даражали куйиб, 2016 йил 11 июлда касалхонада вафот этади.

А. тергов жараёни ва суд залида қуйидагиларни кўрсатади: қайнотаси 2016 йил 25 июнда уларни келиб, келиннинг ўз эри, яъни ўғлига хиёнат қилади, деб шубҳаланиб, унинг орқасидан пойлай бошлайди. Унинг шубҳалари асоссиз бўлгани учун улар орасида жанжал чиқади. Аёл шу пайтлари ҳомиладор бўлган. 2016 йил 25 июнда қайнотаси уни ҳақоратлаб, урмоқчи бўлади. Айбланувчи ҳомиладорлиги ва ҳақорат натижасида ўзини ёмон ҳис этади, нима қилаётганини тушунмай, газ плитасидаги чойнакни қайнотасига отади.

Ҳодиса гувоҳи А. эрининг кўрсатмалари бўйича, ўзи ва отаси хотинини хиёнат қилаётганлигига шубҳа қилиб, жанжал кўтарган отаси унга хотинини ҳайдашни маслаҳат бериб, иккаласини ҳам ёмон аҳволга солиб қўяди. У хотини билан ўртасидаги муносабатларга онасини аралаштирмаслигини сўрайди.

Аммо отаси ўша куни ўғлига хотинини ҳайдаб юборишини таъкидлайди. Кўрсатма берган А.нинг дугонаси И.нинг сўзларига кўра, А. бир неча маротаба йиғлаб, қайнотасининг уни хиёнат қилишда айблаётгани, бундан тоқати тоқ бўлганини айтган.

Бунда А.нинг қилмиши унинг ҳомиладорлик даврида, оғир ҳақоратланиши натижасида келиб чиққан руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир бўлиб, суд ушбу ҳолатларни эътиборга олиб, жазо тайинлаган.

Ҳақоратнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун одам ўлдирган айбдорнинг шахсий хусусиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу хусусиятга айбдорнинг ҳомиладорлиги ҳам киради. Фикримизча, ушбу ҳолатларда бундай муносабатда бўлиш нафақат руҳий, балки ахлоқий жиҳатдан ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Келтирилган мисолда икки киши ўртасидаги қарама-қаршилиқ учинчи шахс эътиборини ўзи-

га тортади. Чунки, у ҳам ўзини шу вазиятнинг қатнашчиси, деб ҳисоблайди. Бу эса, бир инсони бошқа бир инсоннинг ҳис-туйғуларидаги хавотирини ҳис этишдир. Яъни эмоционал ҳолат сифатида намоён бўлади, ҳақиқатан ҳам инсонга нафақат ўзига қарши йўналтирилган ҳаракат, балки бошқага қарши қаратилган ҳаракат ҳам таъсир этади.

Суд амалиётига таянадиган бўлсак, бундай таъсир этишнинг турли шакллари мавжуд. Аммо бундай ҳолатда одам ўлдиришда ўта муҳим сабабни ҳисобга олиш керак, акс ҳолда, бу қасддан содир этилган бўлиши ҳам мумкин. Ҳамма сўз ва ҳақоратлашлар, фактлар ҳам инсонни аффект ҳолатга олиб келавермайди<sup>15</sup>. Аффект ҳолати ғайриқонуний мажбурлаш ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар орқали содир бўлади. Кўпинча бу ҳолатда одам ўлдириш оилавий шароитларда юзага келади.

Бироқ фикримизча, бундай ҳолатлар бир-биридан ажратишни тақозо этади. Чунки, бу ножўя ҳаракатлар орқали юзага келмайди. Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига унча эътибор берилавермайди. Ғайриқонуний ҳаракат вазият сифатида уни юзага келтирадиган ҳолат, деб қаралади. Бунда Жиноят кодексининг 98-моддасини қўллашда ўхшаш моддалардан фарқли ўлароқ, унинг объектив томонига эътибор қаратилади.

Дарҳақиқат, аффект ҳолатидаги киши ҳаракатларини бир томондан онгли ҳаракат деб ҳисобласа, иккинчи томондан, импульсив ҳаракатлар бўлгани туфайли ўз ҳаракатларини бошқариш ва оқибатини англаш қобилиятининг пасайгани билан боғлиқдир. Импульсив ҳаракатларни ўйланмаган ҳаракатлар ҳисоблаб, уни онгли ҳаракатларга қарама-қарши қўядилар<sup>16</sup>.

Шунингдек, жиноят қонунчилигида жиноятни содир этишдаги жабрланувчининг салбий ҳаракатлари жиноятни квалификация қилишда айбланувчининг фойдасига энгилликлар бериши ҳам мумкин. Жабрланувчининг шахси, турмуш шароити ва жиноят оламида тутган ўрнини аниқлаш жиноят объектининг моҳияти ва аниқлигини кўрсатишда ҳамда жиноятдан жабрланган шахсларнинг икки ёки ундан ортиқ бўлиши ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шулардан келиб чиқиб, суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, кучли руҳий ҳаяжонланиш

15 Рустамбоев М.Х. Шахсга қарши жиноятлар. – Тошкент.: 1998. 49–6.

16 Миллюков С.Ф. Криминология и профилактика преступлений: Учебник. – СПб., 1995. 44–с.

ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 98-моддаси) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлиши, жазо тайинлашда бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ушбу модданинг иккинчи қисмини *“Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш”*, деб тўлдиришни таклиф этамиз. Бундай оғирлаштирувчи ҳолатлар МДХ давлатларининг кўпгина жиноят қонунчилигида мавжуд. Жумладан, Озарбайжон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 122.2-қисмида, Арманистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси иккинчи қисми, Грузия давлати Жиноят кодекси 111-моддаси иккинчи қисми, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 98-моддаси иккинчи қисми, Қирғизистон Республикаси ЖКнинг 98-моддаси иккинчи қисми, Россия Федерацияси ЖКнинг 107-моддаси иккинчи қисми, Тожикистон Республикаси ЖКнинг

106-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, амалдаги нормалар ЖКнинг 8-моддаси, яъни одиллик принципига зид бўлиб, унда айбдор шахс томонидан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб бир шахсни қасддан ўлдирганлик ва қасддан баданга оғир шикаст етказганлик учун ҳам, икки ёки ундан ортиқ шахсни бир вақтда (ёки турли вақтларда бир йил давомида) зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан ҳаётдан маҳрум қилганлик ва қасддан баданига оғир шикаст етказганлик, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, бир шахсни қасддан ўлдирганлик ва баданга қасддан шикаст етказганлик учун ҳам, икки ёки ундан ортиқ шахсларни бир вақтда (ёки турли вақтларда бир йил давомида) баданига қасддан оғир шикаст етказганлиги учун ҳам жавобгарлик доираси бир хил ўрнатилган.

.....  
#  
\_\_\_\_\_



Уйгун НИГМАДЖАНОВ,  
Заместитель начальника  
Академии Генеральной прокуратуры,  
самостоятельный соискатель

## ПРЕСТУПНЫЕ АКТИВЫ: ВОЗВРАТ ИЛИ ВОССТАНОВЛЕНИЕ?

**АННОТАЦИЯ.** В настоящей статье рассматривается история формирования института восстановления активов, полученных преступных путем и существующая проблема в установлении определения понятий «возврат активов» и «восстановление активов».

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада жиноий йўл билан олинган активларни тиклаш институтининг шаклланиш тарихи ва “активларни қайтариш” ҳамда “активларни тиклаш” тушунчаларини ўрнатишда мавжуд муаммолар таҳлил қилинган.

**ABSTRACT.** This article discusses the history of the formation of the institution of recovery of assets obtained by criminal means and the existing problem in establishing the definition of the concepts of «the return of assets» and «recovery of assets»

**Ключевые слова:** возврат активов, восстановление активов.

**Калит сўзлар:** активларни қайтариш, активларни тиклаш.

**Key words:** return of assets, recovery of assets.

Одним из современных методов борьбы с преступностью, находящемся в постоянном развитии в течение последних десятилетий, является лишение преступников нажитого имущества и подрыв финансовой основы для дальнейшей криминальной деятельности. Инструментом этого выступает институт возвращения преступных активов.

Обзор национальной законодательной и институциональной основ Республики Узбекистан в этом вопросе показывает значительное отставание от общемировых тенденций развития института возврата преступных активов. Более того, наличие законодательной базы еще не означает успех процесса возвращения незаконно нажитых активов, выведенных или находящихся за пределами юрисдикции государств.

Так, согласно последнему совместному отчету инициативы StAR и ОЭСР в период между 2006 и 2012 годами в странах, входящих в ОЭСР, были заморожены активы на сумму около 2,6 млрд. долларов США, из них возвращено только 423,5 млн. долларов<sup>1</sup>.

Несмотря на актуальность указанного института в правоприменительной практике, пробелы в национальном законодательстве и значительные трудности в реальном обеспечении возврата активов в отечественной науке

исследованы слабо, отсутствуют научные основы и разработки по вопросам определения сущности и значения восстановления активов.

Изучение проведенных в Республике Узбекистан научных исследований в этой области за последние 15 лет показывает, что они в малой степени затрагивали те или иные элементы возврата активов, в основном делая это через призму противодействия легализации преступных доходов либо через международное сотрудничество в сфере уголовного судопроизводства. Специальные исследования вопроса возвращения активов не проводились.

В частности, Й.Ш.Нарзиев в своем исследовании, не касаясь вопроса возврата активов, частично отражает вопросы международного сотрудничества при расследовании дел этой категории, отслеживания электронных платежей, активов, изъятых из гражданского оборота и даже ограниченных, как не являющихся предметом легализации<sup>2</sup>. Возвращение активов упоминается им через призму 40-й рекомендации Группы разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег (ФАТФ).

Хотя автор и анализирует положения о международном сотрудничестве Конвенции ООН против коррупции, однако глава 5 Конвенции, посвященная международному сотрудничеству

1 См. StAR Annual Report 2019 // URL: <https://star.worldbank.org/sites/star/files/star-annual-2019-06-spreads.pdf>

2 Нарзиев Й.Ш. Жиноий даромадларни легаллаштиришга оид жиноятларни тергов қилиш. Дисс. на соискание ученой степени кандидата юридических наук: 12.00.09. – Тошкент, 2011 г. – С.6, 34-36, 133.

по возврату активов, не затронута<sup>3</sup>.

Отдельные аспекты процесса возврата активов изложены в исследованиях Ж.Неъматова<sup>4</sup> и И.Мирзараимова<sup>5</sup>, раскрывающих уголовно-правовые проблемы международного сотрудничества в борьбе с легализацией доходов, полученных от преступной деятельности, и уголовно-правовые и криминологические меры предупреждения отмыывания преступных доходов соответственно.

Полагаем, что подход, когда возврат активов рассматривается через призму противодействия легализации преступных доходов, безусловно, заслуживает внимания. Процесс возврата активов является частью глобальной системы противодействия отмыыванию незаконных доходов, в особенности, полученных в результате коррупции. Он возникает как реакция потерпевшей страны, активы которой были украдены коррумпированными чиновниками, отмыты и спрятаны за рубежом хранителями<sup>6</sup>.

В свою очередь, Д.Умарханова и Ф.Файзиев, исследовавшие вопросы международного сотрудничества и оказания правовой помощи по уголовным делам, в своих диссертационных работах отмечая в целом необходимость присоединения к европейским конвенциям<sup>7</sup>, факультативному протоколу к Типовому договору о взаимной помощи в области уголовного правосудия, касающемуся доходов от преступлений<sup>8</sup>, саму проблематику возврата преступных доходов не раскрывают.

Ни одна из изученных работ не отражает весь спектр вопросов, вытекающих из сложного и многогранного процесса восстановления активов, начиная от предупреждения использования финансовой системы для незаконного передвижения денежных средств, выявления, поиска и отслеживания активов, и заканчивая их конфискацией, признанием и исполнением судебных

решений, разделом между сотрудничающими странами и возвращением, а также вопросами взаимодействия при этом компетентных органов.

Что касается исследования института конфискации как важнейшей составляющей процесса возврата активов, то данный вопрос в республике последние 20 лет, после того как из Уголовного кодекса была исключена конфискация имущества как наказание<sup>9</sup>, также не изучался, несмотря на серьезные усилия по совершенствованию и повышению эффективности данного института во всем мире, включая внедрение расширенной конфискации, конфискации производных доходов, имущества третьих лиц, конфискации не основанной на осуждении, вещной конфискации (in rem)<sup>10</sup>.

Финансовые расследования как одно из эффективных средств в процессе возврата активов, признанных международным сообществом, в первую очередь ФАТФ, также остается открытой темой для глубокого изучения и анализа на предмет возможности внедрения в национальное законодательство и практику.

С другой стороны, как отмечает, Гилермо Хорхе Лукас Барейро (Guillermo Jorge Lucas E. Barreiros), хотя международное регулирование противодействия отмыыванию денег охватывает достаточно широкий спектр тем, многие из этих вопросов не являются непосредственно или близко связанными с усилиями по возврату активов. В этой связи он делает акцент именно на те международные стандарты противодействия отмыыванию доходов, которые наиболее тесно относятся к международному отслеживанию активов и их возврату, в том числе стандарты предупреждения и выявления переводов преступных активов, стандарты по принятию предварительных мер по аресту (замораживанию) и стандарты конфискации доходов от преступлений

3 Там же – С.6, 34-36, 133.

4 Неъматов Ж.А. Уголовно-правовые проблемы международного сотрудничества в борьбе с легализацией доходов, полученных от преступной деятельности. Дисс. на соискание ученой степени кандидата юридических наук: 12.00.08. – Ташкент, 2002 г.

5 Мирзараимов И.М. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштиришни олдини олишнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик чоралари. Дисс. на соискание ученой степени кандидата юридических наук: 12.00.08. – Ташкент, 2003 г.

6 Paku Utama. Gatekeepers, money laundering, and asset recovery: piercing the riddle. // Volume 2, Mei-Agustus 2011. – С.7

7 Умарханова Д.Ш. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми такомиллаштириш. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Ташкент, 2018 г.

8 Файзиев Ф.М. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи. Дисс. на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент, 2007 г. – С.27.

9 Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных наказаний» от 29 января 2001 года № 254-II // URL: <https://lex.uz/docs/59921>

10 См. например, ОЭСР. Конфискация орудий, средств, совершения и доходов от коррупционных преступлений в Восточной Европе и Центральной Азии. – 2018 г.



внутри страны и в трансграничных процессах<sup>11</sup>.

Схожую позицию имеют К.Лигетти и М.Симонато<sup>12</sup>, которые отмечают, что возврат активов в части таких элементов, как управление активами, их возвращение и распоряжение, выходит за рамки антиотмывочных стандартов.

Более того, возврат активов может иметь место еще до того, как преступные доходы были отмыты. Следовательно, несмотря на сходство или даже наложение концепций отмывания денег и восстановления активов, тем не менее между ними имеется и различие.

Необходимо отметить, что впервые термин «возвращение активов» на уровне международного права применен в Конвенции ООН против коррупции, принятой в 2003 году, и обозначившей им целую главу. Однако Конвенция лишь закрепляет его в качестве основополагающего принципа и регулирует различные его аспекты, однако не дает прямого определения<sup>13</sup>.

Как отмечает Радха Ивори<sup>14</sup>, возвращение активов в международном публичном праве является расплывчатой концепцией. Хотя «возвращение активов» (“the return of assets”) провозглашено фундаментальным принципом Конвенции ООН против коррупции, и восстановление активов (“asset recovery”) является целью конвенции и предметом целой главы, ни тот, ни другой термин не определен в КПК.

Принятая чуть ранее Конвенция ООН против транснациональной организованной преступности (п.2 ст.14) вводит концепцию возвращения конфискованных доходов или имущества запрашивающему государству (returning the confiscated proceeds of crime or property to the

requesting State) для компенсации ущерба или возвращения законным собственникам. Однако термин “восстановление активов”<sup>15</sup> появляется только в Конвенции ООН против коррупции.

Некоторые конвенции<sup>16</sup>, обязывающие государства криминализовать определенные деяния и оказывать друг другу правовую помощь в борьбе с ними, такой термин практически не применяют, хотя оперируют многими его составляющими.

Следует отметить, что в ходе подготовки проекта текста Конвенции ООН против коррупции и обсуждения терминологии предлагалось использовать различные варианты, в том числе «репатриация»<sup>17</sup>, «возвращение» (return), «распоряжение»<sup>18</sup>, а также «реституция»<sup>19</sup>. Более того, были сделаны попытки определить понятие «возвращение активов».

Например, делегацией Колумбии предложено определение «возвращение имущества» (в англ. тексте “recovery of assets”) как процедуры передачи всего имущества или активов, доходов или поступлений от них, полученных посредством совершения коррупционных деяний, охватываемых Конвенцией, из получившего их Государства-участника, в котором находятся данные активы, в затрагиваемое Государство-участник, даже если такое имущество было изменено, преобразовано или сокрыто, или передачи прав на них»<sup>20</sup>.

Или, делегацией Украины предложено дать определение «репатриации (в англ. тексте «return», а не «repatriation») средств в страну их происхождения» как возвращение финансовых или иных средств, имеющих материальную ценность, в государственный или негосударственный сектор той страны, откуда они были незаконно изъяты и

11 Asset Tracing & Recovery. The Fraud Net World Compendium. // Edited by Bernd H. Klose. Erich Schmidt Verlag GmbH & Co., Berlin – 2009. – p. 30.

12 Ligeti, Katalin, and Michele Simonato. Asset Recovery in the EU: Towards a Comprehensive Enforcement Model beyond Confiscation?; An Introduction. Chasing Criminal Money: Challenges and Perspectives on Asset Recovery in the EU. // Ed. Katalin Ligeti and Michele Simonato. Oxford: Hart Publishing. – 2017. – p. 4.

13 Конвенция ООН против коррупции от 31 октября 2003 года // URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

14 Corruption, asset recovery, and the protection of property in public international law: the human rights of bad guys. Radha Ivory. // Cambridge University Press. – 2014. – p. 22.

15 Имеется в виду термин «asset recovery». В английской версии текста Конвенции, на котором велась разработка проекта, используется термин “recovery” и “return”, тогда как в русском тексте они переведены как «возвращение».

М.М.Дайшутов “жиноят ҳуқуқи фанида бошқа қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, тавсифлашни мезонлари сифатида етказилган зарарнинг миқдори, айбнинг шакли, жиноий қилмишларнинг аниқ рўйхати. Аммо ушбу барча мезонлар ижтимоий хавфлиликни турли сифат ва миқдор кўрсаткичлари мажмуини назарда тутди”<sup>5</sup> деб қайд этади. Фикримизча, Жиноят кодексининг 15-моддасида келтирилган “ижтимоий хавфлилик даражаси” тушунчаси аниқ ўлчовга эга бўлмасдан, жиноятларни таснифлашда мазкур мезонни қўлламаслик мақсадга мувофиқ.

М.Ҳ.Рустамбоев “маълумки, қонун чиқарувчи ЖК 15-моддасидаги жиноятлар таснифини жазонинг меъёри билан боғлайди, чунки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси айнан

1 Назаренко Л.А. Понятие и значение классификации преступлений. Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований №12, 2015. Ст. 345.

2 Назаренко Л.А. Понятие и значение классификации преступлений. Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований №12, 2015. Ст. 347.

3 Жиноят ҳуқуқи дарслик/ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. 105-б.

4 М.М.Дайшутов. Вестник Московского университета МВД России №10/2013 й. 78-б.

5 М.М.Дайшутов. Вестник Московского университета МВД России №10/2013 й. 78-б.



санкцияда намоён бўлади”<sup>6</sup> деб қайд этган. Биз М.Ҳ.Рустамбоевнинг фикрига қўшилашимиз ҳамда жиноятни муайян тоифага таснифлашда санкция асосий мезон сифатида қайд этилиши лозим.

Д.Камалова ҳамда Н.Раҳимжоноваларнинг “Жиноятларни таснифлаш деганда, Жиноят кодекси Махсус қисми нормасининг санкциясида назарда тутилган жазо чорасининг муддати ва миқдорининг оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тоифаларга ажратиш тушунилади”<sup>7</sup> деб берган таърифлари диққатга сазовор.

М.М.Дайшутов “муайян жиноятлар тури учун намунавий санкциянинг чегараси конкрет жиноят таркиби санкцияси учун охириги чегара бўлиши керак. Бу ўз навбатида қонунчиликда таснифлаш ҳақидаги нормалар қурилишини анча соддалаштиради”<sup>8</sup> деб қайд этган. Фикримизча, бу ерда олим Жиноят кодекси умумий қисмидаги жиноятни таснифлашдаги санкция миқдори конкрет жиноят учун ҳам белгиланганда ушбу доирада бўлиши кераклигини қайд этган. Масалан, жиноят таснифида унча оғир бўлмаган жиноят қасддан содир этилиб, уч йилдан ортиқ, аммо беш йилдан кўп бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят деб қайд этилса, конкрет жиноят учун ҳам санкция чегараси шу доирада бўлиши керак. Агар жазо миқдори ушбу чегара доирасидан чиқилса, унда жиноятларни таснифлашга оид қоида нормаси бузилган бўлади. Мисол учун, муайян жиноят учун икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси санкцияда белгиланганда, муайян чегара доирасидан четга чиқилгани кўринади. Яъни минимал уч йиллик доира бу мисолда назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда, амалдаги Жиноят кодексида қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси барча ҳолларда ҳам санкция билан боғлиқ эмаслиги кўринади. Масалан, айбнинг эҳтиётсизлик орқасида содир этилаётган Жиноят кодексининг 266-моддасининг 3-қисми учун 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Гарчи мазкур жиноят учун 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси санкцияси назарда тутилган бўлсада, аммо Жиноят кодексининг 15-моддаси қоидаси бўйича ушбу жиноятни унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилган. Ушбу мисол эса ўз навбатида жиноятларни таснифлашдаги ижтимоий хавфлилик даражасига оид тушунчани қайта кўриб чиқишни ҳамда жиноятларни таснифлашга оид мезонларни такомиллаштиришни назарда тутди.

Фикримизча, жиноят учун санкциянинг оғир ёки енгил белгиланиши жиноятнинг объектив ва субъектив мезонларига боғлиқ. Масалан, Жиноят кодексида шахснинг ҳаёти жиноят қонуни нормалари билан ҳимоя қилинади. Қасддан одам ўлдириш ўта оғир жиноят бўлса, эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдириш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят. Ҳар икки ҳолатда ҳам оқибат ўлим. Аммо жиноятчи шахснинг айб шакли жиноят таснифига таъсир қилмоқда. Бошқа бир мисол, жиноят субъектига кўра биринчи марта Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган деб баҳоланса, худди шундай қилмишни ўта хавfli рецидивист содир этиши ўта оғир жиноят содир этилган деб жиноят таснифи бўйича баҳоланади. Юқоридаги икки мисол жиноятни таснифлашда жиноят таркибини субъектив белгилари сифатида ажратиш мумкин. Жиноят таркибини объектив белгилари жиноятнинг объекти ва объектив томонига кўра жиноят таснифига таъсири. Масалан, Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисми ўртача оғир жиноят бўлса, мазкур жиноят ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан ЖКнинг 104-моддасининг 2-қисми б банди ёки ўта шафқатсизлик билан ЖКнинг 104-моддасининг 2-қисми в) банди билан содир этилиши оғир жиноят сифатида таснифланади. Юқоридаги мисоллар жиноятни оғирлик даражасига кўра таснифлашда жиноят таркибини объектив ва субъектив мезонлар таъсир қилишини кўрдик.

Шу билан бир қаторда, ушбу белгилар фикримизча, барча ҳолларда ҳам қилмишни ижтимоий хавфлилигини оширмайди, балки шахснинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатади ва шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинланишини назарда тутди. Яъни, муайян бир қилмишни шахс биринчи марта содир этганда жазо енгилроқ бўлса, шу қилмишни ўта хавfli рецидивист содир этса жазо оғирроқ бўлади. Бундан ташқари қилмишнинг жиноят таснифи бўйича оғирлик даражаси ҳам ўзгаради. Шу ўринда қайд этиш лозимки, қилмишни ижтимоий хавфлиликга кўпроқ жиноятнинг объектив белгиси таъсир этади. Масалан, икки ёки ундан ортиқ шахсга зарар етказиш, вояга етмаган, ногирон ёки кекса ёшдаги шахсга зарар етказиш хавfliроқ ҳисобланади. Шу билан бир қаторда жиноятнинг объектив белгилари жиноят субъектига боғлиқ. Шу муносабат билан юқорида

6 М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи курси. 1 том. 2018 й.

7 Д.Камалова, Н.Раҳимжоннова. Ҳуқуқий тадқиқотлар. 3-махсус сон. 2020 й. 182-б.

8 М.М.Дайшутов. Вестник Московского университета МВД России №10/2013 й. 79-б.

қайд этганимиздек мазкур ҳолат субъектнинг хавфлилигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади” деб қайд этилган.

Юқорида қайд этганимиздек, жиноятларни таснифлашнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси аниқ ўлчов ёки баҳолашга эга эмас.

Қайд этиш лозимки, жиноят кодексидаги ҳар қандай айбли ижтимоий хавфли қилмиш жиноят. Демак, барча жиноят қилмиш сифатида ижтимоий хавфга эга. Аммо мана шу жиноятлар учун эса санкция ўрнатишда таъсир этувчи мезонлар мавжуд. Юқорида қайд этганимиздек, уларга жиноятнинг объектив ва субъектив мезонлари яъни объектив ва субъектив томон, субъекти ва объекти таъсир этади.

М.М.Дайшутов жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларни таснифлашни тоифалари сони бўйича оғирлик даражасига кўра турлича фикрлар мавжудлигини, масалан, М.И.Ковалев 3 поғонали таснифлашни, А.Б.Сахаров 5 поғонали таснифлашни таклиф этганлигини аммо энг мақбули 4 поғонали таснифлаш деб қайд этади<sup>9</sup>.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. Фикримизча, жиноятларни таснифлаш тушунчаси жиноятнинг объектив ва субъектив мезонлари асосида жиноятнинг санкциясида белгиланган жазо миқдори ва муддатига қараб тоифаларга бўлиш деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Д.Камалова ҳамда Н.Раҳимжоноваларнинг “жиноятларни таснифлашда энг оғир жазонинг муддати ва миқдоридан келиб чиқилиши мақсадга мувофиқ ва “энг оғир жазо сифатида”<sup>10</sup> деган қўшимчани киритилиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор. Биз ушбу фикрларга қўшиламыз ҳамда жиноятларни айрим тоифаларини

белгилашда энг оғир жазо тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, жиноятларни таснифлашда, яъни тоифаларга бўлишда жазонинг миқдори ва муддатига қараб 1-4 тоифадаги жиноятларга бўлиниши мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда бунда жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлаш жумласини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас ва жиноят таснифининг оғирлик даражаси жиноятнинг тоифасига қараб жазонинг муддати ёки миқдори билан белгиланади.

Яъни, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи тоифадаги жиноятлар.

Биринчи тоифадаги жиноятларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган ёки энг оғир жазо сифатида 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Иккинчи тоифадаги жиноятларга энг оғир жазо сифатида 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки мазкур жазога муқобил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Учинчи тоифадаги жиноятларга энг оғир жазо сифатида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки мазкур жазога муқобил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Тўртинчи тоифадаги жиноятларга 10 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Юқоридаги биз берган таснифда амалдаги жиноятларни таснифлашдаги ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноят каби тушунчалар қўлланмаган. Шу муносабат билан, Жиноят кодекси Умумий қисми ва Махсус қисми нормаларида юқоридаги жиноят таснифи қандай қўлланилишига оид савол бўлади. Мазкур ҳолатда янги тасниф бўйича ҳар бир тоифа олдида айбнинг шакли ҳам келтириб ўтилади. Масалан, амалдаги Жиноят кодексидаги “оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда” жумласини қасддан 3 ва 4 тоифадаги жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда деб қўлланилиши мумкин. Жиноятларни таснифлашдаги ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноят каби тушунчалар қўлламаслика асос фикримизча, бундай

9 М.М.Дайшутов. Вестник Московского университета МВД России №10/2013 й. 79-б.

10 Д.Камалова, Н.Раҳимжонова. Ҳуқуқий тадқиқотлар. 3-махсус сон. 2020 й. 183-б.



тушунчаларнинг аниқ мезони ва ўлчови йўқ. Масалан, Жиноят кодексининг 102-моддаси 2-қисмига асосан эҳтиётсизлик орқасида икки ва ундан ортиқ одам ўлдириш икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланса, Жиноят кодексининг 112-моддаси 2-қисмига асосан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Биринчи мисолда айб шакли эҳтиётсизлик, оқибат эса ўлим, иккинчи мисолда жиноят қасддан содир этилади, жабрланувчи ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитилади. Ҳар икки мисол ҳам Жиноят кодексининг 15-моддасига асосан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб топилади. Аммо ҳар икки мисолни моҳиятига қарасак, Жиноят кодексининг 15-моддасидаги қоида истикно этсак, фикримизча, ушбу жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар деб айта олмаймиз.

Амалдаги Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра 4 та таснифга бўлинган. Мазкур таснифлаш жиноят қонунчилиги нормаларини қўллашда бевосита таъсир қилади. Жиноятларни таснифлашга оид қоидаларнинг заруратини Жиноят кодексининг қуйидаги нормаларини қўллашда бевосита боғлиқ. Жумладан, ЖКнинг 34-моддаси рецидив жиноят тушунчасида, ЖКнинг 47-моддасига асосан хизмат бўйича чеклаш жазосини тайинлашда, ЖКнинг 50-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинламаслик ҳамда колония турини танлашда, ЖКнинг 54-моддасига асосан суд жазо тайинлашда, ЖКнинг 57-моддасига асосан енгилроқ турдаги жазони тайинлашда, ЖКнинг 59-моддасига асосан бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлашда, ЖКнинг 64-моддасига асосан, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишда, ЖКнинг 66-моддасига асосан айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда, ЖКнинг 66-1-моддасига асосан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишда, ЖКнинг 71-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда, ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилишда, ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан

илгари шартли озод қилишда, ЖКнинг 74-моддасига асосан жазони енгилроғи билан алмаштиришда, ЖКнинг 85-моддасига асосан вояга етмаганни озодликдан маҳрум қилишда, ЖКнинг 86-моддасига асосан вояга етмаганга жазо тайинлашда, ЖКнинг 87-моддасига асосан вояга етмаганни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда, ЖКнинг 89-моддасига асосан вояга етмаганни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда, ЖКнинг 90-моддасига асосан вояга етмаганга жазони енгилроғи билан алмаштиришда, шунингдек, ЖКнинг 139, 220, 221, 230, 230-1, 237, 238, 241-моддалари бўйича жавобгарликка тортишда жиноятлар таснифи аҳамиятга эга. Яъни юқоридаги нормаларни қўллаш бевосита жиноятларни оғирлик даражасига боғлиқ. Яъни жиноятлар таснифига оид қоидаларсиз ушбу нормаларни қўллаб бўлмайди.

Юқоридаги нормалардан ташқари, Жиноят кодексига жиноятларни объектив ва субъектив мезонлари кўра ҳам таснифлаш келтирилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ЖКнинг 58-моддасига асосан тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашга оид қоидалар а) ўта хавfli рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан; б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан; ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан; ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди. ЖКнинг 73-моддасига асосан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки ЖКнинг 74-моддасига асосан жазони енгилроғи билан алмаштириш а) умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга; б) ўта хавfli рецидивистга; в) уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчиларига; г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролларини, шундай қуролларни ишлаб чиқариш

учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Яъни ушбу нормаларда Жиноят кодексининг 15-моддасида келтирилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифланишига оид қоидалар келтирилмаган бўлиб, жиноятларни объектив ва субъектив мезонларига кўра содир этилган жиноятлар таснифи келтирилган деб айтишимиз мумкин.

Қайд этиш лозимки, Жиноят кодексининг Махсус қисми нормаларини объектив ва субъектив мезонлари жиноятни таснифлашга таъсир этади. Масалан, жиноятнинг субъектига кўра ўта хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этиш, субъектив томондан эса айб шаклига кўра қасддан

ёки эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар, объектига кўра ҳаётга, соғлиққа, мулкка ва бошқа ижтимоий муносабатларга қарши жиноятлар, объектив томондан ўта шафқатсизлик билан, қурол ишлатиб содир этилган бўлса, оммавий тартибсизликлар жараёнида ва бошқалар. Юқорида келтирилган жиноятнинг объектив ва субъектив мезонлари жиноятни оғирлик даражасига таъсир этади ҳамда жиноят санкциясида жазо миқдори ва муддатини белгилашда таъсир этади.

Жиноятларни таснифлаш институти эса Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисм нормаларини қўллашда муҳим аҳамият касб этиб, жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни такомиллаштириш шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

.....  
#  
.....



## ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ТЕРГОВНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАКТИК ЖИҲАТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада терговни режалаштириш, мақсадларни аниқлаш ва уларни амалга оширишни олдиндан белгиланган дастури орқали жиноятни очиш, тергов қилиш ва жиноят ишидаги объектив ҳақиқатни амалга ошириш усули ва жараёни сифатида таърифланган. Ҳамда амалиётдаги мураккабликлар, уларни бартараф этиш воситалари, терговни режалаштиришда инobatга олиниши лозим бўлган ҳолатлар, режалаштириш давомида мавжуд маълумотларни қўллаш тактикаси амалий мисоллар билан муҳокама қилинган. Қотиллик жинояти бўйича терговни режалаштириш тергов йўналишини ва уни амалга оширишнинг энг самарали воситаси эканлиги илмий-назарий асослар ва амалий (тергов) тажрибалари асосида ёритиб берилган.

**АННОТАЦИЯ.** В этой статье планирование расследования определяется как метод и процесс определения целей и установления объективной истины в уголовном деле посредством заранее определенной программы выявления, расследования и реализации преступлений. На практических примерах рассматриваются практические трудности, способы их преодоления, обстоятельства, которые необходимо учитывать при планировании расследования, тактика использования имеющейся информации при планировании. Тот факт, что планирование расследования убийства является направлением расследования и наиболее эффективным средством его осуществления, подчеркивается на основе научно-теоретических основ и практического (следственного) опыта.

**ABSTRACT.** In this article, investigative planning is defined as a method and process of identifying goals and realizing the objective truth in a criminal case through a pre-defined program of crime detection, investigation, and implementation. The complexities of the practice, the means of overcoming them, the circumstances that should be taken into account in the planning of the investigation, the tactics of using the available information during planning are discussed with practical examples. The fact that the planning of an investigation into the murder is the direction of the investigation and the most effective means of its implementation is highlighted on the basis of scientific-theoretical bases and practical (investigative) experience.

**Калит сўзлар:** терговни ташкил қилиш, режалаштириш, аниқланадиган ҳолатлар, бирламчи маълумотлар, динамик хусусият, тергов версиялари, ражалаштиришнинг таркибий элементи.

**Ключевые слова:** организация расследования, планирование, тематические исследования, первичные данные, динамический признак, версии расследования, компонент планирования.

**Key words:** investigation organization, planning, identifiable cases, primary data, dynamic feature, investigation versions, structural element of planning.

Одам ҳаётига суиқасд қилиш, уни ўлдириш жинояти жиноятлар орасида энг хавфли ва жамиятга ўта салбий таъсир қилувчи иллатлардан бири ҳисобланади. Чунки, бу жиноят оқибатида энг олий қадрият ҳисобланган инсон ҳаёти зарар кўради. Мазкур жиноятнинг ўзига хос томони шундаки, айрим жиноятлар вақт ўтиши билан ўз жиноий хусусиятларини йўқотиши, ҳаттоки ижтимоий фойдали ҳаракатга айланиши мумкиндир, аммо қотиллик жинояти ҳар қандай жамиятда барча даврда ҳам жазога сазоворлиги билан ажралиб турган.

Ҳар қандай жиноятни, шу жумладан қотиллик жиноятининг тергов сифати ҳам бевосита терговчи томонидан олиб бориладиган ташкилий асосларга боғлиқдир. Шунингдек, қотиллик жинояти бўйича терговни режалаштириш жуда муҳим ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, одам ўлдириш жинояти бўйича терговни ташкил этиш нима ва уни режалаштириш аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини эътиборга олиш лозим.

Терговни режалаштириш жиноятларни тергов қилишни ташкил этишнинг ажралмас бир қисмидир. В.Д.Зеленскийнинг фикрига кўра, “терговни ташкил этиш

унинг таркиби ва шу билан бирга фаолиятини қўллаб-қувватловчи қисмидир; терговни режалаштириш – эса, кучларни, тергов воситаларини танлаш, уларни макон ва вақт ичида тақсимлаш билан боғлиқ ақлий фаолиятдир”<sup>1</sup>.

Терговни режалаштириш – жиноятнинг барча ҳолатларини аниқлаш ва жиноятчиларни қонун талабларига биноан фош этиш учун ишнинг мазмуни ва тартибини белгилаш билан боғлиқ вақт ва куч сарфлашдан иборат фикрлаш жараёнидир<sup>2</sup>.

С.И.Грицаевнинг сўзларига кўра, режалаштириш – бу “кўзланган мақсадларга эришиш учун маблағларни, вақт ва кучларни энг самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, зарур бўлганда қўшимча ресурсларни жалб қилиш орқали эришишнинг мақбул йўлларини аниқлаш функцияларини бажарадиган терговни ташкил этиш усулидир”<sup>3</sup>.

Терговни режалаштириш бўйича кўплаб назариётчи олимлар турлича фикр билдиришган. Уларнинг режалаштиришга берган таърифлари у ёки бу хусусияти нуқтаи назаридан муҳим ва уларни инкор қилиб бўлмайди. Терговни режалаштириш амалиётига таъриф бериш муайян вақт, макон, вазиятга қараб турлича бўлиши мумкин. Биз юқориди

1 Зеленский, В. Д. Основные положения расследования преступления: монография. Краснодар, Куб-ГАУ. 2012. – 51 с.

2 Лаврухин, С. В. Роль криминалистических характеристик и следственных ситуаций в расследовании умышленных убийств / С.В. Лаврухин. - Саратов, 1982. - 24 с.

3 Грицаев, С. И. Организационные функции следователя: криминалистический аспект: монография. Краснодар, Куб-ГАУ 2016. – 20 с.

келтирган олимларнинг таърифларига қўшилган ҳолда режалаштиришни қуйидагича тавсифлаймиз:

Терговни режалаштириш – мақсадларни аниқлаш ва уларни амалга оширишни олдиндан белгиланган дастури (алгоритми) ни тузиш орқали жиноятни очиш, тергов қилиш ва жиноят ишидаги объектив ҳақиқатни амалга ошириш усули ва жараёни сифатида таърифланиши мумкин, бу эса тўғри йўналишни аниқлашга имкон бериб, тергов ва уни амалга оширишнинг энг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Барча ҳолатларда ишнинг кейинги ривожланиши терговнинг тўғри режалаштирилганига боғлиқ бўлади. Фақатгина терговнинг ўзига хос ҳолатлари билан боғлиқ бўлган тажриба, билим ва сезги бизга ҳақиқатан ҳам фойдали режалар тузишга имкон беради. Лекин, амалиётда терговнинг дастлабки босқичида мукамал бўлмаган ёки умуман мавжуд бўлмаган, яъни режаларсиз ишлашга тўғри келади. Албатта, бу терговчининг касбий маҳорати ва қобилияти билан изоҳланади. Тажрибали терговчиларнинг дастлаб батафсил тузилган режаларсиз ишлаш қобилияти қуйидагиларга боғлиқ:

ўзгарувчан вазият шароитларига қараб тезкор режаларни тузиш қобилияти;

ҳодисани турли тафсилотлари билан қайта тиклашга, унинг кейинги ривожланишини тахмин қилишга имкон берадиган кучли тасаввур;

манбаларни бирлаштира олиш қобилияти, катта ижодий энергия ва сезги.

Амалиёт шуни кўрсатадики, агар терговчи нарсаларнинг объектив муносабатларини, ақлий важларни ҳисобга олмаса, агар унинг ҳаракатлари беҳуда, самарасиз, ўжарлик, номувофиқлик асосида белгиланадиган бўлса, ёки лаганбардор бўлса, табиий равишда терговда қўпол хатоларга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда, терговчи оқилона режага эга бўлиши, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, уни қатъият билан амалга ошириши керак. Терговчининг билиш фаолиятидаги якуний бўғини – бу далилларнинг ишончилигини баҳолаш, далиллар жамининг изчиллигини белгилаш, ишнинг фактик томони маълумотларини танқидий таҳлил қилишдир. Бироқ, терговчи гуруҳнинг айрим аъзолари (тезкор ходим, мутахассис ва ҳ.к.) нинг танқидий фикрлашига қаршилик қилмаслиги керак. Терговчиларнинг ҳар бири бажарадиган иш қисми ёки тергов йўналиши бўйича гуруҳ раҳбарига маълумотлар бериб туради ва гуруҳ раҳбари томонидан белгиланган муддатлар ичида ўз вазифаларини адо этади<sup>4</sup>. Қарор қабул қилишдан олдин бетараф позицияга риоя қилиши тавсия этилади, бунда ижобий ва салбий бўлган томонларни тенг равишда тан олиши лозим. Чунки бу нарса терговни режалаштириш учун муҳим бўлган турли таркибий элементларнинг амалга оширилмай қолиши, режага киритилмаслик ва бошқа шу каби камчиликлар йўл қўйишдан сақлайди.

Терговни режалаштириш таркибидаги асосий элементлар:

версияни илгари суриш;  
терговнинг умумий стратегиясини аниқлаш;  
тергов ҳаракатлари тизимини ва унга алоқадор шахсларни белгилаш;

алоҳида тергов ҳаракатларининг тактик хусусиятлари ва тактик усулларини аниқлаш;

тергов натижаларига танқидий баҳо бериш.

Ҳар қандай жиноят, шу жумладан қотиллик бўйича терговни режалаштириш процессуал қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган умумий тергов мақсадлари ва тергов усуллари ҳамда тактикасига оид криминалистиканинг илмий ишлаб чиқилган қоидаларига асосланади. Шунинг учун режалаштириш ҳақиқатни ва тергов қилинаётган жиноятни содир этган шахсни аниқлаш масаласини ҳал қилишга имкон берадиган тергов кўламини таъминлаши керак.

Шунга кўра, терговни режалаштиришда терговчи қандай ҳодиса юз берганлигини, ундан ким ҳамда қандай зарар кўрганлигини, ҳодисада қандай жиноят аломатлари борлигини аниқлаб олиши лозим. Бундан ташқари, жиноят содир этилган жой ва яширилган жойлар, жиноят содир этилган вақт, санаси ёки муддатларини белгилаш ҳамда унинг содир этиш ва яшириш усулини белгилаш каби масалалар ҳам аниқланиши лозим. Юқоридаги барча ҳолатларнинг аниқланиши содир этилган жиноятнинг объекти ва объектив томонини тўлиқ ва ҳар томонлама текширишга имкон беради. Шунинг учун тергов режаси тузилаётганда унга жиноятни содир этган шахс ва унинг шерикларини аниқлаш бўйича яъни жиноятчи шахсига оид барча масалалар ҳамда унинг шерикларини тавсифловчи маълумотлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар киритилиши керак. Шунингдек, терговни режалаштириш учун жиноятнинг қандай восита ва қуролдан фойдаланилганлиги, ҳодиса сабаблари ва жиноятнинг ҳар қандай моддий таркибида юзага келадиган зарарли оқибатлар билан сабабий боғланиш (яъни объектив томоннинг белгилари), айбнинг шакли, қасд йўналиши, жиноятнинг мақсади ва мотиви (яъни субъектив томоннинг белгилари) ҳамда унинг содир бўлишига имкон берган сабаблар ва шароитларнинг аниқланган бўлиши жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Амалиётда терговчи терговнинг дастлабки босқичида фақат минимал бирламчи маълумотларга эга бўлади, яъни ишнинг барча муҳим ҳолатлари, мавжуд фактлар ва изларнинг мавжудлиги аниқлаш учун етарли маълумотлар бўлмайди. Шундай вазиятда, тергов қилинаётган ҳодиса юзасидан ҳар хил амалий тахминий талқинларни беришга имконият юзага келади, яъни унинг содир бўлганлиги тўғрисида турли хил версиялар илгари сурилади. Масалан, одам мурдасининг скелетлари топилиши қотиллик, табиий ўлим ёки бахтсиз ҳодиса натижасида ўлим версияларини илгари суришга имкон беради. Тузилган версиялар терговни режалаштиришга асос бўлади. Фақат бунда қотиллик жиноятини тергов қилишда терговни режалаштиришнинг аҳамиятини аниқлаб олиш лозим. Шундай қилиб, қотиллик бўйича терговни режалаштириш босқичида қуйидаги вазифалари асосан ҳал этилади.

қотиллик содир этилган жой, ўлим вақти, жиноят содир этилган вақт оралиғи, уни амалга ошириш усуллари ва бошқа ҳолатлар аниқланади;

жабрланувчи ва гувоҳлар аниқланиб, уларнинг шахсига ҳамда ҳолатларга ойдинлик киритилади.

исботланиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхати аниқланади;

4 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир проф. Ғ. Абдумажидов – Тошкент: ТДҶИ, 2008. – б. 225



Ушбу вазифаларнинг барчаси, шубҳасиз, ўзаро боғлиқдир. Уларни ҳал қилиш учун терговчи фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган барча ҳодисалар рўйхатини шакллантириши керак. Режалаштириш вазиятга боғлиқ, чунки ҳар бир жиноят, баъзи типик хусусиятларни ҳисобга олмаган ҳолда индивидуалдир. Бундан ташқари, маълум бир тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида кутилмаган саволлар пайдо бўлади, улар кейинги ҳаракатларга сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу назария Г.М.Меретуков ва А.С.Найденовларнинг фикрлари билан ҳам тасдиқланган<sup>5</sup>: “Масалан, тинтув пайтида топилган нарса ва ҳужжатлар бир вақтнинг ўзида тезкор-қидирув ёки бошқа тергов ҳаракатига ёки улар ўтказилаётган жойнинг тегишли хавфсизлигига ёхуд тезкор-қидирув тадбири ўтказилиши лозимлиги, тергов ҳаракатида мутахассиснинг иштирок этиши лозим кабиларга таъсир қилади”.

Қотиллик жиноятларини тергов қилишда терговни режалаштиришнинг мураккаблиги шундаки, унда ҳаракатларни мувофиқлаштириш нафақат терговчидан, балки процеснинг бошқа иштирокчиларидан ҳам талаб қилинади. Жиноят иши бўйича терговни режалаштириш самарадорлиги, аввало, учта асосий принципга риоя қилиш билан таъминланади: ўзгарувчанлик, индивидуаллик, аниқлик.

Ўзгарувчанлик тамойили тузилган режанинг якуний эмаслигини англатади, чунки унинг ўзгариши ва қўшимчалар қўшилиши имконияти ва зарурияти олдиндан назарда тутилган. Одатда, қотиллик фактлари бўйича кўзғатилган жиноят ишлари кўплаб эпизодлардан иборат бўлиб, тергов давомида ҳар бир эпизод бўйича катта миқдордаги маълумотлар олинади. Шунинг учун тергов режаси янги олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда доимий равишда янгиланиши керак.

Тергов режаси маълум бир шаблонга солиниши мумкин эмас. Айти шу нарса индивидуаллик принципнинг намоён бўлишидир.

Аниқлик принципи шуни англатадики, режада жиноят содир бўлганлиги ва уни содир этган шахслар билан боғлиқ барча мумкин бўлган версиялар белгиланиши, уларни текшириш бўйича аниқ вазифалар ва зарур тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув ва бошқа чора-тадбирлар аниқ белгиланиши лозим.

И.П.Можаева “терговчи фаолияти самарадорлиги унинг ташкилий қоидаларга қай даражада мос келиши билан белгиланади<sup>6</sup>”, деб ҳисоблайди.

Терговни режалаштириш дастлабки, кейинги ва якуний каби босқичларга ажратилиши мумкин. Ҳар бир босқични режалаштириш дастлабки маълумотларнинг мазмуни ва ҳажми ҳамда бажарилиши керак бўлган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Шубҳасиз, терговнинг дастлабки босқичида ҳар

доим терговни режалаштириш зарурати туғилади. Бунда терговчининг қуйидаги асосий ташкилий вазифалари мавжуд, жумладан:

бир нечта тергов версияларини илгари суриш;  
аниқланиши лозим бўлган масалалар доирасини белгилаш;

жараённи бир неча босқичларга ажратиш: дастлабки, кейинги, якуний.

Терговнинг ҳар бир босқичида қуйидагилар тузилиши мумкин: алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш режаси, илгари сурилган тергов версияларини текшириш режаси ва шу каби баъзи элементлардан иборат бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва текшириш;  
версияларни илгари суриш;

мақсадларни белгилаш ва тергов доирасини аниқлаш;  
вазифаларни ҳал қилиш йўллари ва усулларини аниқлаш;  
терговнинг ёзма режасини тузиш.

Шуни ёдда тутиш керакки, терговнинг дастлабки босқичида тергов версияларини текшириш учун сўроқ қилиниши керак бўлган гувоҳлар доирасини аниқлаш мақсадида бир вақтнинг ўзида тергов ҳаракатларини ўтказиш муҳимдир; гумон қилинувчиларни аниқлаш, уларни ушлаб туриш, эҳтиёт чораларини танлаш ва ҳ.к.

Юқорида айтилганларнинг барчаси қотиллик жиноятларини тергов қилишда режалаштиришни анчагина динамик эканлигидан далолат беради. Вазият ўзгарганлиги сабабли режани исталган вақтда ўзгартириш мумкин. Бироқ, бу режалаштириш мантиқсиз ёки маъносиз дегани эмас, аксинча режани бажариш жараёнидан унга тўғри йўналишда тузатишлар киритилиши мумкин ва шундагина мақсадга эришиш имконияти ошади.

Режалаштиришни амалга оширишда кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар жуда муҳим бўлиб туйилади, улар биринчи навбатда зарур маълумотларни йўқотиш хавфи юзага келганда (гумон қилинувчиларни қўлга олиш, ҳодиса жойини кўздан кечириш, гумон қилинувчиларнинг яшаш жойини аниқлаш ва ҳ.к.) олиб борилиши керак. Агар тергов ҳаракатларини кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, унда энг муҳими ашёвий далилларни топиш ва олиб қўйиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш - бу терговчи фаолиятини соддалаштиришга қаратилган ва жиноятларни тергов фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тўпламини бирлаштирган илмий регламент тизимидир.

Режалаштиришнинг аҳамияти шундаки, энг самарали натижага эришиш учун жиноятни тергов қилишда қўлланиладиган барча ресурслардан оқилона фойдаланишдир.

#

5 Меретуков, Г. М., Найденов А. С. Организация планирования расследования убийств // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2018. № 6. 15 с.

6 Можаева, И. П. Организационные основы как средство интенсификации деятельности следователя: Проблемы современного состояния и пути развития органов предварительного следствия / И. П. Можаева, В. В. Степанов // Материалы Всероссийской научно-практической конференции 28-29 мая 2010 г. М.: Академия управления МВД России, 2010. Ч. 1. с.10

Муҳаммад ТОШОВ,  
Бош прокуратура Академияси бўлим бошлиғи

# “МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ”, “МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ”, “ИШДАН БЎШАТИШ” ВА “ИШДАН ОЗОД ҚИЛИШ” ТУШУНЧАЛАРИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада муаллиф томонидан миллий қонунчилик ва илмий адабиётларнинг таҳлили натижасида “меҳнат шартномасининг бекор бўлиши”, “меҳнат шартномасини бекор қилиш”, “ишдан бўшатиш” ва “ишдан озод қилиш” тушунчалари ўртасидаги ўзаро нисбат масалалари муҳокама қилинган. Мазкур тушунчалар бир қарашда бир хил маънони, яъни меҳнат муносабатлари тугатилганлигини англатсада, аслида меҳнат ҳуқуқи назариясида ушбу тушунчаларнинг ҳар бирининг ўз ўрни, юридик маъноси ва ҳуқуқий мақсади мавжуд.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье автором рассмотрены вопросы соотношения понятий “прекращение трудового договора”, “расторжение трудового договора”, “увольнение” и “высвобождения” в результате анализа национального законодательства и научной литературы. Хотя эти понятия на первый взгляд означают одно и то же, то есть прекращение трудовых отношений, на самом деле в теории трудового права каждое из этих понятий имеет свое место, юридический смысл и юридическое назначение.

**ABSTRACT.** In this article, the author considers the issues of the correlation of the concepts of «cancellation of an employment contract», «termination of an employment contract», «dismissal» and «release» as a result of the analysis of national legislation and scientific literature. Although these concepts at first glance mean the same thing, that is, the termination of labor relations, in fact, in the theory of labor law, each of these concepts has its own place, legal meaning and legal purpose.

**Калит сўзлар:** меҳнат шартномасининг бекор бўлиши, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ишдан бўшатиш, ишдан озод қилиш, юридик фактлар, юридик ҳодисалар, юридик ҳаракатлар.

**Ключевые слова:** прекращения трудового договора, расторжение трудового договора, увольнение, высвобождения, юридические факты, юридические события, юридические действия.

**Key words:** cancellation of an employment contract, termination of an employment contract, dismissal, releases, legal facts, legal events, legal actions.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахсининг меҳнат қилиш, адолатлимеҳнатшароитларидаишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари устувор меҳнат-ҳуқуқий принцип сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқароларнинг ушбу конституциявий ҳуқуқлари бир қанча меҳнат-ҳуқуқий механизмлар воситасида амалга оширилиши таъминланади. Меҳнат шартномасининг тузилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши билан боғлиқ муносабатлар мазкур меҳнат-ҳуқуқий механизмлар орасида марказий ўринни эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқининг таъминланиши нафақат меҳнат шартномасини тузиш ёки ўзгартириш ҳамда шу асосда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш орқали, балки қонунчиликда меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибини аниқ ва тўлиқ тарзда ҳуқуқий тартибга солиш билан ҳам кафолатланади. Бу ўринда меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиб ва тамойилларининг аниқ

белгилаб қўйилиши, бир томондан, меҳнат фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи ходимлар билан меҳнат муносабатлари асоссиз равишда тугатилишига қарши ҳуқуқий ҳимоя воситаси бўлса, иккинчи томондан, ўз ташаббусига кўра ишдан бўшамоқчи бўлган ходимларга нисбатан меҳнат қилиш мажбурият эмас, балки ҳуқуқ эканлиги ҳақидаги конституциявий норманинг амалга оширилишини таъминловчи механизм ҳисобланади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 1963 йилги тавсиялари ва “Тадбиркор ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида”ги 1982 йил 22 июндаги Конвенцияда меҳнат шартномаси бекор қилинишига доир халқаро-ҳуқуқий таомиллар белгилаб қўйилган.

Дастлаб, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тушунчасига тўхталиб ўтсак. Меҳнат муносабатлари бекор бўлишини тавсифлашда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг давлат тилидаги матнида “**меҳнат шартномасини**



**бекор қилиш”, “ишдан бўшатиш”, “ишдан озод қилиш”** тушунчаларидан, рус тилидаги матнида **“прекращение трудового договора”, “высвобождения”** тушунчаларидан фойдаланилган.

Эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг ўзбек ва рус тилларидаги матнларида қўлланилган ушбу тушунчалар мазмунан бир-бирига яқин бўлсада, айнан бир маънони англатмайди. Яъни ўзбек тилидаги матнда қўлланилган “меҳнат шартномасини бекор қилиш” атамаси рус тилида “расторжения трудового договора” таржима қилинса, рус тилидаги матнда қўлланилган “прекращение трудового договора” атамаси ўзбек тилида “меҳнат шартномасининг бекор бўлиши” деб таржима қилинади.

Меҳнат ҳуқуқи назариясида юқорида санаб ўтилган тушунчалар бўйича олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд бўлсада, ушбу фикрлар деярли яхлит умумийликка эга. Қуйида ушбу тушунчаларнинг мазмунан таҳлил қиламиз.

1979 йилда чоп этилган Меҳнат ҳуқуқи бўйича энциклопедик ахборотномада меҳнат шартномасига нисбатан бекор бўлиш (прекращение) тушунчасини қўллаш унинг барча асосларга кўра тугатилишини англатиши қайд этилган. Шунингдек, меҳнат шартномасининг бекор бўлиши (прекращение) тушунчаси ходимнинг вафоти муносабати билан меҳнат шартномаси тугатилишини қамраб олмайдиган “ишдан бўшатиш” тушунчаси, шунингдек ходим ёки иш берувчи ёхуд касабани уюшмаси ташаббуси билан меҳнат шартномаси тугатилишини англатадиган “меҳнат шартномасини бекор қилиш” тушунчаларидан кўра кенг қамровли эканлиги кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, “меҳнат шартномасининг бекор бўлиши” ва “меҳнат шартномасини бекор қилиш” тушунчаларига бу каби ёндашув бугунги кунда ҳам аксарият МДХ давлатлари меҳнат қонунчилигида сақланиб қолган.

Мазкур тушунчалар рус олими Г.А.Агафонова томонидан ҳам чуқур илмий таҳлил қилинган. Хусусан, олим томонидан “меҳнат шартномасининг бекор бўлиши” деганда бир томондан меҳнат шартномасининг бекор бўлиши асосларини ифода этувчи ҳуқуқий категория тушунилса, бошқа томондан меҳнат шартномаси иккала тарафларининг истаги билан ёки тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат муносабатларининг тамом бўлиши билан боғлиқ юридик факт тушурилиши, шунингдек “меҳнат шартномасини бекор қилиш” деганда меҳнат муносабатларини бир тарафнинг, иш берувчи ёки ходимнинг хоҳишига кўра бекор қилиниши, “бўшатиш” эса меҳнат шартномасини “бекор бўлиши” ва “бекор қилиниши”нинг ҳуқуқий оқибати эканлиги таъкидланган.

Рус олими А.Я.Петров фикрича, “меҳнат шартномасининг бекор бўлиши” кенг тушунча бўлиб, ўз ичига бекор бўлишнинг барча асосларини қамраб олади, “меҳнат шартномасини бекор қилиш” атамаси эса уни ходим ёки иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш ёхуд томонлар келишувига асосан бекор бўлишини англатади ҳамда “бўшатиш” меҳнат шартномасига эмас, балки ходимга тааллуқли бўлиб, шартноманинг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади.

И.А.Костян меҳнат шартномасини “бекор қилиш”ни меҳнат шартномасининг “бекор бўлиши” тушунчасининг амалдаги алоҳида бир кўриниши сифатида баҳолаб, “бекор қилиш” томонлардан бирининг ёки иккаласининг ҳам хоҳишига боғлиқ бўлса, меҳнат шартномасининг “бекор бўлиши” унинг томонлари хоҳиш-иродаси билан ҳамда ходим ёки иш берувчи ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ҳам амалга оширилишини таъкидлайди.

А.М.Куренной меҳнат шартномасининг “бекор бўлиши”га умумий категория сифатида қараб, меҳнат шартномасининг барча асосларга кўра бекор бўлишини, “бекор қилиш” эса тарафлардан бирининг ташаббуси билан амалга оширилишини, “бўшатиш” эса меҳнат шартномасини бўлиши жараёнини аниқлаштирувчи тушунча эканлигини таъкидлайди.

2009 йилда чоп этилган “Права работодателей в трудовых отношениях” нашрида “бекор бўлиш”, “бекор қилиш” ёки “бўшатиш” атамаларидан қайси бири қўлланилишидан қатъи назар, улар меҳнат шартномаси тугатилишини англатиши таъкидланган. Шунга кўра, ушбу атамалар синоним сифатида қабул ыилиниши мумкин бўлганлиги учун “меҳнат шартномасининг бекор бўлиши” тушунчасидан воз кечган ҳолда фақатгина “меҳнат шартномасини бекор қилиш” атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилади.

Ҳуқуқшунос олим А.А.Иноятовнинг фикрига кўра, “меҳнат шартномасини бекор қилиш” кенг тушунча бўлиб, у аввало меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг тугатилишини билдиради. Одатда, бундай муносабатлар ижтимоий ҳаётда юзага келган турли ҳолатлар туфайли бекор қилинади ва улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари деб аталади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тушунчасининг мазмуни барча ҳолатларни, шу жумладан, ходимнинг вафоти муносабати билан унинг бекор қилинишини ҳам ўз ичига қамраб олади”.

Ҳуқуқшунос олимлар М.Ю.Гасанов ва Е.А.Соколовлар эса меҳнатга оид муносабатларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ тушунчаларни илгари амалда бўлган қонунчилик билан қиёслаган ҳолда фикр юритиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “илгари амал қилган МҚК меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинишини ифодалаш учун: “меҳнат шартномасини бекор қилиш”, “меҳнат шартномасини тўхтатиш”

ва “ходимни бўшатиш” сингари атамалардан фойдаланарди. “Меҳнат шартномасини бекор қилиш” энг кенг тушунча эди. У меҳнат шартномасини бекор қилишнинг барча ҳолларини, шу жумладан ходимнинг вафоти муносабати билан бекор қилишни ҳам қамраб оларди. “Бўшатиш” атамаси, фақат ходимнинг вафоти туфайли меҳнатга оид муносабатларнинг тугашини истисно қилганда, амалда “меҳнат шартномасини бекор қилиш” билан мос тушарди. Меҳнат шартномасининг тугаши ишдан бўшатишнинг бир тури сифатида қараб чиқилар, у фақат шартноманинг ходим, иш берувчи ёхуд касаба уюшмаси органи ташаббуси бўйича бекор қилинишини ўз ичига оларди. Меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинишини ифодалаш учун турли атамалардан фойдаланилиш амалиётда чалкашликларга, уларнинг нотўғри қўлланилишига олиб келарди. Буни ҳисобга олиб, Меҳнат кодекси меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинишини ифодалаш учун фақат бир атама – “меҳнат шартномасини бекор қилиш”ни қўллади.

Россиялик ҳуқуқшунос олимлар М.Ю.Тихомиров ва Л.В.Тихомироваларнинг бу борадаги фикрлари эса қуйидагича: “меҳнат шартномасининг бекор бўлиши” тушунчаси ўз мазмунига кўра “меҳнат шартномасининг бекор қилиниши” тушунчасига нисбатан анча кенг бўлиб, мазкур ҳолатда ушбу тушунча кодекс ва бошқа федерал қонунлар, бир қатор ҳолларда эса меҳнат шартномаси шартнома тугатилиши асоси сифатида назарда тутган ҳар қандай ҳолатлар муносабати билан меҳнат шартномаси амал қилишининг тамомланганлигини билдиради”.

Юқоридақайдэтилган фикр-мулоҳазалартаҳлили, яъни меҳнат шартномасининг “бекор бўлиши” ва “бекор қилиниши” тушунчаларини аниқлаштириб олиш меҳнат-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва барҳам топтирувчи юридик фактлар муаммолари билан боғлиқлигини кўрсатади.

“Юридик факт” категориясининг шаклланиши рим ҳуқуқини унинг кейинги тадқиқотчилари томонидан қайта ишланиши, қайта мушоҳада қилиниши ва тизимли баён этилиши муносабати билан содир бўлган. Рим юристлари юридик факт тушунчасини шакллантирмаган. Бу вазифани немис ҳуқуқшуноси Фридрих Карл фон Савиньи амалга оширган. Тарихий ҳуқуқ мактабининг асосчиларидан бири бўлган Савиньи ўзининг “Ҳозирги замон рим ҳуқуқи тизими” (1840 й.) номли китобида “Мен ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган ва уларни тугатишга олиб келадиган ҳодисаларни юридик фактлар деб атайман” деб кўрсатган.

Ҳуқуқ назариясидан маълумки, ҳуқуқий муносабатлар юридик нормалар асосида келиб чиқади.

Бироқ ҳуқуқий нормалар ўз-ўзидан, бевосита ҳуқуқий муносабатларни пайдо қилмайди. Нормалар фақатгина ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шартларини, ҳолатларини ва мезонларини белгилаб беради ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг мавжуд бўлиши юридик фактлар деб аталувчи муайян ҳаётий ҳодисалар билан боғлиқ. Юридик фактлар ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий шarti, конкрет талаби сифатида майдонга чиқади. Демак, юридик фактлар — ҳуқуқий нормалар асосида ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва барҳам топтирувчи ҳаётий ҳодисалардир.

Юридик фактлар иродани ифодалашга қараб, икки асосий гуруҳга: юридик ҳодисалар ва юридик ҳаракатларга бўлинади.

Ҳодисалар — табиат ва жамиятдаги шундай фактларки, уларнинг юз бериши кишиларнинг эрку иродасига, онгига ва эҳтиёжига боғлиқ эмас. Мазкур ҳодисалар ҳуқуқ билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларга муайян таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан улар юридик фактлар деб тан олинади.

Ҳаракатлар — ҳуқуқий муносабат иштирокчилар иродаси билан боғлиқ фактлар.

Рус олими А.З.Долова меҳнат шартномаси бекор бўлиши асосларини хоҳиш-иродага асосланган юридик фактлар ва тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган юридик фактларга ажратган.

Эътибор қаратадиган бўлсак, “бекор бўлиш” тушунчаси ўз ичига ҳодиса ва ҳаракат билан боғлиқ юридик фактларни қамраб олса, “бекор қилиш” тушунчаси меҳнат-ҳуқуқий муносабатнинг муайян субъекти томонидан амалга ошириладиган ҳаракат ҳисобланадиган юридик фактларни англатади. Яъни “меҳнат шартномасини бекор қилиш” ёки “меҳнат шартномасининг тугатилиши” тушунчаларида тил нуқтаи назаридан шартноманинг муайян тарафи томонидан амалга оширилган ҳаракатлар эвазига бекор қилиниши ёки тугатилиши (“ким томонидандир бекор қилиш ёки тугатиш”) ҳақидаги маъно англашилади ҳамда ходимнинг вафоти муносабати билан меҳнат шартномасининг бекор бўлиши ушбу тушунча билан қамраб олинмайди.

Қонун чиқарувчининг шу каби позициясини биз Фуқаролик кодексининг 141 ва 823-моддаларида кўришимиз мумкин. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 141-моддасида ишончнома бекор бўлиши ҳоллари белгиланган бўлиб, ушбу моддада муддатнинг тамом бўлиши, ишончнома берган шахнинг уни бекор қилиши ва бошқа ҳоллар санаб ўтилган.

Ёки “Топшириқ шартномасининг бекор бўлиши” деб номланадиган Фуқаролик кодексининг 823-моддасида топшириқ шартномаси топшириқ берувчи топшириқни бекор қилиши, вакил



топшириқдан бош тортиши, топшириқ берувчининг ёки вакилнинг вафот этиши, улардан бирининг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши натижасида тўхтатилиши кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “меҳнат шартномасининг бекор бўлиши” деганда унинг ҳам юридик ҳодиса, ҳам юридик ҳаракатлар бўлган юридик фактлар натижасида меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар тугатилиши, “меҳнат шартномасини бекор қилиш” деганда эса юридик ҳаракатлар бўлган юридик фактлар натижасида меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар тугатилиши тушунилади деган хулосага келиш мумкин.

9 Минимальные стандартные правила ООН, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила). Приняты резолюцией 40/33 Генеральной Ассамблеи от 29 ноября 1985 года [https://www.un.org/ru/...beijing\\_rules](https://www.un.org/ru/...beijing_rules).

10 Правила Организации Объединенных Наций, касающиеся защиты несовершеннолетних, лишенных свободы. Приняты резолю-

в отношении действий в интересах детей в системе уголовного правосудия 1997 г.<sup>11</sup>.

Эти международно-правовые акты можно считать основным источником международных стандартов правосудия в отношении несовершеннолетних.

Полагаем необходимым уточнить, что сам по себе факт наличия международных стандартов не означает их прямого распространения на территорию отдельного государства, как это предполагает ряд ученых (в частности, С.М.Ягофаров<sup>12</sup>, Л.В.Павлова<sup>13</sup>. Нам представляется более отвечающей понятию государственного суверенитета точка зрения таких исследователей, как О.И.Тиунов<sup>14</sup>, В.Д.Зорькин<sup>15</sup>, С.А.Авакьян<sup>16</sup>, О.Е.Кутафин<sup>17</sup> и др., которые отмечают, что договорная или обычная норма международного права приобретает характер общепризнанной только при условии согласия государства как суверенного участника международных отношений и основного субъекта международного права с данной нормой и признания ее для себя юридически обязательной.

Отметим при этом, что нашим уголовно-процессуальным законодательством уже давно и успешно имплементированы основные международные стандарты правосудия в отношении несовершеннолетних.

Полагаем необходимым в первую очередь остановиться на определении самого понятия «несовершеннолетний» в международно-правовом смысле.

Данное понятие в рамках рассматриваемой темы напрямую связано еще с одним – «возраст уголовной ответственности несовершеннолетнего».

Международно-правовые документы не устанавливают императивно возрастные рамки понятия «несовершеннолетний».

Общее определение понятия «несовершеннолетний», указывает на лицо, не достигшее 18-летнего возраста. Такое указание содержится, к примеру, в

ст.1 Конвенции о правах ребенка: «...ребенком является каждое человеческое существо до достижения 18-летнего возраста, если по закону, применимому к данному ребенку, он не достигает совершеннолетия ранее»<sup>18</sup>.

Однако, при этом в подпункте «а» пункта 2.2 Пекинских Правил, решение данного вопроса отнесено к компетенции национального законодательства: «...несовершеннолетним является ребенок или молодой человек, который в рамках существующей правовой системы может быть привлечен за правонарушение к ответственности в такой форме, которая отличается от формы ответственности, применимой к взрослому»<sup>19</sup>.

Соответственно, Пекинские Правила, ориентируясь в этом отношении на усмотрение государств, не указывают применительно к несовершеннолетнему правонарушителя жесткие возрастные рамки отнесения лица к таковому.

Отметим, тем не менее, что Пекинские Правила дают в этом отношении определенные рекомендации. Так, пунктом 4.1. Правил установлено, что «В правовых системах, в которых признается понятие возраста уголовной ответственности для несовершеннолетних, нижний предел такого возраста не должен устанавливаться на слишком низком возрастном уровне, учитывая аспекты эмоциональной, духовной и интеллектуальной зрелости»<sup>20</sup>.

Значимость необходимости определения понятия «несовершеннолетний правонарушитель», его возрастных пределов, неоднократно подчеркивалась в юридической литературе.

Так, мы согласны с мнением Н.М. Хромовой: «Закрепление уголовным законом возрастных признаков призвано обеспечить привлечение к уголовной ответственности только тех лиц, которые по уровню своего развития в состоянии осознать недопусти-

цией 45/113 Генеральной Ассамблеи от 14.12.1990г. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/juveniles](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles)

11 Руководящие принципы Организации Объединенных Наций для предупреждения преступности среди несовершеннолетних (Эр-Риядские руководящие принципы). Приняты резолюцией 45/112 Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года [https://www.un.org/ru/.../juveniles\\_deinquency\\_prevention](https://www.un.org/ru/.../juveniles_deinquency_prevention).

12 Ягофаров С. М. Международные стандарты по правам человека и российское уголовное судопроизводство: учебное пособие / под ред. доктора юр. наук, профессора А. П. Гуськовой. – Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2006. – С.36

13 Павлова, Л.В. «Отчет национального эксперта по применению международных стандартов прав человека в области прав и свобод человека в процессе отправления правосудия Республики Беларусь». Рекомендации по более широкому применению международных стандартов в области прав человека в процессе отправления правосудия в Республике Беларусь. Минск, 2009. С.124.

14 Тиунов, О. И. Конституционные права и свободы человека и гражданина в РФ : учебник – М. : Норма, 2005. С.543

15 Комментарий к Конституции РФ. под ред. В. Д. Зорькина. – М.: Норма, 2011. С.138

16 Авакьян, С. А. Конституционное право России : учеб. курс. Т. 1 . 4-е изд., перераб. и доп. – М. : Норма ; ИНФРА-М, 2010. С.86

17 Кутафин, О. Е. Источники конституционного права РФ. – М.: Проспект, 2013.С.38

18 Конвенция о правах ребенка. Принята резолюцией 44/25 Генеральной Ассамблеи от 20.11.1989 г. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/childcon.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml)

19 Минимальные стандартные правила ООН, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила). Приняты резолюцией 40/33 Генеральной Ассамблеи от 29 ноября 1985 года [https://www.un.org/ru/...beijing\\_rules](https://www.un.org/ru/...beijing_rules).

20 Там же



мость под страхом уголовного наказания совершать общественно опасные деяния»<sup>21</sup>.

Аналогично, по мнению М. М. Коченова, основаниями уголовной ответственности являются сам физический возраст, а также способность в момент совершения преступления регулировать свое поведение<sup>22</sup>.

Вопрос об осознанности поведения несовершеннолетнего правонарушителя, его способности регулировать свое поведение, представляется достаточно сложным.

Однако, по общему правилу, закон увязывает возможность привлечения несовершеннолетнего к ответственности с достижением последним определенного календарного возраста.

Как нами указано выше, международные стандарты не устанавливают конкретно, с какого возраста может наступать ответственность несовершеннолетнего правонарушителя, устанавливая лишь желательность определения минимального предела такого возраста со стороны национального законодательства.

При этом, как уже отмечено выше, немаловажным, помимо достижения возраста, является и определение осознанности несовершеннолетним противоправности своего поведения, а также его общая адекватность.

Априори предполагается, что в шестнадцатилетнем возрасте (а в особых случаях – и раньше) происходит достаточная социализация личности, осознание ею необходимости соблюдения установленных обществом и государством правил поведения, предельных рамок такого поведения.

Соответственно, уголовное законодательство ориентируется именно на этот возраст, для определения субъекта преступления (за некоторыми исключениями как в одну, так и в другую стороны).

При этом, представляется крайней и не совсем оправданной точка зрения таких исследователей, как А.А. Байбарин<sup>23</sup>, Е.В. Змановская<sup>24</sup>, предлагающих снизить возраст привлечения к уголовной ответственности, к примеру, до 12 или даже до 11 лет. Аналогично, представляется не совсем оправданным и не соответствующим международным стандартам отсутствие в законодательстве некоторых государств минимального возраста привлечения к уголовной ответственности или установление такого возраста на неоправданно низком уровне.

Так, в США возраст привлечения к уголовной ответственности различен для разных штатов, при этом, в Оклахоме, к примеру, ребенок может быть привлечен с 7 лет, если будет доказано, что он во время совершения преступления осознавал характер совершаемых действий, в Неваде такой возраст составляет 8 лет, в 23 штатах и федеральном округе Колумбия вообще не установлен минимальный возраст уголовной ответственности; с оговоркой о наличии двух элементов преступления – *actus reus* и *mens rea*, судебная практика Великобритании допускает привлечение к уголовной ответственности ребенка в возрасте от 10 до 14 лет, в Турции – с 11 лет, в Бразилии, Израиле, Канаде, Нидерландах – с 12 лет; в Ирландии уголовная ответственность может наступать с 7-летнего возраста (за тяжкие и особо тяжкие преступления). Также с 7-летнего возраста уголовная ответственность наступает в таких странах, как Бангладеш, Иордания, Египет, Ливан, Ливия, Пакистан, Сингапур<sup>25</sup>.

Полагаем, что установление такого минимального возраста привлечения к уголовной ответственности вряд ли учитывает степень интеллектуального развития несовершеннолетнего.

Более того, в нынешних условиях повсеместного распространения цифровых технологий, резкого снижения интеллектуального уровня средств массовой информации, в первую очередь – телевидения, широкого распространения компьютерных игр, резкого ограничения социального («очного») общения и связанного с этим уменьшения возможности обучения навыкам жизни в обществе, наблюдается общемировая тенденция определенной инфантилизации несовершеннолетних.

Соответственно, представляется при этом, что само по себе достижение определенного возраста наступления ответственности, не всегда связано с осознанностью поведения несовершеннолетнего правонарушителя, его способностью регулировать свое поведение.

Отметим, что регулируя данный вопрос, к примеру, статья 548 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан, при производстве дознания, предварительного следствия и судебного разбирательства по делам о преступлениях несовершеннолетних, кроме общих обстоятельств, требует доказывания точного возраста несовершеннолетнего обвиняемого, а также характерных черт лично-

21 Хромова Н.М. Возраст уголовной ответственности несовершеннолетних. Журнал Российского права.2018г., №4. С.25

22 Коченов М. М. Теоретические основы судебно-психологической экспертизы: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1991. С.34. <http://law.edu.ru/book/book.asp?bookID=1191906>

23 Байбарин А. А. Уголовно-правовая дифференциация возраста. М., Высшая школа,2009. С.81. <https://www.twirpx.com/file/192497/>

24 Змановская Е. В. Девиантология (психология отклоняющегося поведения). М., Академия, 2004. С.105.

25 Цит.по: Хромова Н.М. Возраст уголовной ответственности несовершеннолетних. Журнал Российского права.2018г., №4. С.25



сти и состояния здоровья несовершеннолетнего<sup>26</sup>. Аналогичное требование содержится в п.5 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 15.09.2000г. №21 «О судебной практике по делам о преступлениях несовершеннолетних»<sup>27</sup>.

Аналогично, уголовное законодательство Республики Узбекистан также в общих чертах регулирует подобные случаи. В частности, устанавливая общий возраст наступления уголовной ответственности с 16 лет, наше законодательство требует выяснения степени развитости личности несовершеннолетнего правонарушителя. Так, согласно ч.3 ст.87 Уголовного кодекса Республики Узбекистан: «При существенном отставании возрастного развития несовершеннолетнего, лишаящим его способности в полной мере сознавать значение совершенного деяния, суд обязан обсудить вопрос о целесообразности вместо наказания применить принудительные меры»<sup>28</sup>.

При этом, однако, нашим законодательством не установлена обязательность проведения экспертизы установления степени осознанности несовершеннолетним совершенных им деяний с учетом его возраста, степени интеллектуального развития и иных сопутствующих факторов.

Возникает определенное несоответствие с пунктом 5.1. Пекинских Правил, рекомендующих государствам, чтобы «...любые меры воздействия на несовершеннолетних правонарушителей были всегда соизмеримы как с особенностями личности правонарушителя, так и с обстоятельствами правонарушения»<sup>29</sup>.

Полагаем, что было бы целесообразным выяснение этих вопросов, в том числе – особенностей личности правонарушителя, как можно раньше – на стадии досудебного производства.

Отметим, что наше уголовно-процессуальное законодательство уже имеет норму аналогичного содержания.

Так, согласно п.4 ст.173 УПК Республики Узбекистан, назначение и производство экспертизы обязательно, если по делу необходимо установить, в том числе, психическое и физическое состояние ... лица, в отношении которого ведется производство по применению принудительных мер медицинского характера...»<sup>30</sup>.

Думается, большей корреляции международным стандартам способствовало бы дополнение данной статьи нормой о том, что назначение и производство экспертизы обязательно также в случае привлечения к уголовной ответственности несовершеннолетнего.

Соответственно, предлагается статью 173 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан дополнить частью второй следующего содержания: «Назначение и производство экспертизы обязательно при привлечении к участию в уголовном деле несовершеннолетнего в качестве подозреваемого, обвиняемого, подсудимого, если по делу необходимо установить, в том числе, его психическое и физическое состояние, его способность отдавать себе отчет в своих действиях или руководить ими в момент совершения противоправного деяния, а также способность понимать значение уголовной ответственности, давать показания и самостоятельно защищать свои права и законные интересы в уголовном процессе».

В целом, представляется возможным прийти к выводу о том, что законодательство Республики Узбекистан, в целом учитывает имеющиеся международные стандарты в данном направлении, дифференцируя при этом возможность привлечения несовершеннолетнего к ответственности, в зависимости от степени его интеллектуального развития, отношения к совершенному деянию и других факторов. Предлагаемые дополнения позволят привести уголовно-процессуальное законодательство нашей страны в еще большее соответствие с международно-правовыми документами.

#

26 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. <https://lex.uz/docs/111463#250804>

27 Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 15.09.2000г. №21 «О судебной практике по делам о преступлениях несовершеннолетних». <https://lex.uz/docs/1449718#1449745>

28 Уголовный кодекс Республики Узбекистан. <https://lex.uz/docs/111457#157453>

29 Минимальные стандартные правила ООН, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила). Приняты резолюцией 40/33 Генеральной Ассамблеи от 29 ноября 1985 года [https://www.un.org/ru/...beijing\\_rules](https://www.un.org/ru/...beijing_rules).

30 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. <https://lex.uz/docs/111463#250804>



## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШГА ДАХЛДОР БЎЛМАГАН ЖАВОБГАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ АЛМАШТИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИШ ШАРТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада фуқаролик процессида ишга дахлдор бўлмаган тарафлар тушунчаси ва уларни алмаштиришга йўл қўйиш шартлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу масала бўйича юридик адабиётларда билдирилган ёндошувлар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик процессида ишга дахлдор бўлмаган тарафлар тушунчаси ва уларни алмаштиришга йўл қўйиш тартибини белгиловчи миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар асослантилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье анализируется понятие ненадлежащего ответчика в гражданском процессе, и условия их замены, его особенности, подходы, выраженные в юридической литературе по данному вопросу, а также законодательный опыт зарубежных стран. В результате анализа были внесены предложения по совершенствованию национального законодательства, определяющего понятие ненадлежащего ответчика в гражданском судопроизводстве и порядок их замены.

**ABSTRACT.** The article analyzes the concept of an inappropriate defendant in a civil process, and the conditions for their replacement, its features, approaches expressed in the legal literature on this issue, as well as the legislative experience of foreign countries. As a result of the analysis, proposals were made to improve the national legislation defining the concept of an inappropriate defendant in civil proceedings and the procedure for their replacement.

**Калит сўзлар:** фуқаролик процесси, тарафлар, даъвогар, жавобгар, ишга дахлдор бўлмаган жавобгар, такомиллаштириш.

**Ключевые слова:** гражданский процесс, стороны, истец, ответчик, ненадлежащий ответчик, совершенствование.

**Key words:** civil process, parties, plaintiff, defendant, improper defendant, improvement.

Судлар томонидан даъво аризаларини қабул қилишда тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг характери тўғри белгиланса ва процессда ишга дахлдор бўлган тарафлар иштирок этган тақдирдагина фуқаролик ишлари тўғри, ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, ишга дахлдор бўлган тарафларнинг таркибини тўғри аниқлаш охир-оқибат иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорининг чиқарилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам фуқаролик процессида ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш институти амал қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, судьяларнинг аризаларни қабул қилишда ҳуқуқий муносабатларнинг характери, улар тартибга солинадиган ҳуқуқ мезонларини ҳамма вақт ҳам тўғри аниқламасликлари натижасида даъво асоси, исботлаш воситалари, ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги, буларнинг ҳаммаси далилларни тўплаш, тегишли шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш учун ишни кўришни бошқа кунга қолдиришга ва фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларини бузишга олиб келиши мумкин бўлган омиллардан саналади.

Фуқаролик процессида назарда тутилган умумий қоидага мувофиқ, судга мурожаат этган даъвогар ўз даъво аризасида ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни кўрсатиши, бошқача қилиб айтганда, низоли ҳуқуқий муносабатнинг мавжуд эканлигини ҳамда низоли ҳуқуқнинг айнан ўзига тегишли эканлигини исботлашга қаратилган далилларни тақдим этиши талаб қилинади (ФПКнинг 189-моддаси). Бироқ профессор Ш.Ш.Шорахметов қайд этганидек, судья даъво аризани қабул қилиб, ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлашда ариза билан судга мурожаат қилган шахснинг (фуқаро ва ташкилотнинг) ҳуқуқи ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаати жавобгар сифатида кўрсатилган шахс томонидан бузилганлигини ҳануз билмайди, фақат бундай ҳолатнинг бўлиши фарз қилинади ва кимнинг даъвогар ва кимнинг жавобгар бўлиши тахминан белгиланади.<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда тўғри қайд этилганидек, баъзан ишни судда кўришга тайёрлаш давомида ёки судда иш кўриш жараёнида у ёки бу томон ёки ҳар иккала томон ҳам низоли ҳуқуқий муносабатнинг субъекти эмаслиги аниқланиши мумкин.<sup>2</sup>

1 Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. -106 бет.

2 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. –Б. 119-120.

Дарҳақиқат, судда фуқаролик ишларининг кўрилишида баъзи ҳолларда процессда жавобгар тараф ишга хатолик билан жалб этилишлари туфайли ишга дахлдор бўлмаган тараф бўлиб чиқиши мумкин. Шундай ҳолатларни назарда тутиб, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида суд даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан даъво тақдим этилганлигини аниқласа, ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар даъвогарнинг розилиги билан ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни ишга дахлдор жавобгар билан алмаштиришга йўл қўйиши мумкинлиги назарда тутилган (ФПКнинг 46-моддаси).

Фуқаролик процессида ишга дахлдор бўлмаган тарафларнинг ҳолатига тушиб қолиш сабабларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, моддий-ҳуқуқий муносабатларнинг тузилишидаги мураккабликлар натижасида ишнинг ҳақиқий ҳолатларини белгилашда юз бераётган қийинчиликлар, амалдаги қонун ҳужжатларининг нормаларини бир хилда талқин қилиш жараёнидаги мавжуд муаммолар бунинг асосий сабаблари ҳисобланади.<sup>3</sup> М.Мамасиддиқов ҳам ўз асарларида меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг характери ўзига хос ўрин тутишини, ушбу ҳуқуқий муносабатлар субъектлари суд процессида иштирок этувчи шахсларнинг таркибини аниқлаб беришини таъкидлайди.<sup>4</sup> Н.А.Грамошина-нинг фикрича ҳам ишга дахлдор бўлган тарафни суд процессига жалб қилиш масаласини ҳал қилиш хусусиятлари айнан моддий ҳуқуқ нормаларига боғлиқ бўлади.<sup>5</sup> Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳақиқатан ҳам фуқаролик процессидаги жавобгарнинг ишга дахлдор ёки дахлдор эмаслиги билан боғлиқ масалалар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ҳатто юридик адабиётларда ишга дахлдор бўлмаган жавобгарга нисбатан берилаётган таърифларда ҳам унинг моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти бўлиш-бўлмаслигига кўпроқ эътибор берилганлигини кўриш мумкин. Масалан, В.В.Ярковнинг фикрича, ишга дахлдор бўлмаган тараф – бу дастлаб низоли ҳуқуқий муносабат субъекти деб тахмин қилинган, бироқ аслида ишга умуман дахли бўлмаган шахсдир.<sup>6</sup> М.С.Шакарян эса дахлдор бўлмаган тарафга иш ма-

териаллари бўйича низоли ҳуқуқий муносабатнинг субъекти эканлиги ҳақида тахмин истисно қилинаётган шахсдир, деб таъриф беради.<sup>7</sup>

Шундай қилиб, жавобгарнинг ишга дахлдор бўлиш ёки бўлмаслиги ҳақидаги масала низоли ҳуқуқий муносабат субъектларининг таркибига боғлиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, фуқаролик процессида ишга дахлдор бўлмаган тараф деганда ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиш натижасида унинг низоли моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти эмаслиги, яъни у ёки бу субъектив ҳуқуқ (қонуний манфаат)нинг эгаси эмаслиги ёки унга юридик жавобгарлик юклаш мумкин бўлмаган шахс тушунилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 989-моддасига кўра, юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплайди. Бу эса ишга жавобгар сифатида зарар етказган ходим эмас, балки юридик шахс ёки фуқаро жалб этилиши лозимлигини кўрсатади. Ишга дахлдор бўлган тараф процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахс ҳисобланади ҳамда тарафнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.<sup>8</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 59-бандига кўра, Агар мол-мулк сотилган ёки қайта ишлашга топширилган бўлса, мол-мулк қийматини қайтариш молия органлари томонидан тегишли бюджет маблағларидан ва давлат органларининг тегишли ҳисоб рақамларидан илгари маблағлар тақсимланган айни бир фоиз нисбатида мол-мулк қийматини тўлаш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

Давлат органларининг тегишли ҳисоб рақамларига маблағлар етишмаган тақдирда етишмаган қисмини қайтариш молия органлари томонидан кейинчалик кўрсатиб ўтилган маблағлар давлат органларининг махсус ҳисоб рақамидан ундириб олинган ҳолда тегишли бюджет маблағларидан амалга оширилади.

3 Скобелкин В.Н. Гражданско-процессуальные правоотношения. -М., 1999. -С. 174-189.

4 Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари // Монография. Масъул муҳаррир проф. Ш.Шорахметов. –Тошкент: АҚҶМИ. 2008. – 65 б.

5 Грамошина Н.А. Процессуальные особенности рассмотрения и разрешения дел о возмещении вреда, причиненного источником повышенной опасности. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М., 1980. -8 с.

6 Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В.Ярков. -М.: Волтерс Клувер, 2004. -63 с.

7 Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -88 с.

8 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // <http://lex.uz/docs/180552>



Йўқ қилинган мол-мулк қийматини қайтариш ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда молия органлари томонидан тегишли бюджет маблағларидан амалга оширилади.

Тегишли бюджетдан қайтарилиши керак бўлган қисм бўйича мол-мулк қийматини қайтариш манбаи сифатида давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан ушбу бюджетга келиб тушган жорий тушумлар суммалари ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган жорий тушумлар етишмаган тақдирда молия органи раҳбари пул маблағларининг етишмаган қисмини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг тегишли бўлимлари ва параграфлари бўйича тушумлар ҳисобига тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.<sup>9</sup>

Кўриб турганимиздек, муайян фуқаролик иши юзасидан дахлдор бўлган жавобгар сифатида қайси органни жалб этиш ишнинг характериға кўпроқ боғлиқ бўлишини кўрсатади.

Юридик адабиётларда ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш институтига нисбатан салбий фикрда бўлган олимлар ҳам учрайди. Масалан, И.Зайцевнинг фикрича, ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш кўп жиҳатдан судларнинг саъй-ҳаракатлари ва бошқа қатор процессуал воситалар орқали эришилиб, судда иш кўришнинг кечиктирилишига олиб келади, процессуал харажатларни талаб этади. Муаллиф тарафни алмаштириш суднинг ташаббуси ва шартлари асосида амалга оширилишини таъкидлаб, уни фуқаролик процессидаги эркин ҳуқуқлилиқ (диспозитивлик) тамойилига мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. Ушбу жараёнда манфаатдор шахслар пассив (суст) бўлади, ваҳоланки, тарафни алмаштириш ташаббуси суд ишларини юритиш кимнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошланган бўлса, шу шахснинг ташаббуси билан амалга оширилиши лозимлигини, тегишсиз тарафни алмаштириш тарафнинг даъво предмети ва асосини ўзгартириш, даъводан воз кечиш, келишув битимини тузиш каби ҳуқуқлари билан бир турдаги ҳуқуқлар тоифасига киришини, бир сўз билан айтганда тарафни алмаштириш ҳуқуқи судга эмас, балки тарафнинг ўзига берилиши керак, деган фикрни илгари суради. И.Зайцевнинг фикрича, тегишсиз

тарафни алмаштиришнинг биргина ижобий жиҳати мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса тегишсиз жавобгар алмаштириладиганда даъвогар яна қайтадан давлат божини тўламаслигидадир.<sup>10</sup>

Муқаддам амалда бўлган мамлакатимиз ФПКнинг 42-моддасида ишга дахлдор бўлмаган даъвогарни ҳам алмаштириш тартиби назарда тутилган эди. Унга кўра, суд арз қилинган талаб уни илгари суриш ҳуқуқиға эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилганлигини аниқласа, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ишга дахлдор даъвогар билан алмаштирилишиға йўл қўйиши мумкин бўлган.<sup>11</sup> Бироқ ишга дахлдор бўлмаган даъвогарларни алмаштиришнинг мақсадға мувофиқ эмаслиги ҳақида юридик адабиётларда илгари сурилган фикрлар ҳозирги кунда айрим ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳуқуқий асосини топганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Россия Федерацияси ФПКнинг “Ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш” деб номланган 41-моддаси орқали ишга дахлдор бўлмаган даъвогарни алмаштиришға оид нормалардан бутунлай воз кечилган.<sup>12</sup> Россия Федерацияси ФПКдаги мазкур янгиликни ҳуқуқшунос олим С.В.Никитин қуйидагича шарҳлайди: “Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш институти янги ФПКда жиддий ўзгаришларға юз тутди. 1964 йилдаги ГПКдан фарқли равишда ишга дахлдор бўлмаган даъвогарни, яъни моддий ҳуқуқ нормасиға мувофиқ арз қилинган даъво бўйича талаб қилиш ҳуқуқиға эга бўлмаган шахсни алмаштириш имконияти рад этилди.”<sup>13</sup>

Бошқа бир ҳуқуқшунос олим Д.Б.Абушенконинг фикрича, Россия Федерацияси ФПКнинг 41-моддасидаги норма нафақат ишга дахлдор бўлмаган даъвогарлар, балки ишга дахлдор бўлмаган мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг ҳам алмаштириш имкониятини рад этади.<sup>14</sup> Бир сўз билан айтганда, агар даъвогар суд томонидан ишга дахлдор бўлмаган шахс деб топиладиган бўлса ва ишга дахлдор бўлган даъвогар процессға киришини хоҳламаса, дахлдор бўлмаган даъвогар рози бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар иш юритиш давом эттирилиши ва суд охир-оқибат даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида

9 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низом // <http://lex.uz/docs/1498818?otherlang=3>

10 Зайцев И. Надо ли суду заменять ненадлежащую сторону? // Ж. Российская юстиция. 1999.

11 Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги Фуқаролик процессуал кодекси // <http://lex.uz/docs/186105#219564>

12 Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002. №138-ФЗ // [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru).

13 Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) / под ред. Г.А.Жилина. –М.: ТК Велби, 2005. –С. 104-105.

14 Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. Первого заместителя Председателя Верховного Суда Российской Федерации В.И.Радченко. -2-е изд., прераб. и доп. –М.: Норма, 2006. –С. 142-143.

ҳал қилув қарори чиқариши тўғрисидаги нормалар назарда тутилган. Ҳуқуқшунос олим М.С.Шакаряннинг фикрича, агар ишга дахлдор бўлмаган даъвогар ўзининг даъво аризаси қабул қилинишини ва ишнинг кўрилишини талаб қилса, судья унинг даъво аризасини қабул қилиши ва ишни мазмунан кўриши шарт бўлади. Агар ишни кўриш натижасида суд даъвогарнинг ҳақиқатан ҳам ишга дахлдор эмаслигини аниқласа, у ҳолда даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.<sup>15</sup>

Таъкидлаш лозимки, фақатгина ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштиришга оид нормаларни назарда тутувчи қоидалар, шунингдек Қозоғистон,<sup>16</sup> Украина,<sup>17</sup> Эстония<sup>18</sup> Республикаларининг ФПКларида ҳам назарда тутилган. Ҳатто Грузия Республикасининг ФПКда ишга дахлдор бўлмаган даъвогар ва ишга дахлдор бўлмаган жавобгарларни алмаштириш алоҳида-алоҳида моддаларда баён этилганлигини кўриш мумкин.<sup>19</sup>

Юқорида баён этилганлардан кўришиб турибдики, айрим давлатларнинг (Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина, Эстония) фуқаролик процессуал қонунчилигида ишга дахлдор бўлмаган даъвогарни алмаштириш институтидан воз кечилган. Шу ўринда фуқаролик процессуал қонунчилигида мазкур қоидалар назарда тутилишининг афзаллиги нималарда намоён бўлиши ҳақида фикр-мулоҳаза юритамиз. Биринчидан, фуқаролик процессуал қонунчилигида ишга дахлдор бўлмаган даъвогарни алмаштириш тартибидан воз кечилиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида судлар томонидан мазкур қонунни қўллашда турлича ёндашувларнинг олдини олади. Суд амалиёти таҳлилиайрим судлар томонидан даъвогарни ишга дахлдор бўлмаган деб топадиган бўлса, иш юритишни тугатиш ҳолатларига йўл қўйилган. Шу ўринда қуйидаги мисолни келтирамиз. Э. жавобгарлар Қорасув шаҳар давлат нотариал идораси ва М.га нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво билан мурожаат қилган. Суд даъво ни рад қилган. Вилоят судининг раёсати Э.ни ишга дахлдор бўлмаган даъвогар деб топиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тугатган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг

ажрими билан вилоят суди раёсатининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори кучда қолдирилган. Муқаддам амалда бўлган ФПКнинг 42-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, агар процессга мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс киришмаса, ишга дахлдор бўлмаган даъвогар эса, арз қилган талабларидан воз кечмаса, иш мазмунан кўрилади. Низоли шартнома тузилиши оқибатида ҳуқуқи бузилган Х. иш бўйича мустақил даъво билан мурожаат қилмаган, дахлдор даъвогар сифатида ишга жалб қилинганда ишга киришмаган, ишга дахлдор бўлмаган Э. эса даъвосидан воз кечмаган. Биринчи инстанция суди қайд қилинган қонунга амал қилиб, ишни мазмунан тўғри ҳал қилган.<sup>20</sup>

Иккинчидан, таҳлиллар шуни кўрсатадики, муқаддам амалда бўлган ФПКнинг 42-моддасида агар суд арз қилинган талаб уни илгари суриш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилганлигини аниқласа ва дастлабки даъвогар ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлса-ю, бироқ дахлдор даъвогар ишга киришишни хоҳламаса, у ҳолда суд қандай қарор қабул қилиши аниқ баён этилмаган. Бироқ амалиётда ушбу ҳолатда суд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечган деб қабул қилиш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарган. Лекин мазкур ҳолат келажакда ишга дахлдор бўлмаган деб топилган шахсни мазкур иш бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Юқоридагиларнинг барчаси ишга дахлдор бўлмаган даъвогарни алмаштиришга оид нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликдан чиқаришнинг тўғри бўлганлигини кўрсатади.

Ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштириш шартлари ҳақида гапирганда мазкур масала фуқаролик процессининг қайси босқичида амалга оширилиши мумкин, деган савол юзага келади. Юридик адабиётларда баён этилишича, фуқаролик процессининг қуйидаги босқичлари мавжуд: фуқаролик ишини қўзғатиш; ишни судда кўришга тайёрлаш; ишни суд мажлисида кўриш ва ҳал қилиш; суднинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлари юзасидан шикоятлар бериш ва протестлар келтириш; суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш.<sup>21</sup> Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни ишни

15 Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект. 2004. -86 с.

16 Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. <http://online.zakon.kz>.

17 Гражданский процессуальный кодекс Украины // [kodeksy.com.ua](http://kodeksy.com.ua).

18 Гражданский процессуальный кодекс Эстонии. Правовые акты Эстонии, 2005, № 18. -С. 1368-1406.

19 Гражданский процессуальный кодекс Грузии от 14 ноября 1997 года. №1106-IC.

20 Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд амалиётидан. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2002 йил, 2-сон. –Б. 19-20.

21 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. –47 б.



судда кўришга тайёрлаш ва ишни суд мажлисида кўриш ва ҳал қилиш босқичларида алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларида ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш процесснинг қайси босқичларида амалга оширилиши юзасидан тушунтиришлар берилганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори 11-бандида, агар суд муҳокамаси давомида даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан даъво тақдим этилганлиги аниқланса, суд ФПК 46-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни ишга дахлдор бўлган жавобгар билан алмаштириш ёки бу шахсни қўшимча жавобгар сифатида жалб этишга ҳақли эканлиги юзасидан тушунтириш берилган.<sup>22</sup>

Юридик адабиётларда илгари сурилган фикрларда ишга дахлсиз тарафни дахлли тараф билан алмаштириш жараёни ишни кўришга тайёрлаш қисмидан бошланади.<sup>23</sup> Бироқ мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштиришга қайси босқичда йўл қўйилмаслиги юзасидан аниқ нормалар назарда тутилмаган. Хусусан, суд қарорларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қайта кўриш жараёнида ҳам ФПКнинг 46-моддаси асосида ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштиришга йўл қўйиладими, деган савол юзага келади.

Юридик адабиётларда қайд этилишича, фуқаролик ишларини биринчи инстанция судларида кўришга тайёрлашда ёки ишни мазмунан кўриш жараёнида ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштиришга йўл қўйилиши лозим.<sup>24</sup> Агар айрим хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини таҳлил этадиган бўлсак, масалан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Эстония фуқаролик процессуал қонунчилигида фуқаролик ишларини биринчи инстанция судларида кўришга тайёрлашда ёки ишни мазмунан кўриш жараёнида ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштиришга йўл қўйилиши назарда тутилган.

Юридик адабиётларда илгари сурилган фикрларга кўра, хусусан, И.Зайцевнинг фикрича, ишга дахлдор

бўлмаган тарафни алмаштиришга биринчи инстанция суди мажлисидагина йўл қўйилиши лозим. Унинг фикрича, амалиётда судлар ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштиришни назарда тутувчи ФПК нормаларини деярли қўлламайдилар. Бунинг асосий сабабларидан бири агар ишда дахлдор бўлмаган тараф иштироки аниқлангудек бўлса, судлар учун уни дахлдор бўлган тараф билан алмаштиришга қараганда даъвогарнинг даъво талабларини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилиш қулай ҳисобланади. Шу ўринда И.Зайцев бу борада судларни айблаш фикридан йироқ эканлигини, чунки ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш бу процессуал мажбурият эмас, балки ҳуқуқ ҳисобланишини, қолаверса, фуқаролик процессуал қонунчилик юқоридаги моддани қўлламаганлик учун ҳеч қандай санкция (мажбурлов чоралари)ни назарда тутмаганлигини таъкидлайди.<sup>25</sup>

Бошқа бир ҳуқуқшунос олим В.М.Жуйков эса аксинча ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш институти муҳим амалий аҳамият касб этишини, чунки у орқали фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат муайян иштирокчисининг нафақат ҳуқуқий ҳолати, балки унинг натижасида юз берадиган процессуал оқибатларни ҳам тўғри белгилаш имконияти яратилади.<sup>26</sup>

Юридик адабиётларда ишга дахлдор бўлмаган тараф қатъиян юридик атама ҳисобланиши ҳақида фикрлар илгари сурилади. Чунки унинг асосида мазкур тараф суд ҳал қилув қарори чиқариши шарт бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг эгаси (субъекти) ҳисобланмаслиги ҳақидаги моддий-ҳуқуқий белгилар ётади. Шундай қилиб, ишга дахлдор бўлмаган жавобгар моддий-ҳуқуқий маънода даъвогарнинг даъво талаблари юзасидан жавоб бериши лозим бўлмаган шахс бўлганлиги боис, ҳар доим ютуққа эришиши ҳақида фикрлар илгари сурилади.<sup>27</sup>

ФПКнинг 46-моддаси тўртинчи қисмида ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилганидан сўнг ишни кўриш янгидан бошланиши назарда тутилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилганидан сўнг ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи янгидан ўтказиладими ёки бирданига иш кўриш бошлаб юбориладими? Маълумки, ФПКнинг 22-боби “Суд муҳока-

22 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // <http://lex.uz/docs/1449509>

23 Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. – Тошкент, ТДЮИ нашриёти, 2010. -107 бет.

24 Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В.Ярков. -М.: Волтерс Клувер, 2004. -590 с.

25 Зайцев И. Надо ли суду заменять ненадлежащую сторону? // Ж. Российская юстиция. 1999.

26 Жуйков В.М. Проблемы гражданского процессуального права. М, 2001. -С. 27-29.

27 Жуйков В.М. Проблемы гражданского процессуального права. М, 2001. -С. 27-29.

маси” деб номланиб, унда иш судда кўришга тайёрлаб бўлинганидан кейинги процессуал ҳаракатлар ҳақидаги нормалар белгилаб қўйилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 26-сонли “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”-ги қарорининг 7-бандида тушунтириш берилишича, ФПК 207-моддасида назарда тутилган фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишнинг умумий ва қисқартирилган муддатлари ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тугаган кундан ҳал қилув қарори қабул қилинган ёки аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, ишни бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилган кун қўшилган ҳолда ҳисобланади.<sup>28</sup> Бу эса ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилганидан сўнг ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи янгидан ўтказилмаслигини англатади. Бироқ ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилганидан сўнг ишни судда кўришга тайёрлаш босқичининг ўтказилмаслиги тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг характери, улар тартибга солинадиган ҳуқуқ мезонларини тўғри аниқланмай қолинишига, натижада даъво асоси, исботлаш воситалари, ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашда хатоликларга йўл қўйилишига олиб келиши мумкин. Булар эса иш бўйича далилларни тўплаш, тегишли шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш учун иш кўришни бошқа кунга қолдириш ва фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларини бузишга олиб келиши мумкин.

Ўрганилган айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида, хусусан, Россия Федерацияси ФПКнинг 41-моддаси, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 50-моддасида ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилганидан сўнг ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи янгидан ўтказилишини назарда тутувчи норма белгилаб қўйилган. Шундай экан, юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ФПКнинг 46-моддаси тўртинчи қисми “ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилгандан сўнг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ва уни кўриш бошидан бошланади”, деган жумла билан тўлдирилиши таклиф қилинади.

Бизга маълумки, ишга дахлдор бўлмаган тарафнинг алмаштирилиши фуқаролик ишининг судловга тааллуқлилиги масалаларига ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Масалан, ФПКнинг 33-моддасида судловга тааллуқлилигининг умумий қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра, Аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги суд-

га берилади. Ташкилотларга нисбатан аризалар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади.

Агар ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилиб, унинг ўрнига ишга дахлдор бўлган жавобгар жалб этиладиган бўлса, у ҳолда юқоридаги қоидадан келиб чиқиб, ишнинг судловлилиги ҳам ўзгариши мумкин. Бироқ ФПКнинг 46-моддасида мазкур масаланинг ечими ўз аксини топмаган. Фикримизча, суд ишга дахлдор бўлган жавобгарни жалб этадиган бўлса ва шу муносабат билан ишнинг судловга тааллуқлилиги ўзгарадиган бўлса ҳам мазкур ишни мазмунан ҳал қилиши лозим. Зеро, ФПКнинг 31-моддаси биринчи қисмига кўра, суд судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзининг иш юритишига қабул қилиб олган ишни, гарчи кейинчалик бу иш бошқа суднинг судловига тегишли бўлиб қолса ҳам, мазмунан ҳал қилиши назарда тутилган.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштириш институти муҳим амалий аҳамият касб этади, чунки у орқали фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат муайян иштирокчисининг нафақат ҳуқуқий ҳолати, балки унинг натижасида юз берадиган процессуал оқибатларни ҳам тўғри белгилаш имконияти яратилади. Зеро, судлар томонидан даъво аризаларини қабул қилишда тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг характери тўғри белгиланса ва процессда ишга дахлдор бўлган тарафлар иштирок этган тақдирдагина фуқаролик ишлари тўғри, ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши мумкин бўлади. Фуқаролик процессида ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш институти янада такомиллаштириш мақсадида ФПКнинг 46-моддасида суд биринчи инстанция судида ишни судда кўришга тайёрлаш ёки ишни судда кўриш жараёнида арз қилинган талаб даъвогарнинг аризаси бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганлигини аниқласа, даъвогарнинг розилиги билан жавобгар ишга дахлдор жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкинлиги, ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш ҳақида суд ажрим чиқариши, ишга дахлдор жавобгар алмаштирилганидан кейин ишни судда кўришга тайёрлаш ва ишни кўриш янгидан бошланиши ҳамда агар даъвогар жавобгарнинг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, суд тақдим этилган даъво талаби бўйича ишни мазмунан кўриши лозимлиги ҳақидаги нормалар назарда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

#

28 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 26-сонли “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори // <http://lex.uz/docs/3897686>.



## АДОЛАТ ВА ҚАСОС

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада халқаро жиноят ҳуқуқининг ривожланиши ва халқаро жиноят ҳуқуқининг тамойилларини вужудга келишида муҳим ўрин тутган Нюрнберг ҳамда Токио халқаро ҳарбий трибуналлари ҳақида бўлиб, Халқаро жиноят судининг шаклланишига таъсир этган омиллар илмий-юридик жиҳатдан таҳлил этилган.

**АННОТАЦИЯ.** Эта статья о Нюрнбергском и Токийском международных военных трибуналах, сыгравших значительную роль в развитии международного уголовного права и формировании принципов международного уголовного права, в статье анализируются факторы, повлиявшие на формирование Международного уголовного суда с научно-правовой точки зрения.

**ABSTRACT.** This article about the Nuremberg and Tokyo International Military Tribunals, which played a significant role in the development of international criminal law and the formation of the principles of international criminal law, on this article analyzes all factors that influenced the formation of the International Criminal Court from a scientific-legal point of view.

**Калит сўзлар:** халқаро ҳарбий жиноятлар, Нюрнберг процесси, Токио процесси, халқаро жиноят ҳуқуқида адолат ва қасос.

**Ключевые слова:** международные военные преступления, Нюрнбергский процесс, Токийский процесс, справедливость и месть в международном уголовном праве.

**Key words:** international war crimes, Nuremberg trial, Tokyo trial, justice and revenge in international criminal law.

Халқаро жиноят ҳуқуқи ўзининг кўп мингйиллик ривожланиш тарихига эга. Узоқ даврлар давомида шаклланган замонавий халқаро жиноят ҳуқуқи ва унинг асосий тамойиллари ўзининг тараққиёт чўққисига Иккинчи жаҳон урушидан сўнг эришди деб ҳисобласак, хато бўлмайди. Халқаро жиноят ҳуқуқининг шаклланилишининг бошланиш нуқтаси Иккинчи жаҳон урушида ҳарбий жиноятлар содир этган шахслар устидан ўтказилган Нюрнберг ва Токио халқаро ҳарбий трибуналларида яққол намоён бўлди.

Ушбу икки трибунал фаолият юритган вақт давомида халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътибори яна халқаро жиноят ҳуқуқи масалаларига қаратилди. Ҳарбий жиноятлар содир этишда айбдор шахсларни жазолаш халқаро ҳамжамиятнинг кун тартибига энг асосий ҳамда муҳим масалалардан бирига айланди.

Халқаро жиноят ҳуқуқи нима учун бундай узоқ давр давомида шаклланди? Бунинг сабаби нимада? Нима учун Халқаро жиноят суди XX асрнинг сўнги декадасига келиб ташкил этилди? Албатта, бу борада ҳар бир юрист турли фикр-мулоҳазалар билдириши мумкин. Аммо бизнинг фикримизча, бунинг боиси адолат ва адолатсизлик, адолат тантана қилишига бўлган хоҳиш ва қасос олиш истаги тушунчалари билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, Нюрнберг ва Токио халқаро ҳарбий трибуналлари жараёни доирасида ҳам адолат ва қасос ҳуқуқий тушунчалари ўзаро тўқнаш келди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Иккинчи жаҳон уруши якунига қадар урушлар давлатлар ўртасидаги можароларни ҳал қилишнинг ягона стандарт усули ҳисобланган. Қадимий Римда мавжуд бўлган *vae victis* (мағлубнинг қайғуси) тамойили

(принципи) асрлар давомида амал қилиб келган. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, ғолиб тараф мағлуб бўлган тарафга хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин ўзининг талабларини қабул қилдирган. Яъни ғолиблар мағлубларга ўзи хоҳлаганича муносабатда бўлган. Табиийки, ғолиблар ҳар доим ўзларининг истакларини енгилган тараф вакилларига бажартира олганлар. Шунинг учун жуда узоқ давр оралиғида ҳам халқаро жиноят ҳуқуқи фанида “халқаро жиноят”, “ҳарбий жиноят” тушунчалари аниқ таърифларга эга бўлмаган. Инсоният ўрта асрлардан Янги даврга қадам қўйган вақтда уруш қилиш қонун ва қоидалари шаклланган эди. Бироқ шунга ҳам қарамасдан, ғолиб давлатлар мағлуб давлатлар вакиллари ўзлари хоҳлаган тарзда жазолаб келганлар. Бу эса кўплаб ҳукмларнинг адолатли эмас, балки қасос олиш ниётида чиқарилганлигини англатади.

XVII асрда “халқаро ҳуқуқ отаси” номи билан машҳур бўлган голландиялик юрист Гуго Гроций ўзининг “Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида” асарида илк бор ўзига маълум бўлган барча уруш олиб бориш қонун-қоидаларини тўплади ва уни тизимли тарзда ўрганиб чиқди. Ҳамда асарда ҳарбий можароларни ҳал этиш тизимини ишлаб чиқди. Аслида халқаро жиноят ҳуқуқи масалалари илк бор Қадимий Юнонистон ва Қадимий Рим файласуф ва юристлари томонидан ўрганилган эди. Гуго Гроций ва унинг замондошлари эса Қадимий Юнонистон ва Қадимий Рим файласуф ва юристлари томонидан билдирилган халқаро ҳуқуқ принципларини янада такомиллаштиришди.

Ниҳоят, кўплаб давлатлар томонидан имзоланган 1899 ва 1907 йилги Гаага конвенцияларида ҳам қуруқликда, ҳам денгизда уруш олиб бориш қоидалари аниқ белгиланди. Ушбу қоидаларда уруш олиб

борувчи томонларнинг фақатгина маълум турдаги қурол-яроғдан фойдаланиши мумкинлиги, бетараф мамлакатларнинг ҳуқуқлари қайд этилган эди. Шунингдек, 1864-1929 йилларда қабул қилинган Женева Конвенциялари ҳам юридик жиҳатдан уруш қилиш тамойилларини мустаҳкамлади. Фақат 1914 йилга келибгина “ҳарбий жиноятлар” тушунчасига аниқ юридик таъриф берилди. Аммо ҳарбий жиноятлар содир этган шахсларни жазолаш ҳамда уларга нисбатан қандай санкцияларни қўллаш лозимлиги борасида давлатлар ўртасида аниқ келишувлар мавжуд эмас эди. Ушбу конвенциялар амал қилган муддат оралиғида фақат айрим аскар ва зобитлар (инг. small fry) жазоланди. Аммо ҳар доимгидек, урушни келтириб чиқарган давлат раҳбарлари, партиялар етакчилари (инг. big fish) жазоланмасдан қолаверди.

Биринчи жаҳон урушида иштирок этган барча мамлакатлар аҳолисини даҳшатга солиб қўйди. Матбуотда эълон қилинган хунрезликлар, қирғинлар тўғрисидаги хабарлар халқлар орасида норозилик кайфиятини шакллантирди. Ушбу воқеаларда айбдор шахсларни жазолаш талаб этила бошланди. Аммо Биринчи жаҳон уруши якунида ушбу масала қисман ҳал этилди, холос. 1922 йил охирида маҳаллий даражада ташкил қилинган Лейпциг процессларини адолатли бўлган ва халқаро жиноят ҳуқуқининг ривожланишига туртки бўлган деб айта олмаимиз.

Биринчи жаҳон урушидаги қонли воқеалар дунёдаги кўплаб юристларда урушни ташкил этувчи ва ҳарбий жиноятларга ундовчи раҳбар шахсларни халқаро-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш лозимлиги тўғрисидаги фикрни уйғотди. Юристлар бу масалани ҳал этиш устида жиддий ўйлай бошладилар. Юристлар ушбу масалани икки гуруҳга бўлиб ҳал этишни мақсадга мувофиқ деб топдилар:

1. Рақиб томоннинг ҳарбий хизматчиларига қарши жиноятлар;

2. Рақиб томон аҳолисига қарши жиноятлар.

Юристларнинг аксарият қисми урушнинг ўзини ҳам халқаро жиноят дея ҳисобларди. Айнан Биринчи жаҳон уруши якуни топганидан сўнг айрим сиёсатчи ва юристлар халқаро жиноятларни, хусусан, ҳарбий жиноятларни адолатли ва холис жазолай оладиган халқаро даражадаги суд органи бўлиши лозимлигини таъкидлай бошладди. Уларнинг фикрига кўра, бундан мақсад ғолиблар томонидан ташкил этиладиган судлар орқали мағлублардан уларга етказилган зарар учун қасд олишга бўлган уринишнинг олдини олиш бўлган.

1942 йил январида Германия томонидан оккупация қилинган Европанинг 9 давлати вакилларининг (Белгия, Чехословакия, Греция, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Польша, Югославия ва Франция) Лондон конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда ҳарбий жиноятчиларни жазолаш масаласи кўриб

чиқилди. 13 январь куни қўшма декларация имзоланди. Қўшма декларацияда халқаро ҳамкорлик рақибнинг зўрлик ҳаракатларига жавобан қасос олиш билан жавоб беришнинг олдини олиш учун кераклиги таъкидланган эди. Ушбу давлатлар вакиллари адолат ҳиссини туюшни хоҳлашларини алоҳида таъкидладилар. Аммо бу конференцияда имзоланган қўшма декларация ғолиб давлатлар эътиборидан четда қолиб кетди.

Нюрнберг ва Токио трибуналларида давлатлар ўртасида судланувчиларни адолатли ҳукм қилиш ва улардан айрим жанглардаги мағлубиятлар алами туфайли қасос олиш истаги ўртасида кураш пайдо бўлди. Бизнинг назаримизда, ушбу ҳолат трибунал процессидаги бир қатор вазиятларда кўзга ташланган.

1939-1945 йиллардаги ҳарбий ҳаракатларнинг биринчи ва иккинчи босқичларида, яъни 1939-1941 йилларда фашистик Германия ва милитаристик Япония иттифоқчи давлатлар ҳарбий қўшинлари устидан бир неча бор ҳарбий ғалаба қозондилар. Жумладан, Учинчи Рейх СССРга мислсиз даражада, жуда катта ҳарбий ва моддий талафот етказди. Япония эса кутилмаганда АҚШнинг Гавайи оролларидаги Пёрл-Харбор ҳарбий базасига ҳужум уюштирди. Бутун уруш даврида Германия ҳам, Япония ҳам иттифоқчи давлатларга, хусусан, СССР ва АҚШга турли қийинчиликлар туғдирди. Бу эса ўз навбатида, СССР, АҚШ ҳарбийлари, сиёсатчилари орасида уларга нисбатан нафрат ва ғалабадан сўнг мағлублардан ўч олиш ҳиссини пайдо қилди.

Нюрнберг ва Токио трибуналлари Уставлари бир-бирига жуда яқин моделда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган эди. Албатта, Нюрнберг трибунаlining Устави биринчи бўлиб қабул қилинган, унинг намунаси асосида эса Токио трибунали Устави ҳам тайёрланган эди. Бироқ ҳар икки трибунал процессида бир-бирига ўхшамаган ҳукмлар қабул қилинди. Масалан, Токио трибунали жараёнида қабул қилинган ҳукмларда ҳарбий асирларга нисбатан содир этилган жиноятлар юзасидан жавобгарликка тортиш масаласи кенг миқёсда кўриб чиқилган бўлса, бу масала Нюрнберг трибуналида алоҳида кўриб чиқилмаган эди. Хўш, нима учун бундай бўлган эди? Фикримизча, бу масаланинг жавоби АҚШнинг мағлубиятга учраган Японияга нисбатан “бироз қаттиққўллик” сиёсатини қўллаганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Ҳар икки процесс ҳукмларини қиёсий таҳлил этадиган бўлсак, судланувчиларнинг бари деярли бир хил тоифадаги ҳарбий жиноятларда айбланган, аммо чиқарилган ҳукмлар орасида сезиларли фарқ мавжуд. Мисол учун, Япония молия вазири Окинори Кая Токио трибунали Уставининг бир неча бандларига асосан айбдор деб топилди ва у 20 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жазоланади. 1955 йил эса муддатидан аввал шартли равишда озод этилади.



Шунингдек, Япониянинг Совет Иттифоқидаги элчиси, Япония ташқи ишлар вазири Мамору Сигэмитсу ҳам Трибунал Низомининг бир неча бандлари бўйича айбдор деб топилади. У 7 йил озодликдан маҳрум этилади. 1950 йилда эса муддатидан аввал шартли равишда озод этилади. Япониянинг Италиядаги элчиси Тосио Сиратори ҳам Трибунал Низомининг бир неча бандлари бўйича айбдор деб топилади. У умрбод озодликдан маҳрум этилади. Тосио Сиратори 1949 йилда турмада вафот этади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Юқоридаги ҳеч қайси мансабдор шахс ҳарбий унвонга эга бўлмаган ва ҳарбий лавозимда ишламаган эди. Улар эса айнан ҳарбий жиноятлар содир этишда айбли деб топилган. Табиийки, улар томонидан ҳарбий жиноятлар содир этилиш эҳтимоли кам бўлган. Бу ҳолат Нюрнберг процессида ҳам кузатилган, яъни айбланувчилар орасида иқтисодчи, дипломат, молиячилар бўлиб, улар катта эҳтимол билан ҳарбий жиноятлар содир этмаган эди. Нюрнберг процессида ҳарбий жиноятлар содир этмаган деб топилган 3 нафар судланувчи трибунал ҳукми билан оқланган эди. Лекин бундай оқлов ҳукми Токио трибуналида қабул қилинмади.

Маълум муддат ҳукуматга раҳбарлик қилган, 1934 йил июлидан 1938 йилгача Германиянинг Австриядаги элчиси бўлган, 1939-1944 йилларда Туркияда элчилик фаолиятини олиб борган Франц фон Папен оқланган шахслардан бири бўлди. Папен элчилик фаолияти давомида Австриядаги немиспараст ташкилотларни қўллаб-қувватлаган, Туркиянинг Германияга қарши урушга киришининг олдини олишга жиддий ҳаракат қилган эди. Шунинг учун 1942 йил 24 февраль куни Совет разведкаси томонидан унга суиқасд уюштирилган. Суиқасд эса муваффақиятли яқунланмаган.

1933-1939 йилларда Рейхсбанк президенти, 1936-1937 йилларда Рейх иқтисодиёт вазири, 1937-1942 йилларда Рейхнинг портфелсиз вазири бўлган Ялмар Шахт ҳам оқланди. У Американинг йирик корпорациялари билан яқин алоқаларга эга эди. Гитлерни улар билан таништирган шахслардан бири ҳам айнан у эди. Германия иқтисодиётини урушга тайёрлаш иши Я.Шахтга топширилган эди. Мамлакат молия ва пул-кредит тизими устидан тўлиқ назорат ўрнатган Шахт 1939 йилнинг сентябрида Германиянинг Польшага қилган ҳужумини кескин қоралайди. Шунингдек, СССРга қилинган ҳужумга ҳам норозилик билан муносабат билдиради. Чунки унинг фикрига кўра, Германия иқтисодий сабабларга кўра мағлубиятга учраши аниқ эди. У 1941 йил 30 ноябрь куни А.Гитлерга фашистик режимни танқид қилиб хат жўнатади. 1942 йил 22 январда эса портфелсиз вазир лавозимидан ҳам истеъфога чиқади. XX асрнинг 30 йилларида у Гитлер ва унинг жамоаси таркибида бўлган бўлса-да, урушнинг тобора ҳам сиёсий, ҳам иқти-

содий инқирозга айланаётганини ҳис қилган Шахт Гитлерга қарши уюштирилган 1944 йил 20 июлдаги полковник Штауффенберг бошчилигидаги суиқасдда иштирок этганликда айбланиб ҳибсга олинади ва концлагерга жўнатилади.

Учинчи оқланган шахс 1933 йил 1 майда Германия национал-социалистлар партияси аъзосига айланган журналист, радиобошловчи Ганс Фриче бўлди. Процесс давомида унинг фуқароларни, ҳарбийларни инсониятга қарши жиноятларга ундамаганлиги, шунингдек, ҳарбий жиноятлар содир этмаганлиги қайд этилди.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, СССР судьяси Никитченко барча оқлов ҳукмларига нисбатан норозилик (протест) билдиради ҳамда бу борадаги алоҳида фикрини процесс ҳужжатлари орасига киритади. Никитченконинг билдирилишича, Я.Шахт гарчи бевосита ҳарбий жиноятлар содир этмаган бўлса-да, бевосита унинг имзоси билан ажратилган маблағлар ҳисобига танклар, ҳарбий самолётлар, артиллерия ва умуман барча турдаги қурол-яроғлар ишлаб чиқарилган, шунингдек, сотиб олинган. Шу жиҳатдан ҳам уни айбдор деб топишни сўраган эди. Киритилган протест бошқа судьялар томонидан рад этилди. Бундай айблов кейинчалик Токио трибуналида ҳам эълон қилинади. Аммо Токио трибуналида ҳеч ким бу борада айбсиз деб топилмайди.

Гап шундаки, Германия билан бўлган урушда энг кўп йўқотишлар СССР ҳиссасига тўғри келди. Шунинг учун ҳам СССР раҳбарияти бефарқ қарай олмади ҳамда унинг процессда иштирок этган делегацияси Рейхнинг собиқ раҳбарларига нисбатан “аёвсиз” ҳуқуқий кураш олиб борди. Даставвал, СССР судьялари ва прокурорлари судланувчиларнинг адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини умуман тақиқлашни сўрашди. Процесс давомида Совет делегациясининг Москва билан боғланиши билан боғлиқ муаммолар, раҳбарият позициясини билмасдан туриб судда фикр билдирмаслик ҳолатлари делегацияни “кулгили ҳамда ноқулай” ҳолатга солиб қўйди. Токи раҳбарият позицияси маълум бўлиб, процессда далиллар ва фактлар келтирилгунича, АҚШ, Буюк Британия, Франция делегациялари вакиллари судланувчилар сўроғини яқунлар, иш билан боғлиқ далилларни кўриб чиқар ва кўпчилик овоз билан далилларнинг мақбуллиги ёки мақбул эмаслиги ва ишга доир ёхуд доир эмаслиги масалаларини ҳал этарди. Охир-оқибатда, Совет Иттифоқи юристларининг кўплаб кечикиб тақдим этилган далиллари бутун процесс давомида инobatга олинмай қолаверди.

1946 йил 5 март куни Буюк Британиянинг собиқ бош вазири У.Черчиллнинг “Фултон нутқи”да “Шарқий коммунизм”га қарши курашиш лозимлиги билдирилгач, процессда жиддий қарама-қаршилиқлар юзага келди. АҚШ иложи борича судланувчиларнинг айб-

дорлик даражасини камайтиришга, аксарият ҳолатларда эса умуман айбловни бекор қилишга ҳаракат қила бошлади. СССР юристлари эса судланувчиларга нисбатан янада қаттиқроқ санкциялар қўлланилиши учун ҳаракат қилишди. СССР раҳбарияти барча судланувчиларни айбдор деб ҳисоблар, уларнинг айбини процессда исботлаш шарт эмаслигини, уларнинг барчаси ўлим жазосига ҳукм этилиши кераклигини таъкидларди. АҚШ ўз мақсадига эришди, судланувчиларнинг 3 нафари оқланди, бир неча нафари турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. СССР учала оқловчи ҳукмлар устидан ҳам протест киритди ва СССР судьялари ҳамда прокурорлари бу борада алоҳида фикрларини процесс ҳужжатларига қўшиб қўйишди.

Токио трибунали жараёнида АҚШнинг процесси ишида яққол гегемон эканлиги аён бўлди. Нюрнберг процессида судланувчиларга қилинган америкалик юристларнинг “ён бериши” ушбу трибуналда умуман кузатилмади. Аксинча, СССР Нюрнберг процессида судланувчиларга нисбатан қандай муносабатда бўлган бўлса, бу гал ушбу муносабат ўрнини АҚШ эгаллади. АҚШ “ўз қасоси”ни олишга деярли муваффақ бўлди.

Фақат Токио трибуналида қизиқ бир ҳолат содир бўлди. Калькутта университети юридик факультети ўқитувчиси, Калькутта Олий суди судьяси Радхабиннад Пал кутилмаганда барча айбланувчиларни оқлаш лозимлигини билдирди ва процессда оқлов ҳукмини сўраган ягона судья бўлди. Унинг процесс ҳужжатларига киритилган алоҳида фикрида билдирилишича, иттифоқчи давлатлар томонидан қўйилган айбловларнинг (инсониятга ва тинчликка қарши жиноятлар, агрессия каби ҳарбий жиноятлар) аниқ юридик таърифлари уруш якунланганидан сўнг ишлаб чиқилганлиги туфайли судланувчиларни ушбу жиноятларни содир этишда айблаб бўлмайди. Қолаверса, у Токио трибуналини қўштирноқ ичидаги “ғолибларнинг одил судлови” дея ҳисоблайди. Негаки Нюрнберг процессида фақат ғолиб бўлган 4 давлат судьялари ва прокурорлари иштирок этган, Токио трибуналида ҳам 11 судьянинг 9 нафари Япониянинг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги шартномани имзолаган давлатлар вакиллари эди.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, гарчи процесс ҳукмларини умумий жиҳатдан адолат тамойилларига асосланган деб ҳисобласак-да, ҳам Нюрнберг, ҳам Токио трибуналлари ишида айрим ҳолатларда адолат мезонларига риоя этилмаганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ҳар икки процессда адолатни таъминлашга бўлган уринишдан кўра сиёсий амбицияларга кўпроқ эътибор қаратилганлигини англатади.

Нюрнберг ва Токио процесси натижаларига бир неча салбий омиллар таъсир этган бўлсада, ҳар икки трибунал халқаро жиноят ҳуқуқи тарихида жуда муҳим воқелик сифатида қабул қилинди. Ушбу процесс халқаро миқёсда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлатларни халқаро ҳамкорлик қилишга ундади. Нюрнберг процессида илк бор “геноцид” тушунчаси тилга олинди.

Айрим давлатларга эса бу процесс “сабоқ” вазифасини ҳам ўтади. Хусусан, процесс ишида иштирок этган СССР юристлари делегацияси СССР раҳбарияти позициясини халқаро ҳамжамиятга қабул қилдиришга уринган эди. Аммо делегация вакиллари процесс давомида бунинг халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид эканлигини англаб етди.

Процесс натижалари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича турли соҳалардаги халқаро конвенция ва пактлар қабул қилинишига туртки бўлди ва бунинг учун ҳуқуқий асос вазифасини бажарди. Нюрнберг ва Токио процесси натижалари юристлар наздида ҳеч бир мамлакат ёки ташкилотга қарам бўлмаган алоҳида халқаро даражадаги суд органи ташкил этиш лозим эканлигини тасдиқлади. Халқаро жиноят суди ташкил этилаётганда эса Нюрнберг ва Токио трибуналларида йўл қўйилган юридик хатоликлар инобатга олинди.

Халқаро жиноят судининг ташкил этилиши халқаро ҳуқуқ тарихи, жумладан халқаро жиноят ҳуқуқи тарихида ҳам муҳим воқеалардан бири бўлди. 1998 йил 17 июлдаги Халқаро жиноят судининг Рим Статути матни 2002 йил 1 июлидан кучга кирди. Халқаро жиноят суди Рим статутида илк бор “халқаро жиноят”, “ҳарбий жиноятлар” тушунчаларига аниқ ҳуқуқий таърифлар шакллантирилди.

#



Барно КАДИРОВА,  
Бош прокуратура Академияси  
таянч докторантураси докторанти

## ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик, бунда прокурор назоратининг ўрни ва аҳамияти, ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматривается законодательство в сфере борьбы с пытками, роль и значение прокурорского надзора, а также приводятся предложения по совершенствованию законодательства в этой сфере.

**ABSTRACT:** This article discusses anti-torture legislation, the role and importance of prosecutorial supervision, and proposals for improving legislation in this area.

**Калит сўзлар:** қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик, прокурор назорати, маъмурий қамоқ, терговга қадар текширув.

**Ключевые слова:** законодательство о борьбе с пытками, прокурорский надзор, административное задержание, доследственная проверка.

**Key words:** anti-torture legislation, prosecutor's supervision, administrative detention, pre-investigation check.

Биз инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз юритганимизда инсонларнинг турли соҳадаги ҳуқуқларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Жумладан, шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва ҳоказо. Инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан бири — бу унинг ҳар қандай тажовузлардан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқидир. Қийноқ ҳам инсонга бўлган тажовузнинг бир кўриниши бўлиб, ўзининг характерига кўра ижтимоий хавфли жиноий қилмишдир.

Қийноққа солиш ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турлари қўлланилишининг олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”лиги мустақамлаб қўйилган. Муайян жиноятга қарши курашда жавобгарликнинг муқаррарлиги муҳим аҳамият касб этади. Қийноққа солиш жинояти учун жавобгарлик масаласи халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси<sup>1</sup> қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш деб номланиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқдорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбур-

лаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш келтирилган.

Ушбу жиноят субъектлари сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Аммо қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятдан ҳар қандай жабрланувчи бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш ва қийноққа қарши курашишни тартибга солувчи нормаларнинг амалиётда қўлланилиши ва ижросининг назорати муҳим ҳисобланади.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳам қонунлар ижросини назорат қилишга қаратилган. Яъни фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш, тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шу ўринда ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазо-

ларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш<sup>2</sup>ни амалга оширади.

Бундан ташқари, прокурорлар ушланганларни вақтинча сақлаш, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида ҳамда тергов ҳибсхоналарида, тарбия колонияларида, махсус мактаб ва бошқа болалар таълим муассасаларида вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларининг қонунийлигини назорат қиладилар. Уларнинг шаъни, қадр-қиммати, соғлиғига путур етказадиган тазйиқ ўтказиш, азоб ва қийноққа солиш, шунингдек ғайриқонуний равишда ушлаш, ҳибсга олиш, жиноий жавобгарликка тортиш, судланиш ҳолларига йўл қўймаслик чораларини кўрадилар<sup>3</sup>.

Хусусан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш мақсадида қўлланишининг олинган олишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни кўрадиган бўлса, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 декабрдаги “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонуни<sup>4</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 августдаги “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”<sup>5</sup>ги буйруғида тартибга солинган.

“Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунда маъмурий қамоқ муддатини ўташ тартиби билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш белгиланган бўлса, 8-боби Жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш деб номланиб, жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш маъмурий қамоққа олинган шахсларга азоб-уқубат етказилишига олиб бормаслиги, шунингдек шафқатсиз, ғайринсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи тазйиқлар билан амалга оширилмаслиги лозимлиги акс эттирилган.

Хусусан, махсус қабулхона маъмурияти ва ходимлари маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан дарҳол чоралар кўриши шартлиги белгиланган. Қолаверса, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларига, шунингдек ўзига-ўзи зарар етказишига барҳам бериш мақсадида махсус воситалар қўлланилиши мумкин. Махсус воситаларга тинчлантириш кўйлаклари, резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқа боғлаш воситалари, кўздан ёш оқизувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-то-

вуш мосламалари, хоналарни очиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар кириши кўрсатилган.

Шунингдек, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг жиноятлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларига барҳам бериш мақсадида улар махсус қабулхона ходимларининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатишини бартараф этиш учун, агар қонуний талабларнинг улар томонидан бажарилишини жисмоний куч ишлатмай, бошқа усуллар билан таъминлашнинг иложи бўлмаса, уларга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкинлиги келтирилган. Ушбу ҳолатлар махсус қабулхона ходимларининг маъмурий қамоқ муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада таъминланмаслиги ва уларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ва жисмоний куч ишлатишига, қолаверса, қонунга хилоф руҳий, психологик таъсир ўтказишга имконият яратиш мумкин. Прокуратура органлари назорат функциясини бажаришда маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига жисмоний куч ишлатиши ёки махсус воситаларни қўллаш натижасида зарар етказилган бўлса, ушбу зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида дарҳол прокурорга хабар қилиниши келтирилган. Мазкур ҳолат бўйича маъмурий қамоққа олинган шахсларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш ёки махсус воситаларни қўллаганлигига ҳуқуқий баҳо берилади.

Жиноят процессида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида прокуратура органларига мазкур етказилган зарар ҳар бир ҳолат тўғрисида дарҳол келиб тушган хабар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ички буйруғи асосида кўриб чиқилади. Хусусан, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларнинг кўриб чиқилишида тергов ҳибсхоналари ва озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш жойларида содир бўлган оммавий тартибсизлик, мазкур муассасалар фаолиятини издан чиқаришга қаратилган ёки оғир оқибатларга олиб келган ҳаракатлар ва жисмоний куч ишлатиш ёки махсус воситаларни қўллаш асослари қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати кучайтириш ва ҳуқуқий баҳо беришга қаратилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ички ишлар вазирлигининг буйруғида эса маъмурий қамоққа олинган шахс томонидан махсус қабулхона ходимларига фаол қаршилик кўрсатилган ҳолларда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида ички ишлар органи ходими махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам, агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органи ходимининг

2 “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси

3 Б.Х.Пулатов “Прокурор назорати” - Б.240.

4 ЎРҚ-420-сон 09.01.2017. Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида (lex.uz) (16.04.2021 й.)

5 3073-сон 29.09.2018. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz) (18.04.2021 й.)



зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, яъни фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтаришда, жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда, жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида, зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда, қуролли қаршилик кўрсатётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, захарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлаш ва бошқа ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гурух) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эгаллиги акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органи тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасида қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланади. Ички ишлар органи ходими фуқарога қасддан оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шартлиги келтирилган. Бундан ташқари, ушбу қонунда ҳам маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахсларни қамоқда сақлаш, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаши ҳамда қўриқлаши, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига тақсимлаш, жазони ижро этиш муассасаларида ҳамда қамоқда сақлаш жойларида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг сақлашни шароитларини ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаши келтирилган.

Асосий жиҳатларидан яна бири, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги<sup>6</sup> Қарорида ҳам далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш қатъийан ман этилган.

Ушбу Пленум қарорида қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижа-

сида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмаслиги, суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шартлиги, суриштирувнинг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаат факти бўйича арз қилинган вазиятни синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар кўришлари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида<sup>7</sup> эса агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали<sup>8</sup> ёки жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш йўли билан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Ушбу Пленум қарорида ЖКнинг 235-моддаси ва 1984 йил 10 декабрдаги “Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция”нинг 1-моддасига кўра, қийноқлар ҳамда бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо деганда, мансабдор шахс ёки бошқа расмий шахс томонидан ёхуд расмий ёки бошқа шахс далолатчилиги ёки хабардорлиги ёхуд индамасдан берган розилиги билан бошқа шахс томонидан содир этилган ҳаракат тушунилиб, унинг натижасида қасддан шахсга қуйидаги мақсадларда кучли оғриқ, жисмоний, руҳий ёки психологик азоб етказилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленум “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қароридан ҳам келтирилган.

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши юзасидан прокурор назоратини таъминлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши” Конвенцияси ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишига қатъий амал қилиниши муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 17-моддасида эса шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш деб номланиб, судья, прокурор, тер-

6 17-сон 19.12.2003. Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида (lex.uz) (19.04.2021 й.)

7 24-сон 24.08.2018. Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида (lex.uz) (22.04.2021 й.)

8 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (lex.uz) 95<sup>1</sup>-модда

говчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишлари шартлиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги келтирилган.

Этибор қаратилиш керак бўлган жиҳатлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармонида шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш ва жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмининг жорий қилиш масалалари келтирилган.

Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланиши қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлишнинг олдини олиб, жиноят иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини янада таъминлайди.

Хусусан, гувоҳлар, жабрланувчилар, жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг жиноят иши олиб борилишидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”<sup>9</sup> ги Қонуни 4-моддасида ҳимоя қилинувчи шахслар жабрланувчи ва унинг қонуний вакили, гувоҳлар, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, маҳкум, эксперт, мутахассис, таржимон ва холислар ҳамда уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилинувчи шахслар бўлиши мумкинлиги келтирилган. Бундан ташқари, жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши кўзғатилгунга қадар аризачига, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашув-

чи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги келтирилган.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор, суд шахсни ўлдириш, унга зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкни йўқ қилиш ёки мол-мулкига шикаст етказиш ёхуд унга нисбатан бошқача ғайриқонуний қилмиш содир этилиши таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги ариза ёки хабарни олгач, текшириб кўриши ва бу шахсга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёхуд уларни қўллашни рад этиш ҳақида уч сутка ичида, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса дарҳол қарор қабул қилиши шарт. Агар ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш таъминланмаса қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарлиги белгиланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ва назорат қилишда прокуратура органларининг асосий вазибалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва қийноққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш ҳам муҳим ҳисобланади. Жиноят процесси иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва маъмурий қамоқ муддатини ўтаётган шахслар махсус қабулхона ходимларининг жисмоний куч ишлатилиши олдини олиш ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкумлар, гувоҳлар, жабрланувчилар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга доир қонунчилик нормалари ижросини назорат қилиш, қийноққа солганлик учун жавобгарликни келтириб чиқариш ва жавобгарликни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, маъмурий қамоққа олинган шахслар ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналардаги шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текширувни ўтказиш вилоят прокуратураси миқёсидаги терговчи ёки бошқа ҳудуд терговчилари томонидан бундай аризаларни кўриб чиқиб, терговга қадар текширувни ўтказиш муҳим ҳисобланади. Чунки муайян ҳудудда содир этилган қийноққа солиш билан боғлиқ аризаларни кўришда ўша ҳудуд терговчисини холислигини таъминлаш ҳамда ортиқча таъсирлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади ҳамда юқори турувчи прокурор томонидан назорат ўрнатилиши янада таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

#

9 ЎРҚ-515-сон 14.01.2019. Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида (lex.uz)



## ТЕРРОРЧИЛИК ХУСУСИЯТИГА ЭГА ЖИНОЯТ СИФАТИДА ҚЎПОРУВЧИЛИК ОБЪЕКТИВ ТОМОНИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада террорчилик хусусиятига эга қўпоровчилик жиноятининг объектив томони тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларининг илмий-назарий тавсифи таҳлил қилинган. Қўпоровчилик объектив томони тўғрисида миллий қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, жиноят ҳуқуқи соҳасидаги мутахассис олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган. Мақолада амалга оширилган таҳлиллар натижаси бўйича қўпоровчилик жинояти объектив томони таркибини кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье проанализировано понятие объективной стороны диверсии как преступления террористического характера и дано научно-теоретическое описание его специфических черт. Проанализировано национальное законодательство об объективном аспекте подрывной деятельности, а также взгляды ученых, специализирующихся в области уголовного права. На основании анализа статьи внесены предложения по расширению содержания объективной стороны диверсии, как преступления террористического характера.

**ABSTRACT.** The article analyzes the concept of the objective side of diversion as crimes of a terrorist nature and gives a scientific and theoretical description of their specific features. Analyzed the national legislation on the objective aspect of subversion, as well as the views of scientists specializing in the field of criminal law. Based on the analysis of the article, proposals were made to expand the content of the objective side of the crime of diversion.

**Калит сўзлар:** террорчилик хусусиятига эга жиноят, қўпоровчилик, қўпоровчиликка қарши курашиш, қўпоровчиликнинг объектив томони, ижтимоий хавфли қилмиш.

**Ключевые слова:** преступления террористического характера, диверсия, борьба с диверсией, объективная сторона диверсии, общественная опасное деяние.

**Key words:** terrorist crimes, diversion, the fight against diversion, the objective side of diversion, socially dangerous act.

Қўпоровчилик ижтимоий хавфли қилмиш сифатида бошқарув шаклидан қатъи назар, кўплаб давлатларнинг жиноят қонунчилигида тақиқланган. Қўпоровчилик (лот. “diversio” – “чалғиш”) адабиётларда мақсадга эришиш учун энг муҳим объектлар ёки уларнинг элементларини портлатиш, ўт қўйиш, сув бостириш, шунингдек, жанг қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа бузғунчи усулларни қўллаган ҳолда ишдан чиқариш бўйича қўпоровчи гуруҳлар ёки алоҳида шахслар томонидан махсус пухта тайёргарлик кўрилган, яширин чора-тадбирлар сифатида таърифланади<sup>1</sup>.

Қўпоровчилик – портлатиш, ўт қўйиш ёки бошқа усул билан корхоналар, иншоотлар, йўллар, алоқа воситаларини ёхуд бошқа давлат, жамоат мулкни бузиш ёки шикастлантириш, ёппасига заҳарлаш ёки эпидемиялар ва эпизоотиялар тарқатиш (ҳайвонларга касаллик юқтириш) ва ҳ.к.<sup>2</sup>

Қўпоровчилик жиноий қилмиш сифатида қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: биринчидан, қўпоровчилик фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, у давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётга

путур етказишга қаратилган. Бунда қўпоровчининг қасди давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш ёки иқтисодиётга путур етказишни қамраб олади. Иккинчидан, қўпоровчилик фаолияти кўпинча яширин, хаспўшланган хусусият касб этади (технологик фалокат сифатида кўрсатиш ва ҳ.к.). Учинчидан, қўпоровчилик фаолияти уюшган ҳолда иштирокчиликда содир этилиб, мазкур жиноятларга имкон қадар кўпроқ шахсларни жалб этишга ҳаракат қилинади. Бундай ҳолларда, иштирокчиларнинг террорчилик ва бошқа тақиқланган радикал ташкилотларнинг истакларини рўёбга чиқариш мақсадида амалга оширилганлигини инобатга олиш лозим.

Кўп ҳолларда қўпоровчилик жинояти оқибатида на ҳарбий ҳаракатларга, на қабул қилинган сиёсий қарорларга дахли бўлмаган оддий фуқаролар жабр кўрадилар. Қўпоровчилик ҳаракатлари кўп сонли инсонларнинг бевақт ўлими, кўп миқдордаги моддий бойликларнинг вайрон (нобуд) бўлиши, жиддий иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва бошқача оқибатларга сабаб бўлиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, қўпоровчилик тизимли, давом этувчи хусу-

1 Давитадзе М.Д. Уголовная ответственность за диверсию // Вестник Московского университета МВД России. – 2020. – №3. – С. 169.  
2 Qomus.info onlayn ensiklopediya // www.qomus.info/encyclopedia/cat-q/qoporuvchilik-uz/

сият касб этиши мумкин бўлиб, мазкур ҳолатларда ташкилотчи, бажарувчи ва ёрдамчиларни аниқлаш қийин бўлади.

Шу муносабат билан руминиялик олим Г.Дьяконеску қўпоровчиликнинг ижтимоий хавфини “ўзининг йирик жамоатчилик резонанси туфайли қўпоровчилик ҳаракатлари жамият асосларига путур етказди, аҳолида қўрқув, хавотир, мағлубият, давлат органларининг ижтимоий муносабатларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш қобилятига бўлган ишончсизлик туйғуларини келтириб чиқаради. Жамиятдаги ушбу ҳолатларга ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлар ҳам эътибор қаратиши натижасида бошқа турли кутилмаган салбий оқибатлар рўй беради”<sup>3</sup>, деб баҳолайди.

Қўпоровчилик содир этилиши натижасида мамлакат халқ хўжалигининг муҳим объектлари йўқ қилиниши мумкин. Бу эса иқтисодиётга катта зиён етказди. Қўпоровчилик натижасида одамлар ҳалок бўлади, уларнинг соғлиғига зарар етказилади, аҳолининг руҳий ҳолатига салбий таъсир этилади, саросимага тушиш ва бошқа салбий ҳодисалар юз бериши мумкин. Қўпоровчиликнинг ҳайвонларни қириб, нобуд қилишга йўналтирилган тури ҳам бор, қўпоровчилар бу билан халқ хўжалигини барбод этиш мақсадини кўзлайдилар. Кишиларни заҳарлаш, юқумли касалликлар тарқатиш шаклидаги қўпоровчилик ҳаракатлари ҳам оғир жиноятлардан ҳисобланади<sup>4</sup>.

Мазкур жиноятнинг объектив томонини ўрганиш уни тўғри квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, жиноят таркибининг объектив томони ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, ижтимоий хавfli оқибатни, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ўртасидаги сабабий боғланишни (зарурий), жиноят содир этилган вақт, жой, вазият ва жиноятни содир этиш усулини (факультатив) ўз ичига олади<sup>5</sup>. Бу – жиноий қилмишнинг ташқи томонини тавсифловчи юридик аҳамиятга эга белгилар мажмуи. Жиноятнинг объектив томонини жиноий қилмишнинг ўзаги деб аташ мумкин. Зеро, қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги энг аввало жиноятнинг ташқи томонида объективлашади. Демак, жиноятнинг объектив

томони – бу бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган қилмишни содир этишдир.

Бу борада латвиялик профессор У.Крастинс жиноят ҳуқуқида “ҳаракат” атамасининг мазмунини тунтириб экан, ҳаракат – шахснинг жиноий ҳаракат объектига қаратилган, онгли, фаол ва ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори бўлиб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказди ёки етказиш хавfli остида қолдиради<sup>6</sup>.

Бошқа манбаларда ёзилишича, жиноятнинг объектив томони – қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан муайян шарт-шароит, жой ва вақтда амалга ошириладиган ташқи тажовуз ҳисобланади<sup>7</sup>.

Жиноят ҳуқуқида объектив томон ўта муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, биринчидан, жиноят ҳуқуқи нормасининг диспозициясида жиноят-ҳуқуқий тақиқининг моҳиятини, хусусан, унинг ташқи шаклини очиб беради, бу эса, муайян ижтимоий хавfli ҳаракатни тўғри квалификация қилишга имкон беради. Иккинчидан, жиноят таркибий қисмларидан бири сифатида объектив томон қилмиш учун жиноий жавобгарликни белгилашнинг зарурий ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Учунчидан, ҳукм чиқаришда объектив томоннинг белгилари (у ёки бу объектга қарши қаратилган ижтимоий хавfli қилмиш – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик; ижтимоий хавfli оқибат; қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш; жиноятни содир этиш усули, жойи, вақти, воситалари ва қуроли) ҳисобга олинади<sup>8</sup>.

Бевосита қўпоровчилик жиноятининг объектив томонга тўхталадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 161-моддасида мазкур жиноят одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар орқали содир этилиши белгиланган. Жиноят ҳаракатсизлик оқибатида амалга оширилмайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур жиноят бошқа турдош жиноятлардан ўзининг мақсадига кўра фарқланади. Яъни қўпоровчиликда юқоридаги ҳаракатлар “Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий ва-

3 Diaconescu Gh. *Infrațiunile in Codul penal roman*. Vol. I. – Bucuresti: Oscar Print, 1997. – 481 p.

4 Qomus.info onlayn ensiklopediya // [www.qomus.info/encyclopedia/cat-q/qoporuvchilik-uz/](http://www.qomus.info/encyclopedia/cat-q/qoporuvchilik-uz/)

5 Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. В пяти томах. Т.1. Общая часть. Учение о преступлении. Учебник для вузов. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 205.; Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2004. – Б. 132.; Очиллов Ҳ. Саволлар ва жавоблар. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўқув-услубий қўлланма / Маъсул муҳаррир: проф. Ф.Тоҳиров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 28.; Мальцев В.В. Объективная сторона преступления (факультативные признаки). – М., 1995. – С. 17.; Ковалев М.И. Проблемы учения об объективной стороне преступления. – Красноярск, 1991. – С. 24.

6 Krastiņš U. *Noziedzīgs nodarījums*. – Rīga, 2000. – 50.lpp.

7 Уголовное право России: в 2 т. Т. 1. Общая часть / отв. ред. А.Н. Игнатов, Ю.А. Красиков. – М., 1998. – С.114.; Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2003. – С.85. ва б.қ.

8 Торговченков В.И. Объективная сторона заведомо ложного сообщения об акте терроризма // Вестник ТГУ. – 2012. – № 1(105). – С.259-261.



зиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодийётига путур етказиш” мақсадида содир этилади.

Бунда қўпоровчиликнинг объектив томони унинг турларига қараб фарқ қилиши мумкин. Масалан, қўпоровчиликнинг иқтисодий, сиёсий, ахборот (мафкуравий), психологик (миш-мишлар тарқатиш), киберқўпоровчилик (электрон қўпоровчилик, хакерлар ҳужуми) каби турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Хусусан, қўпоровчилик объектив томони жиноят содир этиш усулларида бири бўлган одамларни қириб юбориш деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўлимига сабаб бўладиган ҳаракатларни тушуниш лозим. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қўпоровчилик оқибатида одам ўлими кўринишида оқибат келиб чиқадиган бўлса, ушбу жиноят таркиби билан қамраб олинади. Лекин, шу билан бирга қўпоровчилик Жиноят кодекси 97-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ шахсни ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда қасддан ўлдириш жиноятларидан субъектив томони билан фарқланади.

Яъни ушбу икки жиноят объектив томондан ўхшаш бўлсада, қўпоровчилик давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодийётига путур етказиш мақсадида содир этилиши билан фарқланади. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, ЖК 97-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар учун ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, қўпоровчилик учун ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шу боис, фикримизча, мазкур жиноят одамлар ўлимига сабаб бўладиган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 161-моддаси иккинчи қисмида белгилаш ҳамда ушбу ҳаракат учун жиноий жазо миқдорини ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Қўпоровчилик жинояти объектив томондан одамларнинг соғлиғига зиён етказиш орқали ҳам содир этилиши мумкин. Бунда одамларнинг соғлиғига зиён етказиш деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатини етказиш тушунилади.

Шу билан бирга, мол-мулкка шикаст етказиш – бу иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш имконияти мавжуд бўлган моддий объектларни қисман ёки вақтинчалик яроқсиз ҳолга келтириш, мол-мулкни йўқ қилиш эса, моддий объектларни шундай ҳолатга келтиришки, уларни қайта тиклаш имкони бўлмасли-

ги ёки қайта тиклаш иқтисодий жиҳатдан бефойда бўлган ҳолатидир<sup>9</sup>. Бошқача айтганда, мол-мулкка шикаст етказишда моддий объект вақтинча ишдан чиқарилиб, уни қайта тиклаш имконияти сақлаб қолинади, йўқ қилишда эса, у тўлиқ ишдан чиқади ҳамда уни қайта тиклаб бўлмайди ёки қайта тиклаш иқтисодий жиҳатдан зарарли бўлади.

Умуман олганда, қўпоровчилик одатда бошқалар учун ижтимоий хавфли бўлган усуллар, хусусан, портлатиш, ўт қўйиш, сув бостириш, оммавий заҳарлаш, эпидемия, эпизоотия тарқатиш ва бошқа қўпчилик учун хавфли бўлган усулларда содир этилади. Қўпоровчилик бундан ташқари давлат органлари нормал фаолияти, ижтимоий инфратузилма ёки иқтисодий тармоғида муҳим бўлган объектларни вайрон қилиш ёки уларга шикаст етказиш, шу жумладан, технологик тартиб-таомилларни ёки хавфсизлик қоидаларини қасддан бузиш орқали турли хил техноген фалокатлар, ишлаб чиқариш аварияларини уюштириш, муҳим объект, масалан, коммуникация, энергетика, транспорт ёки алоқа инфратузилмаси объектининг ишламай қолишига олиб келадиган уларнинг бир қисмига шикаст етказиш каби ҳаракатлар орқали ҳам содир этилиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 278<sup>5</sup>-моддасида “Компьютер саботаж”, яъни ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб келаётган ҳамда “Электрон ҳукумат” тизими сезиларли даражада шаклланиб бўлганини ва натижада бугунги кунда айрим тизимлар давлат органлари фаолиятини ташкил этишга бевосита таъсир кўрсатишини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 278<sup>5</sup>-моддасида белгиланган ҳаракатлар “давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодийётига путур етказиш” мақсадида содир этилганда қилмишни қўпоровчилик сифатида ЖК 161-моддаси билан квалификация қилиш тўғри бўлади.

Мазкур, қўпоровчилик жинояти айнан террорчилик хусусиятига эга жиноятлар турига киритилганлиги ҳам унинг табиатан террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда ҳам амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатади. Махсус тайёргарлик кўрган, бир гуруҳ шахслар томонидан террористик ҳаракатларни содир этиш ва ўзларининг айнан мақсадларига эришиш учун қўпоровчиликни содир этиш ҳолатлари ҳам хориж тажрибасида қўп-

9 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.3. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр. – Тошкент: ҲТИ, 2018. – Б.438.

гина. Ушбу ҳолатда қўпоровчиликни содир этганларнинг террористик ташкилотлар билан алоқадорлиги, уларнинг кўрсатмалари ёки буйруқлари асосида бажарилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим ҳамда уларнинг ҳаракатларини қўшимча тарзда ЖКнинг 155, 155<sup>2</sup> ва бошқа тегишли моддалар билан квалификация қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, қўпоровчиликни содир этиш усуллари жиноят квалификациясига таъсир этмайди, балки жинойи жазо миқдорини белгилашда инobatга олинаши мумкин.

Жиноят қонунида қўпоровчилик формал таркибли жиноят сифатида шакллантирилган. Яъни ушбу жиноят давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказишга қаратилган одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ҳаракатларини содир этган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Қўпоровчилик оқибатида одамлар ўлими, уларнинг соғлиғига зиён етиши, мол-мулклари шикастланиши ёки йўқ қилиниши тарзидаги оқибатлар қўпоровчиликни тамомланган жиноят сифатида баҳолаш учун аҳамиятга эга эмас. Бунда, оқибат келиб чиқмасида, шахснинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки

иқтисодиётига путур етказишнинг ўзи эканлиги кифоя қилади. Бироқ, қўпоровчилик натижасида келиб чиққан оқибатлар ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига таъсир кўрсатади ва шу тариқа мазкур қилмиш учун жазо белгилашда суд томонидан инobatга олинади.

Хулоса қилиб айтганда, қўпоровчилик ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган Ўзбекистон Республикасига қарши оғир жиноятлардан бири бўлиб, унга қарши самарали курашиш ҳамда жавобгарликни дифференциация қилиш мақсадида ЖКнинг 161-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

Қўпоровчилик, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка, шунингдек ахборот тизими хавфсизлигига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- в) одамлар ўлимига;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, - ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

#



Диёрбек ИБРАГИМОВ,  
Бош прокуратура Академияси таянч докторантураси докторанти

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади ва ушбу мақсадга эришиш учун прокуратура органларига қўйиладиган вазифалар илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг бошқа назорат йўналишларидан фарқли равишда ўзига хос жиҳатлари амалий мисоллар билан ёритиб берилган ҳамда ушбу соҳада прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье анализируется цель прокурорского надзора за исполнением законодательства о несовершеннолетних и задачи, поставленные перед прокуратурой для достижения этой цели с научной и практической точки зрения. Кроме того, особенности прокурорского надзора за исполнением законодательства о несовершеннолетних, в отличие от других сфер контроля, проиллюстрированы практическими примерами и предложениями по повышению эффективности прокурорского контроля в этой сфере.

**ABSTRACT.** The article analyzes the goal of prosecutorial supervision over the implementation of legislation on minors and the tasks set for the prosecutor's office to achieve this goal from a scientific and practical point of view. In addition, the peculiarities of prosecutorial supervision over the implementation of legislation on minors, in contrast to other areas of control, are illustrated by practical examples and proposals for increasing the effectiveness of prosecutorial control in this area.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, прокурор назорати, прокурор назоратининг мақсади, прокурор назоратининг вазифаси, прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

**Ключевые слова:** несовершеннолетние, прокурорский надзор, цель прокурорского надзора, задача прокурорского надзора, особенности прокурорского надзора.

**Key words:** minors, prosecutorial supervision, purpose of prosecutorial supervision, task of prosecutorial supervision, features of prosecutor's supervision.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади, вазифалари ва ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш, ушбу соҳада прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги белгилаб берилди. Бу борада, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ.

Юридик адабиётларда, ҳуқуқшунос олимларнинг прокурор назорати соҳасидаги илмий ишларида

“мақсад” ва “вазифа” тушунчалари атрофлича таҳлил этилган бўлиб, доим ҳам улар бир хил тарзда баён этилмаган, яъни баъзи ҳолларда аралаштирилиб юборилган.

Хусусан, О.П.Копылованинг фикрича, вазифа ва мақсад ўзига хос табиати билан бир-биридан ажралиб туради. Қўйилган вазифаларни бажариш, мақсадга эришишга ёрдам беради<sup>1</sup>. Айрим изоҳли луғатларда мақсад ва вазифа, кўпинча, бир-бирига ўхшаш мазмунда талқин этилади. Жумладан, “мақсад – эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао”, деган маънони англатиши белгиланган бўлса, “вазифа – амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган масала, эришилиши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад”<sup>2</sup>, деб қайд этилган. Бошқа бир манбаларда “вазифа – амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад, мақсадли иш”<sup>3</sup>, деган маънони тушунилиши баён этилган.

Таъкидлаш жоизки, “мақсад” ва “вазифа” тушунчаларининг ўзаро фарқли жиҳатларини аниқлаб олиш ва бу орқали прокуратура органларининг вояга ет-

1 Копылова О.П. Прокурорский надзор: учебное пособие [Текст] / Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007. – С. 9.

2 Толковый словарь узбекского языка: в 2-х т. 60 000 слов и сочетаний / С.Ф.Акабиров, Т.А.Аликулов, С.З.Зуфаров и др., Под ред. З.М.Магруфова. – М.: Рус. яз., 1981. – В надзаг.: АН УзССР, Ин-т. яз. и лит. им. А.С.Пушкина. Т. I. А–Р. – С. 170, 456.

3 Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / Э.Бегматов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов ва бошқалар, А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. А–Х. – Б. 433.

маганлар соҳасида ишларни аниқ, тизимли ташкил этилишига эришишда муҳим ўрин тутати. Бу борада, А.Комиловнинг “мақсад” ва “вазифа” тушунчалари мазмуни ўртасидаги фарқни аниқ ажратмаслик, уларни ўхшаш мазмунга эга тарзда талқин этиш, прокурор назорати йўналишида ишларни фақат юқори турувчи прокурордан келадиган кўрсатма асосида ташкил этиш, амалиётчилар, айниқса, прокуратура органларида фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар орасида прокурор назоратининг мақсади ва вазифаларини белгилаб олишда англашилмовчилик келтириб чиқариши, прокурор назоратининг мақсадини вазифа сифатида, вазифасини эса мақсад тарзида тушуниб нотўғри хулоса орқали ифодалашга олиб келиши мумкин,<sup>4</sup> деган фикрларига қўшиламмиз. Чунки, прокуратура органлари маълум бир соҳа устидан прокурор назоратини амалга оширишда, аввало, ушбу соҳада назоратни ташкил этишдан мақсадни, ушбу мақсадга эришиш учун эса маълум бир вазифаларни ўзига белгилаб олади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг иш режасига асосан, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун ижросини васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шу жумладан, меҳрибонлик уйларида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий муҳофазалаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш аҳволига эътибор берган ҳолда ўрганиш белгиланган. Мазкур соҳада текширишлардан кўзланган асосий мақсад, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органларида қонунлар ижроси қай тарзда амалга ошириляётганлиги, уларнинг фаолиятига қонунчилик нуқтаи назаридан баҳо беришда кўринади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни ўрганишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолият мувофиқлаштириб борилганлиги, ҳокимликлар томонидан етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги давлат реестрининг юритилганлиги, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва васий ёки ҳомий тайинлаш чоралари кўрилганлиги, болаларни жойлаштириш шакллари тўғри танланганлиги, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мол-мулки ҳақидаги маълумотлар ша-

клантирилганлиги, вояга етмаганларга васий ёки ҳомий тайинлаш юзасидан тайёрланган ҳужжатлар ва улар асосида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, васийлик ва ҳомийлик органларида ишловчи ходимларнинг таркибий тўлиқ шаклланганлиги, малакаси ва касб маҳорати ошириб борилганлиги, ишлаш учун уларга яратилган шарт-шароитлар аҳволини ўрганиш каби вазифалар белгиланиб олинади<sup>5</sup>.

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида шуни қайд этиш лозимки, мақсад муайян режа, тадбир ва ҳаракатларни амалга ошириш орқали эришиладиган натижа ҳисобланади. Вазифа эса, айнан ушбу мақсадга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, ҳаракатлардир. Демак, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсадига назорат фаолияти олдида турган вазифаларни амалга ошириш орқали эришилади. Бу ҳақида, А.С. Арутюняннинг “вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсад ва вазифалари бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Улар вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда ўз аксини топади”<sup>6</sup>, деб билдирган фикрларига қўшиламмиз.

Фикримизча, вояга етмаганлар соҳасида қонунийликни таъминлашда, прокурор назоратини амалга оширишдан кўзланган натижаларга эришишда прокуратура органлари томонидан мақсадни тўғри белгилаб олиш зарур. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мақсадга эришиш учун вазифалар белгилаб олинади. Хусусан, Н. Васильеванинг таъбири билан айтганда, фаолиятнинг самарали бўлиши учун, унинг мақсади бир қатор кўрсаткичларга жавоб бериши лозим. Биринчидан, мақсад максимал даражада аниқ ва равшан бўлиши, ҳамма томонидан бирдек қабул қилиниши керак. Иккинчидан, мақсад нафақат якуний натижа, балки оралик натижа нуқтаи назаридан ҳам ўлчанадиган бўлиши лозим. Мақсадни шакллантириш ва баҳолашда ташкилот ҳамда идораларда мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлиши мумкин бўлган ички ва ташқи ресурслар нуқтаи назаридан мақсадга эришиши мумкинлиги юзасидан таҳлил қилиниши лозим. Шунингдек, мақсадни амалга ошириш санаси ёки даврини ҳам белгилаш мақсадга мувофиқдир<sup>7</sup>.

Юқорида келтирилган таҳлилларга асосан, воя-

4 Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Дисс. ... ю.ф.н. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020. – Б. 33.

5 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2021 йил 29 январдаги 7-180861/21-сонли хати доирасида Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг ҳисобот маълумотларидан олинган.

6 Арутюнян А.С. Прокурорский надзор за исполнением законодательство о несовершеннолетних (проблемы теории и практики). Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва. 2012. – С. 53-54.

7 Васильева Н. Целеполагание и управление по целям: истоки, основы, ошибки // Управление компанией. 2006. М; 8. С. 101.



га етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади, мазкур соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат деган хулосага келдик.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмига айлантириш, ҳуқуқни қўллашнинг бир хилдаги амалиётини шакллантириш ҳамда қонунчиликка риоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида прокуратура органлари зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялаш ҳамда ижтимоий йўналтирилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича муҳим ҳамда масъулиятли вазифалар юклатилган.

Прокуратура органлари давлат бошқаруви соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошира бориб, жамият ва давлат олдида турган фуқаролар эҳтиёжларини қондириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишига шароит яратадилар. Бошқача қилиб айтганда, прокурор умумий назорат соҳасида ўз ваколатларини амалга ошира бориб, бошқа орган ва ташкилотлар билан биргаликда сиёсий, давлат, иқтисодий, ижтимоий, миллий ҳамда маданий қурилиш масалаларини ҳал қилади<sup>8</sup>. Дарҳақиқат, қонун ҳужжатлари билан прокуратура органларига берилган ваколатлар, шу фаолиятдан кўзланган мақсадга эришиш учун прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган жамики чора-тадбирлар, ҳаракатлар, умумий қилиб айтганда, прокуратура органларининг вазифалари ҳисобланади, назаримизда.

Юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири бўлган прокурор назоратининг вазифалари ҳақида кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг фикрларини билдириб ўтишган. Хусусан, Б.Пўлатов “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида қайд қилинган Ўзбекистон Республикаси прокурату-

ра органларининг асосий вазифалари прокурорлик назоратининг ҳар бир соҳаси доирасида аниқ вазифалар орқали амалга оширилади. Назорат соҳаларининг асосий вазифалари давлатнинг олий ҳокимият ва бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқади, улар эса асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ва йўриқномаларида ўз аксини топади<sup>9</sup>, деб фикр билдирса, А.В.Паламарчук, “прокуратура органларининг ва прокурор назоратининг вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат”<sup>10</sup>, деган фикрни илгари суришади. Бу борада, А.В.Паламарчукнинг фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, прокуратура органларининг вазифалари, нафақат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, балки, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш ва бошқа муҳим вазифалардан иборат. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, прокурор назоратининг вазифалари маълум бир мақсадлар билан белгиланади, улар қонун талаблари ва жамиятдаги қонунийлик ҳолатидан келиб чиқади<sup>11</sup>. Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзгариб бориши, олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, қонунларга риоя қилишнинг аҳволи ва бошқа бу каби ҳолатлар прокуратура органларига бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5 декабрдаги 172-сонли буйруғига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг регламенти”га<sup>12</sup> асосан прокуратура органлари амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бажариш мақсадида қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати таҳлили асосида ҳар олти ойга мўлжалланган ҳолда иш режалар тузади ва бу орқали ушбу давр мобайнида бажарилиши лозим бўлган асосий вазифаларни ўзи учун белгилаб олади. Ушбу иш режаларга киритилган вазифалар, албатта, жамиятдаги долзаб бўлган ижтимоий муносабатлардан, қонунийлик аҳволдан, прокурор назорати ва суд-тергов амалиёти таҳлилидан ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб берилган талаблардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Хусусан, вояга етмаганлар ҳақи-

8 Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.19.

9 Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: «O'zbekiston», 2009. – Б. 54.

10 Паламарчук А.В. Задачи прокурорского надзора за исполнением законов органами местного самоуправления // Законность. 2014. № 3. С. 19.

11 Винокуров А.Ю., Винокуров К.Ю., Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор: учеб. для бакалавров / под ред. А.Ю. Винокурова. М.: Юрайт, 2013. С. 61.

12 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 172-сон буйруғига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти”. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари [Матн] Т.2. – Тошкент: «Тасвир», 2018. – Б. 206.

даги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати йўналишини оладиган бўлсак, вояга етмаганларни фарзандликка олиш, ҳомийлик ва васийлик тайинлаш билан боғлиқ масалалар доим прокуратура органларининг асосий назорат йўналишларидан бири ҳисобланади. Жумладан, 2020 йилнинг январь-декабрь ойида вояга етмаганларни фарзандликка олиш, ҳомийлик ва васийлик тайинлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан 400 дан ортиқ текшириш ўтказилган бўлиб, прокурор протестига кўра 30 нафарга яқин ҳужжат бекор қилинган, 30 дан зиёд қонунга зид ҳужжат эса қонунга мувофиқлаштирилган. Шунингдек, тегишли ташкилот ва идораларга 500 га яқин тақдимнома, 500 дан зиёд қарор ва 20 га яқин огоҳлантирувлар киритилган. Бундан ташқари, прокурор қарори ва тақдимномаси бўйича 300 дан зиёд шахс интизомий, 400 нафарга яқин шахслар маъмурий, 20 га яқини эса жиноий жавобгарликка тортилган. Ушбу текширишлар натижасида 1300 нафарга яқин шахснинг ҳуқуқлари тикланган бўлиб, булардан 1000 дан зиёди вояга етмаганларга тўғри келади<sup>13</sup>. Мазкур кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, вояга етмаганларни фарзандликка олиш, ҳомийлик ва васийлик тайинлашга оид қонунлар ижроси устидан назорат йўналишида прокуратура органларига алоҳида вазифаларни юклайди.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, бир қатор ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилар прокурор назоратининг вазифаларини умумий, махсус ва хусусий турларга ажратиш мумкин, деган назарий ғояларни илгари сурганлар. Жумладан, Ф.Рахимов ҳам қонунийликни мустақамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш нуқтаи назардан прокурор назоратини амалга оширишдаги вазифалар, шубҳасиз, прокурор назорати мақсадидан келиб чиқишини таъкидлаб, уларни умумий, махсус ва хусусий вазифаларга бўлади<sup>14</sup>. С.Л.Алексеев ва Н.Р.Вотчель<sup>15</sup> ҳам ўз тадқиқотларида прокурор назоратининг вазифаларини учта турга ажратади. Хусусан, муаллифнинг фикрича, умумий вазифалар – қонун устуворлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқий онгни шакллантириш, фуқароларнинг қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жамоат ва давлатни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой ва бошқа мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларини

ҳимоя қилишдир. Хусусий вазифалар – прокурор назоратининг маълум бир йўналишида (соҳада) фаолият олиб борувчи прокуратура органлари ходимлари томонидан амалга оширилади. Махсус вазифалар – умумий ва хусусий вазифаларга қараганда ҳилма-хилдир. Махсус вазифалар қуйидагиларни ўз ичига олади: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари бузилганлиги ҳақида аниқ маълумотларни олиш, қонунчилик нормаларига мослигини текшириш учун ҳужжатларни талаб қилиб олиш, қонунга зид қабул қилинган ҳужжатларни бартараф этиш ҳақидаги прокурор назорати ҳужжатларини қўллашдир. “Махсус вазифалар” – прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган аниқ функция ва йўналиш мазмунидан келиб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, Б.Пўлатов “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда белгиланган прокурор назоратининг умумий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур белгиланган нормаларни вояга етмаганлар соҳасига татбиқ этган ҳолда, соҳага оид вазифаларни қуйидагича белгилайди:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатини таъминлаш; қонунда белгиланган тартибда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги, жавобгарликка тортишни ва уларни тарбияланишига масъул бўлган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш; вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш<sup>16</sup>.

Дарҳақиқат, берилган ушбу нормалар прокурор назорати вазифаларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб ўтганимиздек, прокурор назорати вазифаларининг хусусий турига мансуб бўлиб, прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат соҳаси фаолиятидаги вазифаларини белгилаб беради.

Шунингдек, А.В.Ермаков<sup>17</sup> ҳам прокуратура органларининг вояга етмаганлар соҳасидаги вазифалари хусусида юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда қайд этадики, прокуратура органлари ўз фаолиятида вояга етмаганлар ҳақидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, қонун ҳужжатлари ва БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясида белгилаб берилган

13 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2021 йил 29 январдаги 7-180861/21-сонли хати доирасида Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг ҳисобот маълумотларидан олинган.

14 Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. – Т.: “Ношир” нашриёти, 2008. – Б. 95-98.

15 Алексеев С.Л., Вотчель Н.Р. Прокурорский надзор [Текст]: учебное пособие /; Частное образовательное учреждение высш. проф. образования «Акад. социального образования». - Казань: Академия социального образования, 2014. – С. 126

16 Пўлатов Б.Х., Астонов С.М. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш. Амалий қўлланма. 2018. – Б. 10-11.

17 Ермаков А.В. Организация прокурорского надзора в сфере защиты прав несовершеннолетних. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва: 2012. – С. 72.



вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва уларни амалга оширишнинг кафолатлари, уларнинг омон қолиш муаммоларининг устуворлиги тамойилини таъминлаш тўғрисидаги нормаларни ижро этиш, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятида, вояга етмаганлар ишлари бўйича дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш, уларни ҳар томонлама объектив тергов қилиш, жиноят содир этган вояга етмаганлар учун кўзда тутилган процессуал кафолатларга риоя қилиш, ёшларга оид ўзига хос масалаларни (бандлик, ҳарбий хизмат, ўрта-махсус ва олий таълим, вояга етмаганларнинг имтиёзлари) тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ижросини, вазирлик ва идораларда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш, прокуратура органларининг вояга етмаганлар билан ишловчи бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш прокуратуранинг асосий вазифалари сифатида эътироф этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғида қайд этилган, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат соҳасида бажарилиши лозим бўлган қуйидаги махсус вазифаларни кўрсатиб ўтиш лозим:

– қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

– давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, мазкур соҳадаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари, шунингдек, миллий қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш, бунга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

– қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий таҳлили асосида тизимли қонунбузилишларни аниқлаш;

– қонунчилик ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона амалиётни шакллантириш юзаси-

дан таклифлар ишлаб чиқиш;

– вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш.

Таъкидлаш жоизки, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг доимий равишда ўзгариб бориши натижасида прокуратура органлари учун бир қатор янгидан-янги вазифаларни келтириб чиқаради. Шу боис, соҳада прокурор назоратини ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришишда белгиланган мавжуд вазифаларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажариш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати вазифаларини амалга оширишда нафақат ходимлардан тегишли даражада касбий тайёргарлик, балки марказий ва ҳудудий прокуратураларда ишларни тўғри ташкил этиш, назорат фаолияти пухта режалаштириш ва ахборот-таҳлилий таъминлаш талаб этилади.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ўзига хослиги жиҳатидан алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш ҳамда профилактика қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусияти ҳақида турли хил фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, Д.Турахонов ва бошқа муаллифлар жамоаси<sup>18</sup> “вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат - прокуратура органлари фаолиятининг комплекс ёндашувни талаб этувчи устувор ва муҳим фаолият йўналишларидан бири бўлиб, аксарият ҳолатларда соҳавий йўналишда бир масала ёки қонун ҳужжати ижросининг ўрганилиши бир нечта назорат объектларида текшириш ўтказишни тақозо этишининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Жумладан, соҳавий йўналишга оид норматив ҳужжатлар ижросининг самарадорлиги, кўп ҳолатларда фаолияти ўзаро кесишувчи икки ва ундан ортиқ органлар, давлат идоралари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ушбу ҳамкорликнинг мувофиқлаштирилганлик даражасига боғлиқдир”, деб фикр билдиришса, О.С.Капинус<sup>19</sup> “вояга етмаганлар ҳақидаги қо-

18 Турахонов Д ва бошқа муаллифлар жамоаси. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш. Услубий қўлланма // –Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бошлиғи Е.В.Коленко умумий таҳрири остида. Бош прокуратура Академияси, 2021. – Б.11.

19 Капинус О.С. Прокурорский надзор за исполнением законов о защите прав несовершеннолетних. Вестник. университета прокура-

нун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати, прокуратура фаолиятининг мустақил йўналиши бўлиб, прокурор назоратининг энг кенг доирасини қамраб олади ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, болалар жиноятчилигининг олдини олишга йўналтирилган<sup>20</sup> лигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, вояга етмаганлар ўзларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда бошқаларга нисбатан қўшимча кафолатларга муҳтож тоифа ҳисобланади. Бу эса, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларига алоҳида масъулият юклайди. Бизнингча, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, соҳада назоратни амалга ошириш билан бир пайтда, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликни олдини олиш, профилактика ишларининг амалга оширилишидир. Хусусан, прокуратура органлари томонидан 2020 йилда болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш тўғрисидаги қонунчилик соҳасида 700 дан ортиқ текшириш ўтазилган бўлиб, прокурор протестига кўра 100 га яқин қонунга зид ҳужжат бекор қилинган, 60 дан зиёд ҳужжат эса қонунга мувофиқлаштирилган. Шунингдек, тегишли ташкилот ва идораларга 800 га яқин тақдимнома, 500 дан зиёд қарор ва огоҳлантирувлар киритилган. Бундан ташқари, прокурор қарори ва тақдимномаси бўйича 1100 нафардан зиёд шахс интизомий, 400 яқини маъмурий, 100 дан ортиқ шахс эса жиноий жавобгарликка тортилган. Ушбу текширишлар натижасида 300 нафарга яқин шахснинг ҳуқуқлари тикланган бўлиб, булардан 200 дан зиёди вояга етмаганларга тўғри келади<sup>20</sup>.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фаолияти бевоқиф вояга етмаганлар билан боғлиқ давлат идоралари сони кўп миқдорни ташкил этиши, ушбу соҳада прокурор назоратини амалга оширишда комплекс ёндашувни талаб этади. Хусусан, В.И.Рохлиннинг<sup>21</sup> қайд этишича, “вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларининг бузилиши жуда кенг тарқалган бўлиб, кўпинча вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда давлат идоралари ва маъму-

рий органлар томонидан қонун бузилиши, шунингдек ажратилган бюджет маблағларини бошқа мақсадларда сарфланиши ҳолатлари учрамоқда. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда қайд этиш лозимки, мамлакатимизда прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар соҳасида давлат мулкнинг сақланиши ва бюджет маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан 2020 йил давомида 175 та текшириш ўтказилган бўлиб, 219 нафар шахс интизомий, 1037 нафари маъмурий, 96 нафар шахс эса жиноий жавобгарликка тортилган. 183 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган бўлиб, улардан 53 нафари вояга етмаганларга тўғри келади<sup>22</sup>. Мазкур кўрсаткичлар шунини кўрсатадики, вояга етмаганлар соҳасида бюджет маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш прокуратура органларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, соҳада қонунийликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини нафақат ҳимоя қилади, балки улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олади. Бунинг устига, прокуратура органлари вояга етмаганлар соҳасида фаолиятни амалга оширувчи идоралар ва мансабдор шахслар томонидан қонунларга риоя этиши устидан назорат олиб боради. Шунингдек, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, прокуратура органлари фаолиятининг мазкур йўналиши Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида алоҳида йўналиш сифатида кўрсатилмаган бўлса ҳам амалиётда прокуратура органларининг қуйидан тортиб, юқоригача бўлган тизимда ушбу масала юзасидан алоҳида прокуратура ходимлари фаолият кўрсатишади. Бизнингча, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини алоҳида прокурор назорати предмети сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига киритиш мақсадга мувофиқ.

#

туры Рос. Федерации. 2021, № 1 (81). - С. 5.

20 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2021 йил 29 январдаги 7-180861/21-сонли хати доирасида Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг ҳисобот маълумотларидан олинган.

21 Рохлин В.И. Прокурорский надзор за исполнением законов о несовершеннолетних: учеб. для вузов / [и др.]; под ред. В.И. Рохлина. СПб.: С.-Петербург. юрид. ин-та Генеральной прокуратуры РФ, 2005. С. 4.

22 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар портали // Электрон манба: <http://report.bp.gov>.

## **«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:**

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.



### **На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:**

- обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;
  - постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;
  - логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;
  - отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.
- Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.
- Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

- научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале. Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:
  - имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;
  - краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.
- Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:
- статья не соответствует вышеуказанным требованиям;
  - наличие отрицательных рецензий;
  - в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;
  - если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).
- Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

